**Датчик—**Датчик
**Юқори босим—**Юқори босим
**Калибрлаш катталиги—**Калибрлаш катталиги
**Босим—**Босим
**Босимни чиқариб юбориш—**Босимни чиқариб юбориш
**Танлаш—**Танлаш

OUO6064,00000F6-UZ-15JUN10

## Суюқ ўғит датчигини калибрлаш

*ҚАЙД: Ушбу вариант машина бир ёки ундан ортиқ датчиклар билан конфигурация қилингандагина акс эттирилади.*

1.



A59325—UN—19FEB07

*Меню*



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*



A59172—UN—29JAN07

*Конфигурация клавиши*




A59369—UN—20FEB07

*Нол датчиги тугмаси*

**Меню** >> **Сеялка** тугмаси >> **Конфигурация** клавиши >> **Датчик** варағини танланг.

2. Тушувчи менюдан **Ўғит** ни танланг.
3. **Датчик** тушувчи менюсидан ҳар бир датчикни бирма-бир танланг.
4. **Калибрлаш катталиги** киритиш майдонини танланг ва ўғит датчигидан вольт орқали босимни киритинг. Заводда датчиклар билан жиҳозланганJohn Deere™ сеялкалари 37.50 (инглизча бирлик) ёки 258.55 (метр бирликлари) калибрлаш катталикларига эга.

*ҚАЙД: Тизим ўчирилгандан кейин ҳам тизимда маълум миқдорда босим қолади ва у қўлда чиқариб юборишни талаб қилади.*

*ҚАЙД: Жорий босим экраннинг чап қуйи қисмида кўрсатилади.*

5. Ўғит босимини тизимдан чиқариб юборинг ва **Нол датчигиг** тугмасини танланг.

Экраннинг маълумот майдони

**Сеялка конфигурацияси—**Сеялка конфигурацияси
**Датчик—**Датчик
**Ўғит—**Ўғит
**Юқори босим—**Юқори босим
**Калибрлаш катталиги—**Калибрлаш катталиги
**Босим—**Босим
**Босимни чиқариб юбориш—**Босимни чиқариб юбориш
**Танлаш—**Танлаш

OUO6064,0000495-UZ-29APR11

## Умумий ишга тушириш ва тўхташ баландлигини калибрлаш



A59325—UN—19FEB07

*Меню*



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*



A59172—UN—29JAN07

*Клавишни конфигурациялаш*



A59528—UN—08MAR07

*Сеялка кўтарилган*

*John Deere - Deere & Companyнинг савдо белгиси*



A59529—UN—09MAR07

*Сеялка туширилган*



A59530—UN—08MAR07

*Ишга тушириш/тўхтатиш*



H85801—UN—14JUN06

*Киритиш*

Машина кўтарилаётганда ёки пастга тушаётганда RowCommand™ ва экиш нормасини бошқариш тизимли моторларда (VRD) ишга тушириш ва тўхтатишнинг ягона нуқтасини ўрнатиш учун ушбу амалиётдан фойдаланинг. Умумий ишга тушириш/тўхтатиш нуқталари машина экиш секциясининг параллел дастакли баландлик переключатели билан жиҳозланганда қўлланилади. Рама ғилдираги баландлик датчигига эга машиналар алоҳида ишга тушириш/тўхтатиш нуқталаридан фойдаланиши мумкин.

1. **Меню** >> **Сеялка** тугмаси >> **Клавишни конфигурациялаш** >> **Датчик** варағини танланг.
2. Тушувчи менюдан **Баландлик** ни танланг.
3. **Умумий**ни танланг.
4. Кўтарилган ҳолатда машинани тўлиқ кўтаринг.
5. **Сеялка кўтарилган** тугмасини танланг. **Киритиш** тугмасини танланг.
6. Экиш шароитида олдинга юриш давомида машинани тўлиқ туширинг.
7. **Сеялка туширилган** тугмасини танланг. **Киритиш** тугмасини танланг.
8. **Ишга тушириш/тўхтатиш** тугмасини танланг.

**МУҲИМ: Ишга тушириш/тўхтатиш нуқтаси параллел дастакли экиш секциясида битта амалли баландлик переключателига эга осма сеялкалар учун 50 га қўлда ўрнатилиши керак.**

*ҚАЙД: 20 дан кам бўлган берилган катталик рама ғилдирагининг баландлик датчиги билан тавсия қилинмайди.*

9. Рама ғилдирагининг баландлик датчигида: Тўлиқ туширилган ҳолатдан керакли ишга тушириш/тўхтатиш нуқтасига етгунга қадар кўтаринг ва **Баландликни ўрнатиш** тугмасини босинг. Тавсия этиладиган созлама тупроқ юзасида плуг тишлари билан амалга оширилади.
10. Экиш бошлангандан кейин созламалар бироз ўзгартиришни талаб қилса, киритиш майдонини танланг ва катталикларни бироз оширинг.
11. **Киритиш** тугмасини танланг.

Экраннинг маълумот майдони

**Сеялка конфигурацияси—**Сеялка конфигурацияси
**Датчик—**Датчик
**Баландлик—**Баландлик
**Умумий—**Умумий
**Алоҳида—**Алоҳида
**Моторни ишга тушириш/тўхтатиш баландлиги—**Моторни ишга тушириш/тўхтатиш баландлиги
**Сеялканинг амалдаги баландлиги—**Сеялканинг амалдаги баландлиги

OUO6064,00001B0-UZ-20JUL10

## Алоҳида ишга тушириш ва тўхтатиш баландлигини калибрлаш



A59325—UN—19FEB07

*Меню*



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*



A59172—UN—29JAN07

*Клавишни конфигурациялаш*



A59528—UN—08MAR07

*Сеялка кўтарилган*



A59531—UN—08MAR07

*Ишга тушириш/тўхтатиш*



A59529—UN—09MAR07

*Сеялка туширилган*



A59526—UN—08MAR07

*Ишга тушириш баландлиги*



A59527—UN—08MAR07

*Тўхтатиш баландлиги*



H85801—UN—14JUN06

*Киритиш*

Машина кўтарилаётганда ёки пастга туширилаётганда экиш нормасини бошқариш тизимли моторларда ишни тушириш ва тўхтатишнинг алоҳида нуқталарини ўрнатиш учун ушбу амалиётдан фойдаланинг. Рама ғилдираги баландлик датчикларига эга машиналар алоҳида ишга тушириш/тўхтатиш нуқталаридан фойдаланади. Умумий ишга тушириш/тўхтатиш нуқталари машина экиш секциясининг параллел дастакли баландлик переключатели билан жиҳозланганда қўлланилади.

**Меню** >> **Сеялка** тугмаси >> **Клавишни конфигурациялаш** >> **Датчик** варағини танланг.

1. Тушувчи менюдан **Баландлик** ни танланг.
2. **Алоҳида** катагини танланг.
3. Кўтарилган ҳолатда машинани тўлиқ кўтаринг.
4. **Сеялка кўтарилган** тугмасини танланг. **Киритиш** тугмасини танланг.
5. Экиш шароитида олдинга юриш давомида машинани тўлиқ туширинг.
6. **Сеялка туширилган** тугмасини танланг. **Киритиш** тугмасини танланг.
7. **Ишга тушириш/тўхтатиш** тугмасини танланг.

**МУҲИМ: Ишга тушириш баландлиги тўхтатиш баландлигидан каттароқ кўрсаткичда бўлиши керак.**

*ҚАЙД: 20 дан кам бўлган берилган катталик рама ғилдирагининг баландлик датчиги билан тавсия қилинмайди.*

8. Машинани тўлиқ пасайтирилган ҳолатдан моторни тўхташ баландлигига етгунича кўтаринг ва **Тўхташ баландлиги** тугмасини танланг. Тавсия этилган созлама плуг тишларининг тупроқдан чиқиши олдидан бажарилади.
9. Машинани тўлиқ кўтаринг.
10. Машинани тўлиқ кўтарилган ҳолатдан моторни ишга тушиш баландлигига етгунича тушириng ва **Ишга тушириш баландлиги** тугмасини танланг. Тавсия этилган созлама плуг тишлари тупроқ билан туташиши олдидан бажарилади.
11. Экиш бошлангандан кейин созламаларни бироз ўзгартириш учун киритиш майдонини танланг ва катталикларни бироз оширинг.
12. **Киритиш** тугмасини танланг.

Экраннинг маълумот майдони

**Сеялка конфигурацияси—**Сеялка конфигурацияси
**Датчик—**Датчик
**Баландлик—**Баландлик
**Умумий—**Умумий
**Алоҳида—**Алоҳида
**Моторнинг ишга тушиш баландлиги—**Моторнинг ишга тушиш баландлиги
**Моторнинг тўхташ баландлиги—**Моторнинг тўхташ баландлиги
**Сеялканинг амалдаги баландлиги—**Сеялканинг амалдаги баландлиги

OUO6064,000064C-UZ-10NOV11

## Юриш тезлиги манбаси

1.



A59325—UN—19FEB07

*Меню*



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*



A59172—UN—29JAN07

*Конфигурация клавиши*



A62104—UN—22FEB08

*Радар тезлиги*



A62103—UN—03MAR08

*Ғилдирак тезлиги*




A62106—UN—22FEB08

*Тезликни қўлда созлаш*

**Меню** >> **Сеялка** тугмаси >> **Конфигурация** клавиши >> **Датчик** варағини танланг.

2. Тушувчи менюдан **Трактор тезлигини** танланг.
3. **Автоматик** текшириш катаги тавсия этиладиган вариант саналади. Радар тезлиги ва трактор ғилдираги тезлиги экраннинг қуйи қисмида кўрсатилган. Айни пайтда ишлатилаётган фаол манба экраннинг ўртасида кўрсатилади.
4. Мониторда фақат битта тезлик манбасидан фойдаланиш учун **Автоматик** катагини тозаланг.

**МУҲИМ: Қўлда тезликни киритиш ҳам бир усул саналади. Ягона тезлик кўрсаткичи киритилиши керак. Монитор сеялка ҳар доим ушбу тезликда юраётганлигини кўрсатиб туради. Ушбу тезликда юриш аксарият аниқ монитор кўрсаткичлари учун мўлжалланган. Барча норма ва огоҳлантиришлар жорий тезликка эмас, балки киритилган тезликка асосланади.**

5. Ягона тезлик манбаси; **Радарг**, **Ғилдирак тезлиги**, ёки **Қўл киритиш тезлигини** танланг.

Экраннинг маълумот майдони

**Сеялка конфигурацияси—**Сеялка конфигурацияси
**Датчиклар:—**Датчиклар:
**Датчик—**Датчик
**Трактор тезлиги—**Трактор тезлиги
**Авто—**Авто
**Манбани танлаш—**Манбани танлаш
**Фаол манба—**Фаол манба
**мил/соат—**соат/мил
**км/с—**километр/соат

OUO6064,00001B2-UZ-15JUN10

## Сеялка билан тезкор танишиш — Фойдаланувчи созламалари

Сеялка билан тезкор танишиш — Фойдаланувчи созламалари ойнаси операторга авто тушиш ёқилганда қайси монитори параметрлари акс эттирилишини танлаш имконини беради.



A59325—UN—19FEB07

*Меню*



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*



A67761—UN—16JUN10

*Экранни сканерлаш*



H85801—UN—14JUN06

*Киритиш*

1. **Меню** >> **Сеялка** тугмаси >> **Экранни сканерлаш** тугмасини танланг.
2. **Экранни сканерлаш** тугмасини танланг ва 4 сония босиб туринг.
3. **Авто тушиш** танланганда кўрсатиладиган ҳар бир ёнига белги қўйинг.
4. **Авто тушишни** ёқиш учун катакни белгиланг.
5. Ҳар бир экраннинг кечикиш вақти учун **Кечикиш** катагини танланг. Катталик сонияларда ифодаланади.
6. Якунлангач, **Киритиш** тугмасини танланг.
7. Авто тушиш фаоллаштирилганда, ишчи ойнада тушишни ёқиш учун экранни сканерлаш тугмасини танланг. Исталган пайтда тушишни ўчириш учун экранни сканерлаш тугмасини танланг.

OUO6064,00005C2-UZ-19APR21

## Огоҳлантириш сигналлари ва чекловларни созлаш саҳифаси

Огоҳлантириш сигналлари ва чекловларни созлаш саҳифаси операторга параметрларнинг ҳар бирида кузатиладиган огоҳлантиришлар ва хавф сигналлари даражаларини созлаш имконини беради.

Назорат қилинадиган катталиклардан бирор бири белгиланган нуқтадан ўтадиган бўлса, гистограмма ва рақамли дисплей фони қизилга ўзгаради.

Маълум бир функцияда хавф сигналини ўчириш учун хавф сигналини ўрнатиш майдонининг исталган бирида “0” сонини киритинг.



A59325—UN—19FEB07

*Меню*



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*



A109634—UN—22APR21

*Монитор тугмалари*




A109635—UN—22APR21

**A—Доналаб ажратиш огоҳлантириш сигнали**
**B—CV огоҳлантириш сигнали оралиғи**
**C—Босқич кўрсаткичи**
**D—Тўхташ таймери**

1. **Меню** >> **Сеялка** тугмасини танланг.
2. Ҳар қандай тугмани танланг ва 4 сония босиб туринг.
3. Минимум мумкин бўлган доналаб ажратиш фоизини киритиш учун **Доналаб ажратиш бўйича огоҳлантириш ойнасини** (A) танланг. Доналаб ажратиш огоҳлантириш сигнали одатий созламаси 92 фоиз.

*ҚАЙД: Экиш оралиғи ўзгариш коэффициенти (CV) уруғ оралиғи изчиллигини ифодалайдиган қиймат. Юқорироқ қийматлар экиш оралиғи изчиллигининг пасайишини кўрсатади. Ўзгариш коеффициенти (CV) учун яхши диапазон 0,10–0,30 бўлади.*

4. Ўзгариш катталигининг минимум мумкин бўлган коэффициентини киритиш учун **CV огоҳлантириш сигнали оралиғи ойнасини** (B) танланг. Огоҳлантириш сигнали стандарт оралиқ созламаси 0,35.
5. Ошириш ёки камайтириш стрелкалари пневматик сиқувчи кучни созлашда ишлатилганда, сиқувчи куч ўзгарадиган босқичли катталикни киритиш учун **Босқич катталиги катагини** (C) танланг. Оширилувчи катталиклар 1 ва 50 орасида ўрнатилиши мумкин.

*ҚАЙД: Фаол PDF тўхтатиш таймери ойнаси фақат фаол пневматик сиқувчи куч билан назорат қилинадиган машиналарда мавжуд.*

6. Асосий ишчи экранда тўхтатиш тугмаси босилганда, фаол PDF тизими ўчириладиган вақтни ўрнатиш учун **Фаол PDF тўхтатиш таймери катагини** (D) танланг.
7. **Киритиш** тугмасини (E) танланг.

OUO6074,00011DE-UZ-19APR21

## Узатма бўлимларини конфигурациялаш

*ҚАЙД:*



A59325—UN—19FEB07

*Меню*



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*



A59172—UN—29JAN07

*Клавишни конфигурациялаш*



A59377—UN—23FEB07

*Созламалар тугмаси*



H85801—UN—14JUN06

*Киритиш*

Узатма манбаси юриш узатмасига конфигурацияланганлигини текширинг. (Бирламчи тизим конфигурациясида УЗАТМА МАНБАНИ КОНФИГУРАЦИЯЛАШГА қаранг.)

Узатма бўлимларини конфигурацияланг.

1. **Меню** >> **Сеялка** тугмаси >> **Клавишни конфигурациялаш** >> **Узатмалар** варағи >> **Узатма бўлимлари** тушувчи менюси >> **Созламалар** тугмасини танланг.
2. Тушувчи менюдан бўлимлар сонини (муфталар сонини) танланг.
3. Кейинги саҳифа белгисини танланг.
4. Бошлаш ва якунлаш қаторлари машинадаги чап ва ўнг муфта конфигурацияларига мос келишини текширинг.
5. Қатор буйруғини ёқиш учун **Қатор буйруғи** катагини текширинг.

**Сеялка конфигурацияси—**Сеялка конфигурацияси
**Узатмалар—**Узатмалар
**Узатма бўлимлари—**Узатма бўлимлари
**Мотор—**Мотор
**Бошлаш қатори—**Бошлаш қатори
**Якуний қатор—**Якуний қатор
**Чап—**Чап
**Ўнг—**Ўнг
**Бўлимлар сони—**Бўлимлар сони
**Қатор буйруғи: Йўқ—**Қатор буйруғи: Йўқ
**Қатор буйруғи: Ҳа—**Қатор буйруғи: Ҳа

OUO6074,0000ACD-UZ-29APR11

# SeedStar™ 2 экиш нормасини бошқариш конфигурацияси

## Экиш нормасини бошқариш тизимини (VRD) кўриб чиқиш

Экиш нормасини бошқариш тизими (VRD) уруғ дозаторларини бошқариш учун бир ёки ундан ортиқ гидравлик моторлардан фойдаланади. Оператор томонидан мониторга киритилган маълумотлар билан бирга турли датчиклар танланган зичликка эришиш учун талаб этиладиган дозатор тезлигини аниқлаб беради.

VRD параметрлари умумий механик узатмаларда қўшимча самарадорлик билан таъминлайди.

- Машинани тўхтатмасдан кабинадан туриб экиш нормасини қўлда ўзгартиринг.
- Ҳар хил тупроқ турларидан ўтганда экиш нормасини қўлда ўзгартиринг.
- Суғориладиган ва суғорилмайдиган ерлардан ўтишда экиш нормасини қўлда ўзгартиринг.
- Экиш жараёнида танлаш учун бештагача бўлган турли экин нормаларини дастурланг.
- Ҳар бир гидравлик узатмали мотор билан турли хил нормаларда экиш учун бир нечталик VRD моторлардан фойдаланинг ёки барча моторлар учун бир хил нормани танланг.
- Далада экиш нормаларини автоматик созлайдиган андазалар режасини ишлаб чиқишда APEX дастурий таъминоти ва Map Based PlanterField Doc™ билан мос келади.

### Тизим деталлари

- **Гидравлик мотор** - Мотор сеялканинг узатма валлари ва дозаторларини айлантиради.
- **Клапан ва соленоид** - мой оқимини моторга ўзгартиради.
- **Мотор датчиги** - мотор тезлигини назорат қилади.
- **Баландлик датчиги ёки переключатель** - рама баландлигини назорат қилади.
- **Ҳаракатланиш датчиги** - сеялка ғилдираги айланишини назорат қилади.
- **Трактор радари ёки GPS ресивер** - юриш тезлигини кўрсатади.
- **Тизим контроллери** - барча сигналлар ва киритиш маълумотларига ишлов беради.
- **Монитор дисплейи** - маълумотларни тақдим этади ва операторнинг киритган маълумотларини қабул қилади.

### Гидравлика тизимига қўйиладиган талаблар

Трактор юкни ўлчашнинг гидравлик тизимига ёки оқим бошқариладиган ёпиқ марказли гидравлик тизимга эга бўлиши керак. Ушбу турдаги гидравлик тизимли тракторлар одатда катта мой баки ва юқори сиғимли совитиш тизимига эга бўлади. Улар фақат VRD мотор доимий тезликни сақлаши учун керак бўладиган мой оқими билан таъминлайди.

Ҳар бир VRD мотор 3447 дан 10 342 гача кПа.да (500 дан 1500 гача фунт/кв.дюйм) 3.79 дан 30.28 гача л/дақ. (1.0 дан 8.0 гача дақ/гал.) номинал гидравлик мой оқимини талаб қилади.

*ҚАЙД: Очиқ марказли гидравлик тизимга эга тракторлар қуйидаги сабаблар боис тавсия этилмайди:*

- *Мой оқими ҳажмининг назорат қилинмаслиги.*
- *Мой ҳароратининг меъёрдан ортиқ қизиши.*
- *Тракторнинг бошқа назорат клапанлари ишлаши давомида моторга мой оқими кам келади.*

### Тизимнинг функционал имкониятлари

- **SeedStar™ 2 контроллери (PM1):** Сеялка рамасига ўрнатилган контроллер трактордан қувватни ва тизимнинг барча компонентларидан сигналларни қабул қилади. Контроллер барча маълумотларга ишлов беради, гидравлик мотор клапанини назорат қилади ва монитор дисплейини маълумот билан таъминлайди. Контроллер бутун CAN (локал контроллер тармоғи) тизимини боғлайди. SeedStar™2 John Deere GreenStar™ 2 1800 ва 2600 дисплейлари ва ISO 11783 стандартига мос дисплейлар билан мос келади.
- **Монитор дисплейи:** Монитор оператор киритмаларини қабул қилади ва контроллерга маълумотларни юборади. Монитор, шунингдек, контроллердан қабул қилинган маълумотларни ҳам кўрсатади.
- **Баландлик датчиги:** Шатакка олинадиган кўпчилик сеялкаларда сеялка пасайтирилганда ёки кўтарилганда танланган нуқтада экишни бошлаш ва тўхтатиш учун ростланадиган ғилдирак рамаси баландлик датчигидан фойдаланилади. Бошлаш ва тўхтатиш нуқталари GreenStar™2 дисплейда оператор томонидан киритилади ва ўрнатилади.
- **Баландлик переключатели:** Кўпчилик осма сеялкаларда экиш секцияси параллел дастагига ўрнатилган бир ёки ундан ортиқ переключатель тугмалари ишлатилади. Сеялка кўтарилганда переключатель босилади ва туширилганда эса қўйиб юборилади. **Икки переключателли тизим:** Бири машинанинг узоқ чап томонида ва бошқаси марказнинг ўнг томонидаги биринчи экиш секциясида ўрнатилади. Фақат битта переключатель босилса, узатмалар айланишда давом этади. Нотекис ер қўйиб юборилган ҳолатда қолган переключателнинг босилиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Сеялка кўтарилганда ИККАЛА переключатель ҳам босилгандагина узатмалар тўхтайди.

*Field Doc - Deere & Companyнинг савдо белгиси*

- Радар ёки GPS ресивер ўрнатилган тракторда юриш тезлигини аниқлаш мумкин.
- Сеялка ғилдирагига ўрнатилган ғилдиракнинг ҳаракатланиш датчиги ҳаракатланишни аниқлайди ва сеялка ҳаракатланаётганлигини кўрсатади. Бу хавфсизлик функцияси бўлиб, радар ёки GPS ресивердан юриш тезлиги сигналини текширади.
- Экиш нормасини бошқариш тизимли моторларга қувват трактордан доимий гидравлик оқим орқали таъминланади. Контроллер мотор тезлигини назорат қилиш учун мотордаги гидравлик клапанни юритаётган соленоидга сигнал юборади.
- Мотор валига ўрнатилган тезлик датчиги SeedStar™ контроллерга жавоб реакцияси учун мотор тезлигини аниқлайди.

*ҚАЙД: Уруғ датчиклари орқали аниқланадиган зичлик кўрсаткичлари мотор тезлигини БОШҚАРМАЙДИ.*

- Оператор мониторга экиш нормаси, экиш дисклари, уруғ дозаторлари, қатор оралиғи, мотор шестерняси ва рама жойлашуви ҳақидаги маълумотларни киритади. Контроллер мотор тезлиги ва дозатор тезлигини созлаш учун бошқа оператор киритган маълумотлардан фойдаланади.

Тизим ишлаши учун қуйидаги компонентлар фаол ҳолатда бўлиши талаб этилади:

- Мониторнинг ишлаши - Монитор ва контроллерда электр қуввати бўлиши керак.
- Уруғ нормаси - Бир ёки ундан ортиқ киритилиши ва Сеялка - нормалар экранидан ЁҚИЛИШИ керак.
- Гидравлик мойнинг доимий оқими - Мой моторга оқиб туриши керак.
- Тракторнинг юриш тезлиги - Контроллер 1.6 км/с (1 миль/с) дан юқори юриш тезлигини аниқлаши керак.
- Ғилдиракнинг ҳаракатланиш датчиги - Контроллер сеялка ғилдирагининг ҳаракатланишини аниқлаши керак.
- Баландлик датчиги ёки переключатель - калибрланиши ва контроллер сеялка пасайтирилганлигини аниқлаши керак.

VRD киритмаларнинг жорий ҳолатини кўриш учун, тушувчи менюдан **Сеялка** >> **Диагностика** клавиши >> **Кўрсаткичлар** варағи >> **VRD маълумотларни** танланг.

Экиш нормасини бошқариш тизимида ишлаш учун экиш нормаси киритилиши ва Сеялка - Нормалар ойнасидан ЁҚИЛИШИ керак.



A62923—UN—23JUL08

*Фаолият танланмаган*



A62924—UN—23JUL08

*Ғилдирак ҳаракатланмоқда*



A62925—UN—23JUL08

*Сеялка туширилган*



A62926—UN—23JUL08

*Ёқилган узатмалар*

Меъёрий ишлаш давомида моторлар ишлаб турган бўлса ИШ ойнасида визуал индикатор пайдо бўлади. Узатма индикаторлари бўлимлари тизим фаолиятига асосланиб бирма-бир тўлади, кейин камида битта мотор ишлаётганлигини кўрсатиш учун яшил чироқ ёнади.

### Тизим характеристикаси

Тезликнинг пастлиги самарадорликка таъсир қилади. Моторнинг ишлаши тезлик 3.2 км/с.дан (2 миль/с) пасайганда минималлашади ва тезлик 1.6 км/с (1 миль/с) дан кам бўлганда тўхтайди. Тезлик

3.2 км/с (2 миль/соат) дан кам бўлганда монитор огоҳлантиришлари берилмайди.

Тезликни меъёрдан ортиқ ва тўсатдан ўзгартириш зичлик ва оралиқ аниқлиги камайишига сабаб бўлади. Тўхтаган ҳолатдан ишга тушириш учун холостойнинг юқори айланмаси ва қуйи трансмиссиядан фойдаланинг. VRD тизими вақти тўғриланиши учун тезликни белгиланган тезликкача 3.2 км/с (2 миль/с) дан босқичма-босқич ошириб боринг. Двигателнинг бошланғич фаолиятини яхшилаш учун тезкор ўт олдириш параметридан фойдаланинг. Дала охирида бурилиш учун холостой юришни пасайтириш ўрнига пасайтирилган узатмани ёқинг. Сеялкани туширишдан олдин 3.2 км/с (2 миль/с) тезликка чиқинг ва поғонама-поғона белгиланган тезликка кўтарилувчи узатмани ёқинг.

OUO6064,00001F1-UZ-30JUN10

## Тезкор ишга тушириш ҳақида




A67930—UN—30JUN10

*Тезкор ишга туширишни аслига қайтариш тугмаси*

Тушириб қолдириш уруғ тушиб қоладиган, аммо экилмайдиган ер қисмлари саналади.

Тезкор ўт олдириш функцияси операторга сеялка тўхташ ҳолатидан ишга тушганда уруғларни тушиб қолиш кўрсаткичини камайтириш имконини беради. Тезкор ишга тушириш тушириб қолдиришни тахминан 0.3-1.2 м (1-4 фут) га камайтиради.

Тезкор ишга тушириш танланса ва ёқилган бўлса, назорат блоки мўлжалланган юриш тезлиги орқали берилган минимал операцион тезликда (18 айл/дақ) моторни юритади. Назорат блоки ғилдирак ҳаракатланиши сеялкадан аниқланганда экиш нормасини бошқариш тизимли моторларни ишга туширади. Аниқ тезлик назорат блоки орқали ҳисобланган мўлжалланган тезликка етмагунча мотор тўлиқ юкламада ишлайди..

Масалан:

| Зичлик | Қаторлар оралиғи | Минимал тезлик |
|---|---|---|
| 37 000 уруғ/гектар (15 000 уруғ/акр) | 76 см (30 дюйм) | 4.8 км/с (3 мил/соат) |
| 74 000 уруғ/гектар (30 000 уруғ/акр) | 76 см (30 дюйм) | 2.4 км/с (1.5 мил/соат) |

Тезкор ишга тушириш фаоллаштирилишидан олдин бошқарув блоки қуйидаги 4 та ҳолатни аниқлаб олиши керак:

- Тезкор ишга тушириш **Сеялка** иловаси >> **Сеялка конфигурацияси** клавиши >> **Узатмалар** варағи >> **Созламалар** тугмаси >> **QS ёқилган** катагида белгини танлаш фаоллаштирилади. **Киритиш** тугмасини танланг.
- Аниқ ўлчанган радар тезлиги минимум юриш тезлигидан паст бўлиши керак.
- Сеялка ғилдирагининг ҳаракатланиши аниқланиши лозим.
- Сеялка рамаси баландлиги пасайтирилган ҳолатни кўрсатиши керак.

**Тезкор ишга тушириш** дан фойдаланиш учун:

1. Тўхташ ҳолатида сеялкани пасайтиринг. Баландлик датчиги туширилган ҳолатни кўрсатганда, экранда "QS 6" пайдо бўлади ва тескари ҳисоблаш бошланади. VRD моторлар сеялка ҳаракати аниқланадиган минимум тезликда (18 айл/дақ) ишга тушади.
2. Таймер нолни кўрсатса, таймерни аслига қайтариш учун Тезкор ишга туширишни аслига тиклаш (QS аслига тиклаш) клавишини танланг. QS аслига тиклаш функциясидан фақат сеялка тўхтаб турганда фойдаланиш мумкин.
3. Олдинга ҳаракатланишни бошланг ва поғонама-поғона экиш тезлигигача кўтарилувчи узатмани ёқинг.

   Сеялка ҳаракатланиши аниқлангач 6 сонияли таймер ишга туширилади. Таймер нолни кўрсатганда назорат блоки 1.6 км/с (1 мил/с) минимум юриш тезлигини текширади. 1.6 км/с (1 мил/с) тезликка чиқилмаса, тизим ўчади. Юриш тезлиги 1.6 км/с.дан ошса, таймер 6 сониягача аслига қайтаради. Таймер яна нолга тушса, назорат блоки қайтадан минимум юриш тезлигини текширади. Минимум юриш тезлигига чиқилмаса, тизим моторнинг меъёрий назоратига алмашади. Моторлар оптимал чекловлардан паст ишлаши мумкин ва тезликни ошириш учун огоҳлантириш берилади. Таймер ёқилган пайтда белгиланган мотор тезлиги бирор бир нуқтага чиқса, тезкор ишга тушириш ўчирилади ва меъёрий ишлаш тикланади.

WP29706,00008D4-UZ-03JUN15

## Уруғ дозаторларини айланиши ҳақида

**ДИҚҚАТ: Айланаётган узатма қисмлардан жароҳатланишдан сақланинг. Экиш нормасини бошқариш тизими фаоллаштирилишидан олдин узатма қисмлари олдида бирор бир одам йўқлигини текширинг.**



A59898—UN—02APR07

*Дозатор айлантириш тугмаси*

Уруғ дозаторини айлантириш параметри операторга машина тўхтаб турганда экиш нормасини бошқариш тизимли моторларни фаоллаштириш орқали уруғ дозаторларини айлантириш имконини беради. Дозаторлар айланганда уруғ билан тўлади. Тўлган дозаторлар тўхтагандан бошланганда тупроққа уруғ тушишидан олдин босиб ўтилган майдонни камайтиради.

Ушбу параметр ишлаши учун қуйидагилар талаб этилади:

- Сеялка ёйилиши керак.
- Сеялка кўтарилган ҳолатда бўлиши керак.
- Сеялка тўхтаган бўлиши керак.
- Ўзгарувчан нормали гидравлика ёқилган бўлиши керак.
- Вакуум билан жиҳозланган бўлса, вакуум дозатор дискларида уруғни тутиши учун операцион босимда бўлиши керак.

Дозаторни айлантириш учун асосий сеялкадаги **Дозаторни айлантириш** тугмасини танланг. Дозаторлар айланишдан тўхтаганда товуш эшитилади. Ҳар сафар белги босилганда, дозаторлар тахминан айланманинг ярмига айланади. Уруғ дозаторларини тўлиқ тўлдириш учун камида тугмани уч марта босинг. Дозаторлар айланмаса, огоҳлантириш ойнаси пайдо бўлади.

*ҚАЙД: Дозаторни айлантириш функцияси RowCommand™ билан бирга қўлланилганда, RowCommand™ муфталари ўчирилади (дозаторлар ёқилади).*

Ушбу параметрдан экиш нормасини бошқариш тизимида диагностика воситаси сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

OUO6074,0000F7C-UZ-31JUL09

## Тизим деталлари



A44950—UN—17JUL98

*Экиш нормасини бошқариш тизими мотори ва клапани*

Экиш нормасини бошқариш тизимли мотор ва клапан

VRD мотор уруғ дозатори узатмаларини клапан билан бошқариладиган тезликда айлантиради. Мониторга киритилган уруғ зичлиги мотор тезлигини белгилаб беради. Соленоид клапан контроллердан электр сигналларни қабул қилади ва мой оқимини мониторга ростлайди. Сеялка конфигурацияси VRD миқдорини белгилаб беради.



A48171—UN—19OCT01

*Экиш нормасини бошқариш тизими моторининг тезлик датчиги*

VRD мотор тезлиги датчиги

Мотор тезлиги датчиги VRD мотор чиқувчи валига бириктирилади. Датчик контроллер учун моторнинг аниқ тезлигини аниқлайди.



A48170—UN—19OCT01

*Осма сеялкалар учун параллел дастак баландлиги узгичи*

Осма сеялкалар учун параллел дастак баландлиги узгичи

Иккита параллел дастакли баландлик узгичларидан сеялка кўтарилганда ва туширилганда ўлчаш учун фойдаланилади. Иккита узгич кўтарилиш ёки туширилиш ўзгаришини кўрсатиши учун бир хил ҳолатда бўлиши керак. Сеялка кўтарилганда, контроллер VRD моторни тўхтатади. (Ушбу бўлимдаги Параллел дастакли баландлик узгичини ростлаш қисмига қаранг.) SeedStar™ 2 асосий сеялка конфигурацияси бўлимидаги Умумий ишга тушириш ва тўхтатиш баландлигини калибрлаш қисмига қаранг.)



A45210—UN—27NOV98

*Тўлиқ тортилган сеялкалар учун баландлик датчиги*

Тўлиқ тортилган сеялкалар учун баландлик датчиги

Баландлик датчиги переключатели сеялка кўтарилганда ёки туширилганда ўлчаш учун ишлатилади. Сеялка кўтарилганда, контроллер VRD моторни тўхтатади. (SeedStar™ 2 асосий сеялка конфигурациясида умумий ишга тушириш ва тўхтатиш баландлигини калибрлаш ёки алоҳида ишга тушириш ва тўхтатиш баландлигини калибрлаш бўлимига қаранг.)



A44952—UN—17JUL98

*Экиш нормасини бошқариш тизими ғилдирагининг ҳаракатланиш датчиги*

VRD ғилдирагининг ҳаракатланиш датчиги

Ғилдиракнинг ҳаракатланиш датчиги радар ёки GPS ресивердан келадиган юриш тезлиги сигналини текширувчи хавфсизлик воситаси сифатида қўлланилади. Ғилдиракнинг ҳаракатланиш датчиги ҳаракатни аниқлайди ва сеялка ҳаракатланаётганлигини кўрсатади.

*SeedStar - Deere & Companyнинг савдо белгиси*




A83713—UN—26SEP14

A—Мотор
B—Тезлик датчиги
C—Тезлик назорати клапани
D—Ҳаракатланиш диски
E—Ҳаракатланиш датчиги
F—Баландлик датчиги (шатакка олинадиган сеялка)
G—Баландлик датчиклари (осма сеялка)
H—Контроллер
I—CAN шинаси улагичи
J—Қувват улагичи
K—Муфтани узиш

OUO6064,00001A7-UZ-10OCT14

## Экиш нормасини бошқариш тизими дастурий таъминотини ёқиш

*ҚАЙД: Сеялкалар заводдан мос узатма манбаси билан конфигурация қилинади.*

**МУҲИМ: Узатма манбасини ўзгартириш сеялканинг барча созламаларини стандарт катталикларга тиклайди ва дисплей ва контроллерга қувватни ўчириб-ёқишни талаб қилади. Сеялка созламалари киритилишдан олдин ҳар доим узатма манбасини конфигурация қилинг.**

Сеялканинг узатма манбаси **Сеялка конфигурацияси** клавиши >> **Узатмалар** варағидан ўзгарувчан норма сифатида кўрсатилганлигини тасдиқланг.

Ишни бошлашдан олдин баландлик датчиги калибрланиши, экиш нормалари белгиланиши ва ЁҚИЛИШИ керак.

OUO6064,00001F2-UZ-30JUN10

## Сеялка узатма бўлимларини конфигурациялаш

**МУҲИМ:**



A59325—UN—19FEB07

*Меню*



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*



A62918—UN—23JUL08

*Клавишни конфигурациялаш*



A62919—UN—23JUL08

*Созламалар тугмаси*



A62277—UN—23JUL08

*Кейинги саҳифа*



A59520—UN—23JUL08

*Узиш*




A59899—UN—02APR07

**A—Шестеренка**
**B—Етакланувчи шестерня**

Дастлаб рама конфигурациясини тугалланг.

1. **Меню** >> **Сеялка** тугмаси >> **Клавишни конфигурациялаш** >> **Узатмалар** варағини танланг.
2. Тушувчи менюдан **Узатма бўлимларини** танланг.
3. **Созламалар** тугмасини танланг ва машинадаги моторлар сонини ўрнатинг.
4. RowCommand™ ни фаоллаштириш учун **Қатор буйруғи** катагини текширинг.

*ҚАЙД: Икки қаторли узатма тизими катаги монитор қўш қаторли машиналар учун конфигурация қилингандагина акс эттирилади. (SeedStar™ 2 илк тизим конфигурацияси бўлимида рамани жойлаштириш, қаторни жойлаштириш ва узатмани узиш огоҳлантиришига қаранг.)*

5. VRD мотор ва бурғулаш вали ўртасида узатма тизимида юқори-паст қатор узатмасидан фойдаланувчи қўш қаторли машиналарда **Иккиталик қаторли узатма тизими** катагига белги қўйинг.

*ҚАЙД: Мониторни қўш қаторли машиналарга мослаш учун шестерняни тўғриланг. (Уруғ нормаси конфигурацияси бўлимидаги юқори-паст узатма қаторига қаранг.)*

*RowCommand - Deere & Companyнинг савдо белгиси*
*SeedStar - Deere & Companyнинг савдо белгиси*

6. **Кейинги саҳифа** тугмасини танланг. Моторни бирма-бир ўрнатинг. Қуйидагиларни амалга оширинг:

*ҚАЙД: Биринчи қатор ҳар доим ҳаракат йўналишига қараганда машинанинг чап томонида бўлади.*

- **Сўнгги қатор** киритиш катагини танланг ва танланган VRD мотор бошқарадиган энг сўнгги ўнг қаторни киритинг.
- **Узиш** тушувчи менюсини танланг ва танланган VRD моторга машинанинг бўлимини белгиланг.

**МУҲИМ: Авто кенглик бўйича автоматик узиш фаоллаштирилганда, ушбу узишга белгиланган барча қаторлар экишдан тўхтайди ва монитор барча қаторлар фаоллаштирилмагунча сигнал бермайди.**

**МУҲИМ: RowCommand™ дан фойдаланишда кенглик бўйича авто узиш парамкетри ўчирилади.**

*ҚАЙД: Тишлар саноғи шестернянинг ён томонида ёпиштирилган.*

*ҚАЙД: Ўрта узатма ва узатманинг етакловчи элементини киритиш катаклари фақат икки диапазонли узатма тизимлари ёқилганда акс эттирилади.*

- **Мотор шестерняси**, **Ўрта узатма**, **Узатманинг етакловчи элементи** ва **Якуний узатма** (шестерня) киритиш катакларини танланг ва танланган VRD мотор учун шестерня тишлари сонини киритинг.

7. Ҳар бир мотор учун такрорланг.
8. **Киритиш** тугмасини танланг.

*ҚАЙД: Огоҳлантирувчи хабар ярим экранда жойлаштиришда кўрсатилмайди.*

9. **Меню** >> **Сеялка** тугмаси >> **Клавишни конфигурациялаш** >>**Рама** клавишини танланг >> Қисман кенглик огоҳлантирувчи сигналини ёқиш ёки ўчириш учун **Муфтани узиш ҳақида огоҳлантириш** катагини танланг. Агар ёқилган бўлса, тўлиқ саҳифали огоҳлантириш ҳар сафар муфта узилганда 5 сония давомида чиқиб туради. Хабар тўлиқ саҳифанинг ишчи ойнаси қуйи қисмида кўрсатилади ва мониторда эслатма сифатида ҳар 15 сонияда сигнал берилади.

| Машина | Мотор тишли ғилдираги | Ўрта узатма | Мотор узатмасининг етакловчи элементи | Якуний узатма |
|---|---|---|---|---|
| 1720CCS™ ва 1725 CCS™12X2 қўш қаторли машиналар | 18 | 18 (юқори диапазон)<br>48 (қуйи диапазон) | 14 | 29 |
| Барча 1790 ва 1795 машиналар | 18 | | | 36 |
| Механик дозатор ва кабел узатмали 1770NT ва 1775NT | 27 | | | 29 |
| Барча бошқа машиналар ва бошқа 1770NT ва 1775NT конфигурациялар | 18 | | | 29 |
| DB60T 72R20 қўш қатор | 14 | | | 35 |

*CCS - Deere & Companyнинг савдо белгис*

Экраннинг маълумот майдони

**Сеялка конфигурацияси—**Сеялка конфигурацияси
**Узатмалар—**Узатмалар
**Узатма бўлими:—**Узатма бўлими:
**RowCommand Йўқ—**RowCommand Йўқ
**RowCommand Мавжуд—**RowCommand Мавжуд
**Моторлар сони—**Моторлар сони
**Катак буйруғи—**Катак буйруғи
**Икки диапазонли узатма тизими—**Икки диапазонли узатма тизими
**Мотор—**Мотор
**Бошлаш қатори—**Бошлаш қатори
**Якуний қатор—**Якуний қатор
**Мотор тишли ғилдираги—**Мотор тишли ғилдираги
**Ўрта узатма—**Ўрта узатма
**Ўрта узатма—**Ўрта узатма
**Якуний узатма—**Якуний узатма
**Чап—**Чап
**Ўнг—**Ўнг
**Марказ—**Марказ
**Ёки—**Ёки
**Ҳеч бири—**Ҳеч бири
**Киритиш—**Кейинги экран
**Давом этиш—**Сақлаш
**Рама—**Рама
**Муфтани узиш огоҳлантириши—**Муфтани узиш огоҳлантириши

OUO6064,0000498-UZ-13OCT14

## Терувчи секция узатмаси тури

1.



A59325—UN—19FEB07

*Меню*



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*



A59172—UN—29JAN07

*Клавишни конфигурациялаш*



A59377—UN—23FEB07

*Созламалар тугмаси*



H85801—UN—14JUN06

*Киритиш*

**Меню** >> **Сеялка** тугмаси >> **Клавишни конфигурациялаш** >> **Узатмалар** вароғи >> **Узатма конфигурацияси** >> **Созламалар** тугсмасини танланг.

2. **Терувчи секция тури** тушувчи менюсини босинг ва сеялкадаги терувчи секция турини танланг.

3. QuickStart параметрини ёқиш учун **QS ёқилган** катагини текширинг.

4. **Киритиш** тугмасини танланг.

Экраннинг маълумот майдони

**Сеялка конфигурацияси—**Сеялка конфигурацияси
**Узатмалар—**Узатмалар
**Узатма манбаси—**Узатма манбаси
**Дозатор тури—**Дозатор тури
**Экиш секцияси тури—**Экиш секцияси тури
**QS ёқилган—**Тезкор ишга тушириш ёқилган
**Вакуум—**Вакуум
**Механик—**Механик
**MaxEmerge XP—**MaxEmerge XP
**MaxEmerge XP Pro-Shaft—**MaxEmerge XP Pro-Shaft
**Про-сериялар—**Про-сериялар
**MaxEmerge 5 Pro-Shaft—**MaxEmerge 5 Pro-Shaft
**MaxEmerge 5 занжирли—**MaxEmerge 5 занжирли

OUO6064,0000497-UZ-04SEP14

## Ҳаракатланиш датчиги тирқишини ростлаш




A40665—UN—09JAN97

**A—Ҳаракатланиш датчиги**
**B—Диск**
**C—Қалпоқчали винтлар**

### Текис томонли датчик

**МУҲИМ: Датчикка шикаст етказманг. Диск (B) датчикнинг учига (A) тегмаётганлигига ишонч ҳосил қилиш учун ғилдиракни айлантиринг.**

Қалпоқчали винтларни (C) бўшатинг. Датчик учи ва диск (B) ўртасидаги масофа 2-4 мм (0.08-0.16 дюйм) бўлгунча ғилдиракнинг ҳаракатланиш датчиги (A) жойлашувини ростланг. Икки қалпоқчали винтларни қотиринг (C).




A51324—UN—03DEC02




A83899—UN—13OCT14

**A—Контргайкалар**
**B—Датчик**
**C—Диск**

**Резъбали датчик**

**МУҲИМ: Датчикка шикаст етказманг. Диск (C) датчикнинг учига (B) тегиш-тегмаслигини текшириш учун ғилдиракни айлантиринг.**

*ҚАЙД: Дисклар ва датчик машина орқали ўзгартирилади, аммо мослаштириш бир хил.*

Контргайкаларни (C) бўшатинг ва датчик учи (C) ва диск ўртасидаги масофа 2-4 мм (0.08-0.16 дюйм) бўлгунча ғилдиракнинг ҳаракатланиш датчиги (B) ҳолатини мослаштиринг. Контргайкаларни қотиринг.

OUO6074,0000E2F-UZ-13OCT14

## Параллел дастакли баландлик переключателини ростлаш




A48187—UN—18OCT01

**A—Тиргак**
**B—Рама**
**C—Кронштейн**
**D—Текис юза**
**E—Қалпоқчали винт**

Ушбу переключатель осма сеялкаларда ишлатилади.

1. Қуйи тўхтатиш параллел дастаги (A) экиш секцияси рамасига (B) туташгунча машинани кўтаринг.
2. Қалпоқчали винтларни (E) бўшатинг.
3. Текис юза (D) экиш секцияси рамасидан (B) 20 мм (3/4 дюйм) бўлгунча датчик кронштейнини айлантиринг.
4. Қалпоқчали гайкани қотиринг(E).
5. Бошқа баландлик датчигида такрорланг.

OUO6074,0000FCA-UZ-15SEP14

## RowCommand™ ҳақида

RowCommand™ тизими оператор ёки SwathControl Pro™ дастурий таъминоти томонидан буйруқ берилганда уруғ дозаторларини ўчириш учун ҳар бир экиш секциясида жойлашган электр муфталардан фойдаланади. RowCommand™ муфталари муфта қувват билан таъминламаётганда уруғ дозатори айланиши учун мўлжалланган. Экиш секцияси муфтасини ўчириш ёки ёқиш учун SeedStar™ 2 контроллери CAN шинаси хабарини ўша муфта учун электрон қувват модулига (EPM) юборади. EPM хабарга ишлов беради ва электр қувватини муфта соленоидини ўчириш учун унга ишлатади ҳамда электр қувватни уни ёқиш учун олиб ташлайди. RowCommand™ тизими 16 тагача назорат бўлимларини сеялкага ўрнатиш имконини беради. Назорат бўлимлари VRD узатма бўлимлари орқали ўта олмайди SwathControl Pro™ билан энг яхши иш самарадорлиги учун минимум 60 дюйм кенглик керак бўлади.. SwathControl Pro™, RowCommand™ билан ишлатилганда, ёқиш ва ўчириш вақтлари трактор ва сеялканинг қўлланиладиган махсус конфигурацияси учун калибрланади. Ўрнатиш бўйича батафсил маълумот учун GreenStar™ дисплейи бўйича оператор қўлланмангизнинг SwathControl Pro™ бўлимига мурожаат қилинг.

OUO6064,00001A9-UZ-08JUL10

## Тизим деталлари




A63336—UN—02OCT08

*RowCommand™ электроник қувват модули*

RowCommand™ электроник қувват модули

Электроник қувват модули CAN шинаси хабарларини асосий сеялка 1 (PM1) контроллеридан қабул қилади ва электр қувватини RowCommand™ муфталарига улайди/ажратади.



A67674—UN—11JUN10

*MaxEmerge™ XP Pro-Shaft™ муфта*



A83687—UN—16SEP14

*MaxEmerge™ 5 Pro-Shaft™ муфта*



A67676—UN—11JUN10

*Pro-Series™ Pro-Shaft™ муфта*



A67675—UN—11JUN10

*MaxEmerge™ XP занжир узатмали муфта*

*RowCommand - Deere & Companyнинг савдо белгиси*

Pro-Shaft™ RowCommand™ муфталари MaxEmerge™ XP ва MaxEmerge 5 ваPro-Series™ секцияларида мавжуд.

RowCommand™ занжир узатмали муфталар MaxEmerge™ XP ва MaxEmerge™ 5 секцияларида мавжуд.

RowCommand™ муфтаси муфта соленоидига қўлланиладиган электр қуввати бўлмаганида қўшилади (уруғ дозаторини айлантириш). Электроник қувват модули муфта соленоидини электр билан таъминлаганида муфта ажратилади.

OUO6064,00001AA-UZ-16SEP14

## RowCommand™ ни конфигурациялаш

**МУҲИМ: 49 ёки ундан кўпроқ каторли сеялкалар Секция бошқаруви учун тезлиги контроллерини талаб қилади.**



A59325—UN—19FEB07

*Меню*



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*



A59172—UN—29JAN07

*Конфигурация клавиши*



A59377—UN—23FEB07

*Созламалар тугмаси*



A62277—UN—23JUL08

*Кейинги саҳифа*



H85801—UN—14JUN06

*Киритиш*

1. **Меню** >> **Сеялка** тугмаси >> **Клавишни конфигурациялаш** >> **Узатмалар** варағи >> **Узатма бўлимлари** тушувчи менюси >> **Созламалар** тугмасини танланг.
2. Ёқиш учун **RowCommand**™ катагини белгиланг. **Кейинги саҳифа** белгисини танланг.
3. Агар экиш нормасини бошқариш тизими билан жиҳозланган бўлса, мотор созламаси экранда пайдо бўлади. Қаторни назорат қилиш бўлимлари созламаси экранда пайдо бўлгунча **Кейинги саҳифа** белгисини танланг:

   **МУҲИМ: RowCommand™ бўлимлари сеялкадаги физик узатма бўлимларини қоплаб қолмаслиги керак. Конфигурацияни мос равишда режалаштиринг.**

   *ҚАЙД: (Ушбу бўлимдаги Тавсия қилинган RowCommand™ конфигурацияларига қаранг).*

   a. Киритиш катагидаги RowCommand™ назорат бўлимлари сонини киритинг. **Кейинги саҳифа** белгисини танланг.

*Pro-Shaft - Deere & Companунинг савдо белгиси*
*Pro-Series - Deere & Companунинг савдо белгиси*

**МУҲИМ: 152 см (60 дюйм) бўлимнинг минимум кенглиги. Сеялка 76 см (30 дюйм) қатор оралиғида бўлса, 2 талик қаторнинг минимуми ҳар бир бўлим бўйича киритилиши керак.**

**Мисол: 38 см (15 дюйм) да ишлайдиган 1795 оралиқ 152 см (60 дюйм) бўйича тўртта қаторга эга. Бўлим бўйича тўртта қаторнинг минимуми киритилади.**

**МУҲИМ: Тракторнинг паст кучланиши бўйича огоҳлантиришларга эътибор беринг. Агар бир нечта RowCommand™ муфталари бир вақтда қувватланса (дозаторлар ўчирилган), электр юкламасини камайтиринг ёки мотор айланишини оширинг.**

b. Киритиш катагидан фойдаланиб ҳар бир бўлим учун ўнг томондаги қатор сонини киритинг. Ҳар бир бўлим орқали алмаштириш учун **Кейинги саҳифа** белгисини танланг. (Ушбу бўлимдаги тавсия этиладиган RowCommand™ конфигурацияларига қаранг).

c. Якунланганда, конфигурациянинг визуал ифодаси пайдо бўлади. Созламани тасдиқлаш учун **Киритиш** тугмасини босинг. **Киритиш** тугмасини яна бир марта босинг. Эслатма чиққанда қувватни ўчириб, қайта ёқинг.

Қатор назорати бўлимларини таҳрирлаш учун **Меню** >> **Сеялка** тугмаси >> **Клавишни конфигурациялаш** >> **Узатмалар** варағи >> **Қатор назорати бўлимлари** тушувчи менюси >> **Созламалар** тугмасини танланг.

Агар **Қатор назорати бўлимлари** тушувчи менюда пайдо бўлмаса, RowCommand™ фаоллашмаган бўлади. RowCommand™ конфигурация жараёнини такрорланг.

4. Сеялкани ишга тушириш ва тўхтатиш баландлигини калибрланг. (SeedStar™ 2 илк тизим конфигурацияси бўлимида умумий ишга тушириш ва тўхтатиш баландлигини калибрлаш ёки алоҳида ишга тушириш ва тўхтатиш баландлигини калибрлашга қаранг).

OUO6064,0000499-UZ-23JUL15

*RowCommand маҳсулоти Deere & Company савдо белгиси ҳисобланади*

## Тавсия этиладиган RowCommand™ бўлими конфигурациялари

| Машина | Қаторлар сони | Узатма бўлимлари (экиш нормасини бошқариш тизими) | Узатма бўлимлари (ҳаракатлантирувчи узатма) | Назорат бўлимлари |
|---|---|---|---|---|
| **Буюртма асосида ишланган 12 қаторли** | 12 | 3 | Қўлланмайди | 6 |
| **Буюртма асосида ишланган 16 қаторли** | 16 | 3 | Қўлланмайди | 8 |
| **Буюртма асосида ишланган 18 қаторли** | 18 | 3 | Қўлланмайди | 9 |
| **1720 ва 1725 12R30, 38, 40** | 12 | 3 | 1 | 6 |
| **1720 ва 1725 16R30** | 16 | 3 | 1 | 8 |
| **1720 ва 1725 CCS™ 12X2 қўш қатор** | 24 | 3 | 1 | 5 |
| **1760 ва 1765 12R30** | 12 | 2 | 2 | 6 |
| **1770 ва 1775 12R30** | 12 | 2 | 2 | 6 |
| **1770NT ва 1775NT 12R30** | 12 | 2 | 2 | 6 |
| **1770NT ва 1775NT 16R30** | 16 | 2 | 2 | 8 |
| **1770NT, 1775NT ва DB60 24R30** | 24 | 2 | 2 | 12 |
| **1790 ва 1795 12R23** | 23 | 2 | 2 | 6 |
| **1790 ва 1795 12R24** | 24 | 2 | 2 | 6 |
| **1790 ва 1795 24R20** | 24 | 2 | 2 | 8 |
| **1790 ва 1795 16R31** | 31 | 2 | 2 | 8 |
| **1790 ва 1795 16R32** | 32 | 2 | 2 | 8 |
| **DB44 24R22** | 24 | 3 | Қўлланмайди | 8 |
| **DB58 32R22** | 32 | 3 | Қўлланмайди | 8 |
| **DB60 36R20** | 36 | 3 | Қўлланмайди | 12 |
| **DB60 47R15** | 47 | 3 | Қўлланмайди | 12 |
| **DB60T 72R20 қўш қатор** | 72 | 3 | Қўлланмайди | Секция бошқаруви учун экиш тезлиги контроллери зарур |
| **DB66 36R22** | 36 | 3 | Қўлланмайди | 12 |
| **DB80 32R30** | 32 | 3 | Қўлланмайди | 16 |
| **DB80 48R20** | 48 | 3 | Қўлланмайди | 12 |
| **DB88 48R22** | 48 | 3 | Қўлланмайди | 12 |
| **DB90 36R30** | 36 | 3 | Қўлланмайди | 12 |
| **DB90 54R20** | 54 | 3 | Қўлланмайди | Секция бошқаруви учун экиш тезлиги контроллери зарур |
| **DB120 48R30** | 48 | 3 | Қўлланмайди | 12 |

WP29706,000034F-UZ-23JUL15

# SeedStar™ XP кенгайтирилган монитор тизими конфигурацияси

## SeedStar™ XP мониторинг тизими ҳақида

SeedStar™ XP қўшимча мониторинг тизими бўлиб, операторни экиш амалиёти ҳақида янада кўпроқ маълумот билан таъминлайди. SeedStar™ XP тизими SeedStar™ 2 тизимининг барча параметрлари ва хусусиятларини ўзида сақлаб қолиши билан бирга қуйидаги қўшимча функцияларга ҳам эга:

- Уруғни доналаб ажратиш мониторинги
- Уруғ оралиғи мониторинги
- Нуқтали экиш секцияси сиқувчи куч мониторинги
- Қўшимча фаол сиқувчи куч назорати
- Экиш секцияси юриш сифати мониторинги

Асосий сеялка 1 контроллери (PM1) мавжуд уруғ датчикларидан келадиган сигналлардан фойдаланиб, уруғни доналаб ажратиш ва уруғ оралиғи ҳақида маълумотлар билан уруғ дозатори ва бутун сеялканинг уруғ оралиғи самарадорлиги бўйича янада батафсил кўрсатмаларни таъминлайди.

Асосий сеялка 2 контроллери (PM2) экиш секцияси сиқувчи кучи ва экиш секцияси юриш сифати бўйича маълумотларни ҳисоблаш учун датчик узели контроллерлари ва нусхаловчи ғилдирак сиқувчи кучи датчикларидан олинадиган кўрсаткичлардан фойдаланади. Ушбу маълумотлар асосий сеялка 1 контроллерига юборилади ва мониторда акс эттирилади, бу операторга экиш секциясини киритиш, уруғ чуқурлигини назорат қилиш ва уруғнинг тупроқ билан туташишини оптималлаштириш учун сеялкани аниқ ростлаш имконини беради.

Қўшимча фаол сиқувчи куч тизимида сиқувчи куч назоратини автоматлаштириш учун SeedStar™ XP тизими билан ишлайдиган гидравлик узатма компрессори қўлланилади. Оператор белгиланган минимум катталикни ўрнатгач, фаол сиқувчи куч тизими автоматик ишлайди ва сеялкада ушбу катталикка амал қиланган ҳолда уруғни тупроққа аниқ киритиш, бир хил экиш чуқурлиги, ён деворларнинг зичланиб қолмаслиги таъминланади.

Иккиталик қаторли сеялкалар учун ушбу тизим икки диапазонли назорат қилиш хусусиятини ҳам тақдим этади. Бундан ташқари, сеялкада пневматик сиқувчи куч тизимини бошқариш учун John Deere™ фаол сиқувчи куч тизими иккиталик қаторли сеялканинг олд ва орқа қаторларини мустақил назорат қилади. Ушбу параметр қаторлар ўртасидаги сиқувчи куч талаблари тафовутини мувозанатлаштиради ва аниқ экиш чуқурлиги ҳамда барча қаторларда доимий минимал катталикни сақлайди.

OUO6064,00005BE-UZ-10NOV11

## Тизим деталлари



A66613—UN—22FEB10

*Асосий сеялка 2 (PM2) контроллери*

Асосий сеялка 2 (PM2) контроллери

Ушбу бошқарув блоки:

- Датчик узели контроллерларидан маълумотлар тўплайди.
- Экиш секцияси динамик ҳаракати ва сиқувчи куч маълумотларини асосий сеялка (PM1) контроллерига боғлайди.
- Пневматик сиқувчи куч тизимини бошқаради ва назорат қилади.



A66615—UN—22FEB10

*Датчик узели контроллери*

Датчик узели контроллери

Ушбу бошқарув блоки:

- Нусхаловчи ғилдирак сиқувчи куч датчикларидан сиқувчи куч юкламаларини тўплайди.
- Экиш секцияси юриш динамикасини ўлчайди.
- Экиш секцияси динамикаси ва нусхаловчи ғилдирак сиқувчи кучи ҳақидаги маълумотларни асосий сеялка 2 (PM2) контроллерига узатади..

Сеялка моделига қараб, унда 3-7 датчик узеллари мавжуд бўлиб, битта рама бўлимига биттадан датчик узели тўғри келади. Аксарият ҳолатларда датчик узелини стандарт жойидан исталган томонга

кўчириш мумкин бўлиши учун қўшимча симлар жгути билан таъминланади.



A66614—UN—22FEB10

*Нусхаловчи ғилдиракнинг сиқувчи куч датчиги*

Нусхаловчи ғилдиракнинг сиқувчи куч датчиги

Ушбу компонент экиш секцияси нусхаловчи ғилдирагида бўладиган юкланманинг миқдорини ўлчайди. Нусхаловчи ғилдирак юкланма сигнали датчик узели контроллери орқали ишлов берилади ва асосий сеялка 2 (PM2) контроллерига узатилади. Сеялка моделига қараб, сеялкада 3-7 та нусхаловчи ғилдираклар сиқувчи куч датчиклари мавжуд бўлиб, ҳар бир рама бўлимига биттадан датчик тўғри келади.



A66648—UN—01MAR10

*Уруғ датчиги*

Уруғ датчиги

Экиш датчиги ҳар бир экиш секциясида экиш фаолиятини назорат қилиш учун ишлатилади. Уруғ ҳақидаги маълумотларга асосий сеялка (PM1) контроллери орқали ишлов берилади ваGreenStar™ дисплейда кўрсатилади.SeedStar™ XP мониторинг тизимлари уруғни доналаб тақсимлаш, уруғ оралиғи, шунингдек уруғ зичлиги ҳақидаги маълумотларни ҳисоблаш ва кўрсатиш учун уруғ датчиги кўрсаткичларидан фойдаланади.



A72531—UN—12SEP11

*Сиқувчи куч пневматик ҳаво компрессори, ҳаво баки, соленоид бошқариш клапани -CCS*



A72532—UN—12SEP11

*Сиқувчи куч пневматик ҳаво компрессори, ҳаво баки ва соленоид назорат клапани - CCS™ тизимли тўлиқ тортилган сеялка (фаол сиқувчи куч)*

Гидравлик узатмали ҳаво компрессори қўшимча фаол сиқувчи куч тизими билан жиҳозланган сеялкаларда ҳаво сақлаш бакини сиқилган ҳаво билан таъминлайди. Сиқувчи кучнинг белгиланган чегараси (экиш секциясига қўлланиладиган қўшимча сиқувчи куч миқдори) ўрнатилгач, тизим нусхаловчи ғилдиракнинг сиқувчи куч датчикларидан олинадиган кўрсаткичлардан фойдаланади ва белгиланган чегарани сақлаш учун пневматик пружина тизимида босимни автоматик ўзгартиради. Дала шароитлари ўзгарганлиги учун, тизим

*GreenStar - Deere & Companyнинг савдо белгиси*

*SeedStar - Deere & Companyнинг савдо белгиси*

белгиланган чегарани сақлаш учун керакли босим созламаларини автоматик равишда амалга оширади.

Сиқувчи кучдаги ўзгаришлар эътиборга олинмайдиган сув йўли ёки бошқа дала шароитларидан ўтилганда, фаол пневматик сиқувчи куч (PDF) тизимида керак бўлмаган ўзгаришлар бўлмаслиги учун тизим тўхтатилиши мумкин. Масалан сувли йўлида тўхташ фаоллаштирилмаса, фаол PDF тизими қаттиқ тупроқ боис тушириш чегарасига таъсир қилади ва пневматик пружиналарда PDF кучини оширади. Сувли йўлдан чиқилгач, тизим чегара жуда юқори эканлигини текширади ва белгиланган чегарага етиши учун PDF сиқувчи кучини камайтириши керак. Ушбу қайта ростлаш, номиналдан оғиш жараёнини сувли йўлга киришдан олдин фаол тизимни тўхтатиш орқали олдини олиш мумкин.

Асосий бак юқорисидаги соленоид бошқариш клапанлари асосий сеялка 2 (PM2) контроллери орқали бошқарилади ва назорат қилинади.



A86641—UN—03JUN15

Сиқувчи куч пневматик босим датчиклари (иккита нуқтали ва фаол сиқувчи куч)

Сиқувчи куч пневматик босим датчиклари битталик ва иккиталик қаторли (икки диапазонли) сеялкаларда пневматик пружина схемасидаги ҳаво босими миқдорини ўлчайди. Асосий сеялка 2 (PM2) контроллери оператор томонидан киритиладиган сиқувчи куч созламасига эришишда пневматик пружина занжиридаги босимни созлаш учун босим датчиги сигналидан фойдаланади.

OUO6064,00005BF-UZ-03JUN15

## Юриш динамикаси датчиги конфигурацияси



A59325—UN—19FEB07

*Меню*



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*



A59172—UN—29JAN07

*Конфигурация клавиши*

*ҚАЙД: Юриш сифатида датчик ва қатор катталикларининг ўзгарганда, сиқувчи куч конфигурация экрани ҳам ўзгаради.*

1. **Меню** >> **Сеялка** тугмаси >> **Конфигурация** клавиши >> **Датчик** варағини танланг.
2. Тушувчи менюдан **Юриш сифатини** танланг.
3. **Датчиклар:** машинадаги юриш сифати датчиклари сонини танланг тушувчи меню.

*ҚАЙД: Жорий юклама экраннинг қуйи чап қисмида акс эттирилади.*

4. **Датчик** тушувчи менюсидан бирма-бир ҳар бир датчикни танланг.
5. Қайси қаторга биринчи датчик ўрнатилишини аниқланг. Датчиклар сони ва жойлашувлари жадвалига қаранг. **Қаторни** танланг ва қатор рақамини танланган датчикка белгиланг.

*ҚАЙД: **Қатор** киритиш катаги фақат асосий сеялка 2 (PM2) контроллери гидравлик компрессорнинг мавжудлигини кўрсатувчи PDF[1] ёқилган сигналини аниқлаганда пайдо бўлади.*

6. **Қатор** тушувчи менюдан ҳар бир датчик учун қаторни танланг. Қатор ҳақида маълумот учун датчик сонлари ва жойлашувлари жадвалига қаранг.

7. Датчикни ёқиш ёки ўчириш учун **Фаоллаштириш** катагини танланг.

*ҚАЙД: Иккита қаторли сеялканинг фақат олд қатори билан экишда орқа қатордаги барча датчикларни ўчиринг.*

8. Қатор белгилашни бошқа датчиклар учун ҳам такрорланг.

*ҚАЙД: Юриш динамикаси датчиклари ўчирилганда ёки ёқилганда барча созламалар кучга кириши учун контроллер қайта ишга туширилиши керак.*

9. Ишга тушириш тугмасини ўчириб қайта ёқинг.

| **Датчик сони ва жойлаштириш нуқталари** | | |
|---|---|---|
| **Сеялка модели** | **Датчик узеллари сони ва сиқувчи куч датчиклари** | **Датчик узеллари қаторини жойлаштириш нуқтаси ва сиқувчи куч датчиклари[a]** |
| Буюртма асосида ишланган 12 қаторли | 3 | 2, 7, 11 |
| Буюртма асосида ишланган 16 қаторли | 3 | 3, 9, 14 |
| Буюртма асосида ишланган 18 қаторли | 3 | 3, 10, 16 |
| 1720 ва 1725 16 қаторли<br>76 см (30 дюйм) оралиқ | 3 | 3, 9, 14 |
| 1720 CCS ва 1725 CCS 12X2 қўш қатор | 3 | 4, 14, 22 |
| 1770NT ва 1775NT 12 қаторли<br>76 см (30 дюйм) оралиқ | 3 | 2, 7, 11 |
| 1770NT ва 1775NT 16 қаторли<br>76 см (30 дюйм) оралиқ | 3 | 3, 9, 14 |
| 1770NT, 1775NT ва DB60 24 қаторли<br>76 см (30 дюйм) оралиқ | 5 | 3, 7, 13, 18, 22 |
| 1790 ва 1795 12/23 қаторли | 5 | Олд қатор (1) Қаторлар 3, 13, 21<br>Орқа қатор (2) Қаторлар 4, 20 |
| 1790 ва 1795 12/24 қаторли | 5 | Олд қатор (1) Қаторлар 4, 14, 22<br>Орқа қатор (2) Қаторлар 5, 21 |
| 1790 ва 1795 16/31 қаторли | 5 | Олд қатор (1) Қаторлар 3, 17, 29<br>Орқа қатор (2) Қаторлар 8, 24 |
| 1790 ва 1795 16/32 қаторли | 5 | Олд қатор (1) Қаторлар 4, 18, 30<br>Орқа қатор (2) Қаторлар 9, 25 |
| 1790 ва 1795 24 қаторли<br>51 см (20 дюйм) оралиқ | 3 | 3, 13, 22 |
Навигация тугмалари сигнал чегарасига яқинлашса, тўқ сариқ рангга киради ва функция сигнал чегарасидан ошса, қизил рангга киради. Батафсил маълумотни кўриш учун функция тугмасини танланг. Сигнал чегараларини оптимал жавоб учун ростланг. SeedStar™ 2 илк тизими конфигурацияси бўлимида Огоҳлантириш сигналлари ва чекловларни созлаш саҳифасига қаранг).

- Экиш зичлиги тугмаси (A) (Бу бўлимда Экиш зичлигига қаранг).
- Доналаб ажратиб экиш тугмаси (B) (Бу бўлимда Доналаб ажратиб экишга қаранг).
- Экиш оралиғи CV тугмаси (C) (Бу бўлимда Экиш оралиғи ўзгариш коэффициентига қаранг).
- Экранни сканерлаш тугмаси (D): Автоматик экран сканерини ёқади.
- Сеялка тафсилотлари тугмаси (E) (Бу бўлимда Сеялка тафсилотларига қаранг).
- Қатор тафсилотлари тугмаси (F) (Бу бўлимда Қатор тафсилотларига қаранг).
- Юриш динамикаси тугмаси (G) (Бу бўлимда Юриш динамикасига қаранг).
- Секция сиқувчи куч тугмаси (H) (Бу бўлимда Сиқувчи кучга қаранг).

OUO6064,00005EC-UZ-22APR21

## Экиш зичлиги



A59325—UN—19FEB07

*Меню*



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*



A67120—UN—12MAY10

*Экиш зичлиги тугмаси*

**A—Экиш зичлиги тугмаси**

**Меню** >> **Сеялка** тугмаси >> **Экиш зичлиги** тугмасини (A) танланг.

*ҚАЙД: Барча зичлик нормалари кило дон (1000 дон) бирлигида кўрсатилади. 32 500 дон даражаси дисплейда 32,5 кило донда кўринади.*

Экиш зичлиги ойнаси экиш нормаси бўйича маълумотларни акс эттиради. Экиш нормасини ҳисоблаш учун Асосий сеялка 1 (PM1) контроллери уруғ датчиклари, трактор тезлиги манбаси ва агрегат кенглигидан маълумотларни ишлатади.




A109651—UN—23APR21

**A—Экиш зичлиги белгиси**
**B—Белгиланган зичлиги графиги**
**C—Зичлик тафсилотлари**
**D—Қатор минимуми (зичлик)**
**E—Қатор максимуми (зичлик)**
**F—Сканерланган қатор (зичлик)**
**G—Киритиш ойнаси (қатор рақами)**
**H—Маълум қатор (зичлик)**
**I—Керакли зичлик (кило дон)**
**J—Ўртача зичлик (кило дон)**

*ҚАЙД: Фойдаланувчи танлови учун керакли, юқори ва пастроқ зичлик созламаларини белгиланг. (Уруғ нормаси конфигурацияси бўлимига қаранг).*

Керакли зичлик графиги (B) керакли зичлик ва юқори ва пастроқ зичлик чегаралари орасидаги фоиздаги фарқни кўрсатади. Ўртадаги чизиқ белгиланган керакли зичлик. Жадвалнинг юқориси юқори хавф сигнали чеклови саналади. Жадвалнинг қуйи қисми хавф сигнали чеклови саналади. Қатор юқори ёки паст сигнал чегарасига етса, зичлик чегарага деярли 100% бўлади. Бу қаторнинг панели тўқ сариқ рангга киради, товушли сигнал чалинади ва матнли хабар пайдо бўлади.

Агар қаторда сониясига иккитадан кам уруғ тушса, сатр қизилга айланади ва қаторда носозлик огоҳлантириши пайдо бўлади.

*ҚАЙД: Зичлик мониторинги тўхтаса, Field Doc™ қамров хариталари яратилмайди.*

2 мил/соатдан (3,2 км/соат) паст юриш тезлигида зичлик кузатилмайди.

Зичлик тафсилотлари (C) майдони махсус қаторлар ҳақида маълумотни ўз ичига олади. Энг паст ва энг юқори зичликлар билан икки қатор минимум қатор (D) ва максимум қатор (E) бўлади. Мунтазам сканерлаш ҳар бир сканерланган қаторнинг (F) зичлигини кўрсатади. Маълум қаторнинг (H) зичлигини кўриш учун киритиш катагига (G) катор рақамини киритинг.

WP29706,0000375-UZ-22APR21

## Доналаб ажратиб экиш



A59325—UN—19FEB07

*Меню*



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*




A67121—UN—12MAY10

*Доналаб ажратиб экиш тугмаси*

**A—Доналаб ажратиб экиш тугмаси**

*ҚАЙД: Ушбу параметр 48 дан ортиқ қаторга эга сеялкаларда мавжуд эмас.*

**Меню** >> **Сеялка** >> **Доналаб ажратиб экиш** тугмасини (A) танланг.

*Field Doc — Deere & Company савдо белгиси*




A109653—UN—23APR21

**A—Доналаб ажратиб экиш белгиси**
**B—Доналаб ажратиб экиш графиги**
**C—Доналаб ажратиб экиш тафсилотлари экрани**
**D—Фоиз доналаб ажратиш (сеялка)**
**E—Тушириб қолдириш фоизи (сеялка)**
**F—Қатор рақами (энг юқори тушириб қолдиришлар)**
**G—Ташлаб кетиш фоизи (юқори қатор)**
**H—Ортиқча ташлаш фоизи (сеялка)**
**I—Қатор рақами (энг кўп ортиқча ташлашлар)**
**J—Ортиқча ташлаб кетиш фоизи (юқори қатор)**

*ҚАЙД: Доналаб ажратиб экиш тугмаси уруғ датчигида аниқланади, янги экин ва датчик кўрсаткичлари орасида фарқ бўлиши мумкин. Жўякдаги (ҳаддан ортиқ юриш тезлиги билан таниш) дон айланиши ва сакраши монитор кўрсатгандан камроқ уруғ оралиғига сабаб бўлади.*

Доналаб ажратиб экиш ишчи ойнаси операторни ҳар бир уруғ ажратиб экилиши самарадорлиги ҳақида маълумот билан таъминлайди. Уруғни ташлаб ўтиш ёки кўп ташлашни аниқлаш учун Асосий сеялка 1 (PM1) контроллери датчикда ҳар бир уруғнинг вақтини ўлчайди.

Доналаб ажратиб экиш графиги (B) кўп ташлаш ва ташлаб ўтишларнинг фоизини кўрсатади. Ўрта чизиқ мукаммал дон ажратилиши бўлади (ташлаб ўтиш нол ва кўп ташлаш ҳам нол).

Гистограмма марказий чизиғидан юқори бўлганда, такрорлар сони ошади. Гистограмма марказий чизиғидан пастда бўлганда, тушириб қолдиришлар сони ошади. Нотўғри ўрнатилган дозатор такрорлар ва тушириб қолдиришларга йўл қўйса, гистограммалар марказ чизиғидан ҳам паст, ҳам юқори бўлади.

Доналаб ажратиш самарадорлигини яхшилаш учун, экиладиган экин учун диск турини тўғри танланг, вакуум даражасини ростланг, иккиталик нейтрализатор созламасини тўғриланг (ишлатилса) ва дозатор мойи миқдорини тўғри қўлланг. Дозаторни мослаштириш ва тавсиялар учун сарф ҳажми жадваллари ва созламалар бўйича қўлланмангизга қаранг.

Доналаб ажратиб экиш тафсилотлари экрани (C) гистограммага оид махсус маълумотни кўрсатади.

- Фоиз доналаб ажратиш (D) барча қаторларнинг ўртачаси.
- Тушириб қолдириш фоизи (E) барча қаторларнинг ўртачаси.
- Энг юқори тушириб қолдиришлар фоизи (G) билан қатор рақами (F) кўрсатилган.
- Ортиқча ташлаш фоизи (H) барча қаторларнинг ўртачаси.
- Энг юқори ортиқча ташлаш фоизи (J) билан қатор рақами (I) кўрсатилган.

OUO6064,0000197-UZ-22APR21

## Экиш оралиғининг ўзгариш коэффициенти



A59325—UN—19FEB07

*Меню*



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*




A67122—UN—12MAY10

*Ўзгариш коэффициенти тугмаси*

**A—Ўзгариш коэффициенти тугмаси**

*ҚАЙД: Ушбу параметр 48 дан ортиқ қаторга эга сеялкаларда мавжуд эмас.*

*Ўзгариш коэффициенти (CV) ўлчовлари фақат 13 км/соат (8 мил/соат) тезликда сониясига 40 тадан кам белгиланган уруғ нормалари учун мавжуд. Масалан, 76 см қаторда (30 дюйм қаторда 60 000 уруғ/акр) 148 250 уруғ/гектардан юқори белгиланган уруғ нормалари кўрсатилмайди. 13 км/соатда (8 мил/соат) сониясига 40 уруғ бўлган белгиланган уруғ нормаларида CV қийматларнинг ўрнига тире (- -) кўрсатилади.*

**Меню** >> **Сеялка** тугмаси >> **Ўзгариш коэффициенти** тугмасини танланг.

Экиш оралиғи ўзгариш коэффициенти (CV) уруғ оралиғи изчиллигини ифодалаб, датчик кўрсаткичларига асосланадиган қиймат. Экиш оралиғининг ўзгариш коэффициенти экиш оралиғи ўзгариши ва ўртача экиш оралиғи орасидаги фарқдан ўлчанади. Ўзгариш коэффициенти изчилроқ экиш оралиғини аниқроқ кўрсатувчи кичик рақамларда ўнликлар сифатида ифодаланади. Ўзгариш коэффициенти ойнаси сеялканинг самарадорлиги ҳақида маълумот билан таъминлайди.

Асосий сеялка 1 (PM1) контроллери уруғ датчигида аниқланган уруғлар орасида вақт изчиллигини ҳисоблайди. Экиш вақти экиш оралиғининг ўзгариш коэффициентини (CV) ҳисоблаш учун ишлатилади.




A109649—UN—23APR21

**A—Ўзгариш коэффициенти белгиси**
**B—Ўзгариш коэффициенти гистограммаси**
**C—Ўзгариш коэффициенти тафсилотлари экрани**
**D—Ўзгариш коэффициенти (сеялка)**
**E—Тушириб қолдириш фоизи (сеялка)**
**F—Қатор рақами (энг юқори тушириб қолдиришлар)**
**G—Ташлаб кетиш фоизи (юқори қатор)**
**H—Ортиқча ташлаш фоизи (сеялка)**
**I—Қатор рақами (энг кўп ортиқча ташлашлар)**
**J—Ортиқча ташлаб кетиш фоизи (юқори қатор)**

Ўзгариш коеффициенти тафсилотлари экрани (C) гистограммага оид махсус маълумотни кўрсатади.

- Ўзгариш коэффициенти (D) барча қаторларнинг ўртачаси.
- Тушириб қолдириш фоизи (E) барча қаторларнинг ўртачаси.
- Энг юқори тушириб қолдиришлар фоизи (G) билан қатор рақами (F) кўрсатилган.
- Ортиқча ташлаш фоизи (H) барча қаторларнинг ўртачаси.
- Энг юқори ортиқча ташлаш фоизи (J) билан қатор рақами (I) кўрсатилган.

Экиш кетма-кетлиги ёмонлашганлиги боис ўзгариш коэффициенти баландлик бўйича ошади. Графикнинг юқориси 0,50 CV кўрсатади. Одатий экиш шароитларида операторлар 0,10 дан 0,30 гача диапазонда CVни кутишади. Ўзгариш коэффициенти катталиклари экин турлари, экиш дисклари, шароитлари ва юриш тезлигига қараб фарқ қилади. Ер зичлиги ва оралиқ текширувлари орқали унинг экиш оралиғи самарадорлигини текширинг.

Бутун экиш оралиғи самарадорлигини яхшилаш учун уруғ дозаторлари тўғри ростланиши ва тўғри ишлашини таъминланг. Барча уруғ дозатори созламаларини тасдиқланг, секция сиқувчи кучни ростланг ва ёпилувчи ғилдирак кучини ростланг. Зарур бўлса, тезликни пасайтиринг.

*ҚАЙД: CV ўлчовлари уруғ датчигида аниқланади, янги экин ва датчик кўрсаткичлари орасида фарқ бўлиши мумкин. Жўякдаги (ҳаддан ортиқ юриш тезлиги билан таниш) дон айланиши ва сакраши монитор кўрсатгандан камроқ уруғ оралиғига сабаб бўлади.*

OUO6064,0000198-UZ-23APR21

## Сиқувчи куч



A59325—UN—19FEB07

*Меню*



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*




A72739—UN—23SEP11

*Сиқувчи куч тугмаси (битта нуқтали PDF)*




A72740—UN—23SEP11

*Сиқувчи куч тугмаси (иккита нуқтали PDF)*




A72767—UN—23SEP11

*Сиқувчи куч тугмаси (битта датчикли фаол PDF)*




A72768—UN—23SEP11

*Сиқувчи куч тугмаси (иккита датчикли фаол PDF)*

**A—Сиқувчи куч тугмаси**

**Меню** >> **Сеялка** тугмасини танланг.

Сиқувчи куч тугмаси (A) танланганда, сиқувчи куч билан тезкор танишиш ойнаси кўрсатилади.

Сиқувчи куч ишчи ойнаси датчик узели контроллери ва нусхаловчи ғилдирак сиқувчи куч датчиги билан жиҳозланган ҳар бир экиш секцияси учун нусхаловчи ғилдиракнинг ўртача сиқувчи куч чегарасини кўрсатади.

Нусхаловчи ғилдиракнинг сиқувчи куч датчиги экиш секциялари дала орқали ҳаракатлангани учун нусхаловчи ғилдиракка тушадиган юкланма ҳажмини ўлчайди. Сеялка ҳаракатланаётганда ва дисплейда чегара сифатида акс эттирилаётганда нусхаловчи ғилдиракларга тушадиган юклама тез-тез ўзгаради.

**Сиқувчи куч чегараси** экиш секциясига қўлланиладиган қўшимча сиқувчи куч миқдори бўлиб, ундан юқори ёки паст кўрсаткичда очқич дисклардан тупроққа кириш ва тўлиқ экиш чуқурлигига етиш талаб этилади. Қўшимча сиқувчи куч экиш секцияси ва дозаторнинг оғирлиги, уруғ бункерларидаги уруғ оғирлиги, пневматик сиқувчи тизими ёки ташқи сиқувчи куч пружиналаридан олинади.

**МУҲИМ: Белгиланган сиқувчи куч чегарасини ўрнатишдан ОЛДИН ҳар доим дала шароитида машинани синаб кўринг. Чуқурлик ва экиш изи текширилгач, белгиланган чегара созланиши мумкин.**

**Белгиланган сиқувчи куч чегараси** экиш шароитлари ҳақида оператор хулосаси асосида киритилиши керак. SeedStar™ XP кенгайтирилган монитор тизимини СОЗЛАШ бўлимидаги ОГОҲЛАНТИРИШЛАР ВА ЧЕКЛОВЛАРНИ ЎРНАТИШ САҲИФАСИга қаранг. Берилган экиш изини яратиш учун сиқувчи куч чегарасини етарлича юқори ўрнатиш керак бўлади, аммо ўта баланд эмас, бу изнинг ён деворини сиқиб қўйиши мумкин.

**Юқори ва паст огоҳлантириш чегараси** нуқтаси огоҳлантиришлар ва чекловларни созлаш саҳифасида белгиланади. Сеялканинг ўртача сиқувчи куч чегараси огоҳлантиришлар ва чекловларни ўрнатиш саҳифасида киритилган миқдор бўйича белгиланган чегарадан ошса ёки пасайса, чегара огоҳлантириш сигнали фаоллаштирилади.

Сиқувчи куч билан танишиш жадвалининг марказ чизиғи **белгиланган чегара** саналади. Марказ чизиғидан юқорида турган сиқувчи куч кўрсаткичи сиқувчи куч чегараси белгиланган нуқтадан баланд эканлигини кўрсатади. Марказ чизиғидан пастдаги сатрлар сиқувчи куч чегараси белгиланган нуқтадан паст эканлигини кўрсатади. Сиқувчи куч чегараси монитор экранида пасайиб борса, экиш секцияси пневматик сиқувчи куч созламасини оширинг ёки экиш шароитларингиз ва экиш чуқурлиги бир хиллилигига асосланиб белгиланган чегара нуқтасини пасайтиринг. Сиқувчи куч чегараси монитор экранида ошиб борса, экиш секцияси пневматик сиқувчи куч созламасини пасайтиринг ёки белгиланган чегара нуқтасини оширинг.

**МУҲИМ: Сиқувчи куч датчиги аниқлигини текшириш учун датчикларни йилига бир марта ёки сеялка кўтарилган пайтда датчиклар 0 фунтни ўқимаган пайтда созламаларни нол ҳолатга қайтаринг.**



A72706—UN—20SEP11

**Нуқтали сиқувчи куч** тизими операторга пневматик пружина контурида кабинадаги дисплей орқали кучни қўлда созлаш имконини беради. Ҳаво баки клапани блокида жойлашган пневматик пружина датчигидан маълумотлар асосий сеялка 2 (PM2) контроллерига юборилади ва мониторда сиқувчи куч сифатида акс эттирилади.

Оператор энг оптимал экиш изини ҳосил қиладиган керакли сиқувчи куч объектини танлайди Тупроқ шароитлари ўзгарганда, оператор белгиланган чегара, чуқурлик назоратини сақлаш ва изни босилишини олдини олиш учун пневматик сиқувчи кучни ошириши ёки пасайтириши мумкин.

Экиш секцияси нусхаловчи ғилдираги датчиклари маълумотлари асосий сеялка 2 (PM2) контроллерига юборилади ва кейин мониторда сиқувчи куч чегараси сифатида акс эттирилади.

**МУҲИМ: Белгиланган сиқувчи куч чегарасини ўрнатишдан ОЛДИН ҳар доим дала шароитида машинани синаб кўринг. Чуқурлик ва экиш изи текширилгач, белгиланган чегара созланиши мумкин.**



A72708—UN—21SEP11

**Фаол сиқувчи куч** тизими экиш секцияси нусхаловчи ғилдираги датчикларидан тўпланган тупроқ ҳолати ҳақидаги маълумотларга асосан пневматик пружина контуридаги кучни автоматик равишда созлайди. Экиш секцияси нусхаловчи ғилдираги датчиклари маълумотлари асосий сеялка 2 (PM2) контроллерига юборилади ва кейин мониторда сиқувчи куч чегараси сифатида акс эттирилади.

Оператор керакли чегарани танлайди (экиш секциясига қўлланиладиган қўшимча сиқувчи куч миқдорини, яъни ундан юқори ёки паст кўрсаткичда очқич дисклардан тупроққа кириш ва тўлиқ экиш чуқурлигига етиш талаб этилади). Фаол сиқувчи куч жорий чегара белгиланган чегарага тенг эканлигини текшириш учун пневматик пружиналардаги ҳаво босимини автоматик равишда назорат қилади ва созлайди. Тупроқ ҳолати ўзгарганда, фаол сиқувчи куч тизими белгиланган чегарага етиш учун сиқувчи кучни автоматик равишда созлайди.

**МУҲИМ: Белгиланган сиқувчи куч чегарасини ўрнатишдан ОЛДИН ҳар доим дала шароитида машинани синаб кўринг. Чуқурлик ва экиш изи текширилгач, белгиланган чегара созланиши мумкин.**




A73458—UN—03NOV11

**A—Фаолият танланмаган**
**B—Датчикнинг диагностик текшируви меъёрда**
**C—Ғилдиракнинг ҳаракатланиш датчиги ёқилган**
**D—Сеялка туширилган (тизим ёқилган)**

Фаол сиқувчи куч тизими тўғри ишлаши учун учта талабга жавоб бериши керак.

1. Датчикнинг диагностик текшируви меъёрда.
2. Ғилдиракнинг ҳаракатланиш датчиги ёқилган, машина камида 1.6 км/с (1 мил/с) тезликда ҳаракатланаётган бўлиши керак.
3. Машина экиш ҳолатида пасайтирилиши керак.

Дастлаб, фаол сиқувчи куч белгиси бўш. Учта талабга жавоб берганлиги учун, белгининг мос сегментлари бўш ҳолатдан кулрангга ўзгаради. Барча талабларга жавоб бергач, белги тўлиқ яшил бўлади ва PDF тизими ёқилган ва фаоллигини кўрсатади.

## Битта нуқтали пневматик сиқувчи куч




A73029—UN—13OCT11




A73031—UN—13OCT11

**A—Сиқувчи куч белгиси**
**B—Сиқувчи куч чегараси жадвали**
**C—Рақамли сиқувчи куч чегараси тафсилотлари**
**D—Қуйи чегара катталиги**
**E—Қуйи чегара қатори**
**F—Юқори чегара катталиги**
**G—Юқори чегара қатори**
**H—Ўртача чегара**
**I—Белгиланган сиқувчи куч тугмаси**
**J—Сиқувчи куч киритиш катаги**
**K—Ошириш ёки камайтириш стрелкалари**
**L—Киритиш тугмаси**
**M—Индикатор стрелкалари**
**N—Амалдаги сиқувчи куч**
**O—Майдон хабари**

(A) Сиқувчи куч белгиси.

(B) Сиқувчи куч чегараси гистограммаси.

(C) Рақамли сиқувчи чегараси тафсилотлари жорий гистограмманинг маълумотларини ўз ичига олади.

(D) Қуйи чегара катталиги нусхаловчи ғилдирак датчиклари орқали қўлган киритилган энг паст сиқувчи куч чегараси катталигини кўрсатади.

(E) ҚУйи чегара катталиги энг қуйи сиқувчи куч чегараси билан боғланган экиш секциясини кўрсатади.

(Ф) Юқори чегара катталиги нусхаловчи ғилдирак датчиклари орқали қўлган киритилган энг юқори сиқувчи куч чегараси катталигини кўрсатади.

(G) Юқори чегара қатори энг юқори сиқувчи куч чегараси билан боғланган экиш секциясини кўрсатади.

(H) Ўртача чегара барча нусхаловчи ғилдирак датчиклари ўртача сиқувчи куч чегарасини кўрсатади.

### Белгиланган сиқувчи кучни созлаш

1. Белгиланган сиқувчи куч киритиш ойнасини очиш

учун белгиланган сиқувчи куч тугмасини (I) танланг.

2. Белгиланган сиқувчи куч киритиш катагидан (J) фойдаланиш орқали белгиланган экиш секцияси сиқувчи кучини ўрнатинг ёки стрелкалар билан (K) оширинг ёки пасайтиринг.
3. Якунлангач, Киритиш тугмасини танланг (Л).
4. Индикатор стрелкалари (M) тизим пневматик сиқувчи куч босимини ошираётганлиги ёки камайтираётганлигининг визуал кўрсатмаси сифатида акс эттирилади.
5. Жорий сиқувчи куч (N) белгиланган вақт интервалида текширилади ва белгиланган сиқувчи кучга мослаштириш керак бўлганда автоматик созлайди. Агар жорий сиқувчи куч (N) белгиланган меъёрдан йўл қўйиб бўлмас даражада пастга оғса, огоҳлантирувчи хабар майдонида (O) "Пневматик сиқувчи кучни тирқишларга текширинг" мазмунида огоҳлантириш пайдо бўлади. Тирқишнинг жиддийлик даражасига қараб, жорий сиқувчи куч рақами (N) тўқ сариқ ёки қизил билан ажратиб кўрсатилади.

Экраннинг маълумот майдони

**QS аслига қайтариш**—QS аслига қайтариш

**Иккита нуқтали пневматик сиқувчи куч**




A73032—UN—13OCT11




A73033—UN—13OCT11

A—Сиқувчи куч белгиси
B—Сиқувчи куч чегараси жадвали
C—Рақамли сиқувчи куч чегараси тафсилотлари
D—Қуйи чегара катталиги - Қатор 1
E—Қуйи чегара қатори - Қатор 1
F—Қуйи чегара катталиги - Қатор 2
G—Қуйи чегара қатори - Қатор 2
H—Юқори чегара катталиги - Қатор 1
I—Юқори чегара қатори - Қатор 1
J—Юқори чегара катталиги - Қатор 2
K—Юқори чегара қатори - Қатор 2
L—Ўртача чегара - Қатор 1
M—Ўртача чегара - Қатор 2
N—Белгиланган сиқувчи куч тугмаси
O—Сиқувчи куч киритиш катаги
P—Ошириш ёки камайтириш стрелкалари
Q—Киритиш тугмаси
R—Индикатор стрелкалари
S—Амалдаги сиқувчи куч
T—Майдон хабари

(A) Сиқувчи куч белгиси.

(B) Сиқувчи куч чегараси гистограммаси.

(C) Рақамли сиқувчи чегараси тафсилотлари жорий гистограмманинг маълумотларини ўз ичига олади.

(D) Қуйи чегара катталиги қатор 1 даги нусхаловчи ғилдирак датчиклари орқали қўлган киритилган энг паст сиқувчи куч чегараси катталигини кўрсатади.

(E) ҚУйи чегара катталиги энг қуйи сиқувчи куч чегараси билан боғланган қатор 1 даги экиш секциясини кўрсатади.

(F) Қуйи чегара катталиги қатор 2 даги нусхаловчи ғилдирак датчиклари орқали қўлган киритилган энг паст сиқувчи куч чегараси катталигини кўрсатади.

(G) Қуйи чегара катталиги энг қуйи сиқувчи куч чегараси билан боғланган қатор 2 даги экиш секциясини кўрсатади.

(H) Юқори чегара катталиги қатор 1 даги нусхаловчи ғилдирак датчиклари орқали қўлган киритилган энг юқори сиқувчи куч чегараси катталигини кўрсатади.

(I) Юқори чегара қатори энг юқори сиқувчи куч чегараси билан боғланган қатор 1 даги экиш секциясини кўрсатади.

(J) Юқори чегара катталиги қатор 2 даги нусхаловчи ғилдирак датчиклари орқали қўлган киритилган энг юқори сиқувчи куч чегараси катталигини кўрсатади.

(K) Юқори чегара қатори энг юқори сиқувчи куч чегараси билан боғланган қатор 2 даги экиш секциясини кўрсатади.

(L) Ўртача чегара қатор 2 даги барча нусхаловчи ғилдирак датчиклари ўртача сиқувчи куч чегарасини кўрсатади.

(M) Ўртача чегара қатор 2 даги барча нусхаловчи ғилдирак датчиклари ўртача сиқувчи куч чегарасини кўрсатади.

### Белгиланган сиқувчи кучни созлаш

1. Белгиланган сиқувчи куч киритиш ойнасини очиш учун белгиланган сиқувчи куч тугмасини (N) танланг.
2. Белгиланган сиқувчи куч киритиш катакларидан (O) фойдаланиш орқали белгиланган экиш секцияси сиқувчи кучини ўрнатинг ёки стрелкалар билан (P) оширинг ёки пасайтиринг.
3. Якунлангач, Киритиш тугмасини танланг (Q).
4. Индикатор стрелкалари (R) тизим пневматик сиқувчи куч босимини ошираётганлиги ёки камайтираётганлигининг визуал кўрсатмаси сифатида акс эттирилади.
5. Жорий сиқувчи куч (S) белгиланган вақт интервалида текширилади ва белгиланган сиқувчи кучга мослаштириш керак бўлганда автоматик созлайди. Агар жорий сиқувчи куч (S) белгиланган меъёрдан йўл қўйиб бўлмас даражада пастга оғса, огоҳлантирувчи хабар майдонида (T) "Пневматик сиқувчи кучни тирқишларга текширинг" мазмунида огоҳлантириш пайдо бўлади. Тирқишнинг жиддийлик даражасига қараб, жорий сиқувчи куч рақами (S) тўқ сариқ ёки қизил билан ажратиб кўрсатилади.

Экраннинг маълумот майдони

**QS аслига қайтариш—**QS аслига қайтариш

**Фаол пневматик сиқувчи куч (битталик қатор)**




A73030—UN—13OCT11




A73028—UN—13OCT11

**A—Сиқувчи куч белгиси**
**B—Сиқувчи куч чегараси жадвали**
**C—Рақамли сиқувчи куч чегараси тафсилотлари**
**D—Қуйи чегара катталиги**
**E—Қуйи чегара қатори**
**F—Юқори чегара катталиги**
**G—Юқори чегара қатори**
**H—Жорий чегара**
**I—Амалдаги сиқувчи куч**
**J—PDF ёқилган катаги**
**K—Фаол PDF тўхташ тугмаси**
**L—Белгиланган чегара тугмаси**
**M—Белгиланган чегарани киритиш катаги**
**N—Ошириш ёки камайтириш стрелкалари**
**O—Киритиш тугмаси**
**P—Индикатор стрелкалари**

(A) Сиқувчи куч белгиси.

(B) Сиқувчи куч чегараси гистограммаси.

(C) Рақамли сиқувчи чегараси тафсилотлари жорий гистограмманинг маълумотларини ўз ичига олади.

(D) Қуйи чегара катталиги нусхаловчи ғилдирак датчиклари орқали қўлган киритилган энг паст сиқувчи куч чегараси катталигини кўрсатади.

(E) ҚУйи чегара катталиги энг қуйи сиқувчи куч чегараси билан боғланган экиш секциясини кўрсатади.

(Ф) Юқори чегара катталиги нусхаловчи ғилдирак датчиклари орқали қўлган киритилган энг юқори сиқувчи куч чегараси катталигини кўрсатади.

(G) Юқори чегара қатори энг юқори сиқувчи куч чегараси билан боғланган экиш секциясини кўрсатади.

(H) Жорий чегара барча нусхаловчи ғилдираклар сиқувчи куч датчиклари ўртача чегараси ҳақидаги маълумотни кўрсатади.

(I) Жорий сиқувчи куч

(J) PDF ёқилган катаги фаол сиқувчи куч тизимини ёқиш ва ўчириш учун ишлатилади. Фаол PDF

ўчирилганда, тизимнинг ишчи параметрлари тизимнинг берилган катталикларига қайтади ва автоматик сиқувчи куч созламалари амалга оширилмайди.

(K) Фаол PDF тўхтатиш тугмаси операторга вақтнинг олиндан белгиланган кўрсаткичи учун фаол пневматик сиқувчи куч тизимини вақти-вақти билан ўчириш имконини беради. Огоҳлантиришлар ва чекловлар ойнасида ишлаш вақти ўрнатилади.

### Белгиланган чегарани ўрнатиш

1. Белгиланган чегарани киритиш ойнасини очиш учун белгиланган чегара тугмасини (L) танланг.
2. Белгиланган чегарани киритиш катагидан (M) фойдаланиб белгиланган чегарани ўрнатинг ёки стрелкалар билан (N) ошириng ёки камайтиринг.
3. Якунлангач, Киритиш тугмасини танланг (O).
4. Индикатор стрелкалари (P) тизим пневматик сиқувчи куч босимини ошираётганлиги ёки камайтираётганлигининг визуал кўрсатмаси сифатида акс эттирилади.
5. Фаол режимда тизим белгиланган чегарани сақлаш учун ўзгаришларнинг ўрнини тўлдиришда автоматик равишда сиқувчи кучни мослаштиради.

### Фаол пневматик сиқувчи куч иккиталик қатори (иккиталик қатор)




A73049—UN—19OCT11




A73035—UN—13OCT11

**A—Сиқувчи куч белгиси**
**B—Сиқувчи куч чегараси жадвали**
**C—Рақамли сиқувчи куч чегараси тафсилотлари**
**D—Қуйи чегара катталиги - Қатор 1**
**E—Қуйи чегара қатори - Қатор 1**
**F—Қуйи чегара катталиги - Қатор 2**
**G—Қуйи чегара қатори - Қатор 2**
**H—Юқори чегара катталиги - Қатор 1**
**I—Юқори чегара қатори - Қатор 1**
**J—Юқори чегара катталиги - Қатор 2**
**K—Юқори чегара қатори - Қатор 2**
**L—Жорий чегара - Қатор 1**
**M—Жорий чегара - Қатор 2**
**N—Фаол сиқувчи куч - Қатор 1**
**O—Фаол сиқувчи куч - Қатор 2**
**P—PDF ёқилган катаги**
**Q—Фаол PDF тўхташ тугмаси**
**R—Белгиланган чегара тугмаси**
**S—Белгиланган чегарани киритиш катаги**
**T—Ошириш ёки камайтириш стрелкалари**
**U—Киритиш тугмаси**
**V—Индикатор стрелкалари**

(A) Сиқувчи куч белгиси.

(B) Сиқувчи куч чегараси гистограммаси.

(C) Рақамли сиқувчи чегараси тафсилотлари жорий гистограмманинг маълумотларини ўз ичига олади.

(D) Қуйи чегара катталиги қатор 1 даги нусхаловчи ғилдирак датчиклари орқали қўлган киритилган энг паст сиқувчи куч чегараси катталигини кўрсатади.

(E) ҚУйи чегара катталиги энг қуйи сиқувчи куч чегараси билан боғланган қатор 1 даги экиш секциясини кўрсатади.

(F) Қуйи чегара катталиги қатор 2 даги нусхаловчи ғилдирак датчиклари орқали қўлган киритилган энг паст сиқувчи куч чегараси катталигини кўрсатади.

(G) Қуйи чегара катталиги энг қуйи сиқувчи куч чегараси билан боғланган қатор 2 даги экиш секциясини кўрсатади.

(H) Юқори чегара катталиги қатор 1 даги нусхаловчи ғилдирак датчиклари орқали қўлган киритилган энг юқори сиқувчи куч чегараси катталигини кўрсатади.

(I) Юқори чегара қатори энг юқори сиқувчи куч чегараси билан боғланган қатор 1 даги экиш секциясини кўрсатади.

(J) Юқори чегара катталиги қатор 2 даги нусхаловчи ғилдирак датчиклари орқали қўлган киритилган энг юқори сиқувчи куч чегараси катталигини кўрсатади.

(K) Юқори чегара қатори энг юқори сиқувчи куч чегараси билан боғланган қатор 2 даги экиш секциясини кўрсатади.

(L) Жорий чегара қатор 1 учун барча нусхаловчи ғилдирак датчиклари ўртача сиқувчи куч чегараси ҳақида маълумотларни кўрсатади.

(M) Жорий чегара қатор 2 учун барча нусхаловчи ғилдирак датчиклари ўртача сиқувчи куч чегараси ҳақида маълумотларни кўрсатади.

(N) Фаол қатор 1 сиқувчи кучи

(O) Фаол қатор 2 сиқувчи кучи

(P) PDF ёқилган катаги фаол сиқувчи куч тизимини ёқиш ва ўчириш учун ишлатилади. Фаол PDF ўчирилганда, тизимнинг ишчи параметрлари тизимнинг берилган катталикларига қайтади ва автоматик сиқувчи куч созламалари амалга оширилмайди.

(Q) Фаол PDF тўхтатиш тугмаси операторга вақтнинг олиндан белгиланган кўрсаткичи учун фаол пневматик сиқувчи куч тизимини вақти-вақти билан ўчириш имконини беради. Огоҳлантиришлар ва чекловлар ойнасида ишлаш вақти ўрнатилади.

### Белгиланган чегарани ўрнатиш

1. Белгиланган чегарани киритиш ойнасини очиш учун белгиланган чегара тугмасини (R) танланг.
2. Белгиланган чегарани киритиш катагидан (S) фойдаланиб белгиланган чегарани ўрнатинг ёки стрелкалар билан (T) оширинг ёки камайтиринг.
3. Якунлангач, Киритиш тугмасини танланг (U).
4. Индикатор стрелкалари (V) тизим пневматик сиқувчи куч босимини ошираётганлиги ёки камайтираётганлигининг визуал кўрсатмаси сифатида акс эттирилади.
5. Фаол режимда тизим белгиланган чегарани сақлаш учун ўзгаришларнинг ўрнини тўлдиришда автоматик равишда сиқувчи кучни мослаштиради.

OUO6064,00005ED-UZ-10NOV11

## Юриш динамикаси



A59325—UN—19FEB07

*Меню*



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*




A67118—UN—12MAY10

*Юриш динамикаси тугмаси*

**A—Юриш динамикаси тугмаси**

## Юриш динамикаси

**Меню** >> **Сеялка** тугмаси >> **Юриш динамикаси** тугмасини танланг.

Юриш динамикаси тугмаси (A) танланганда, юриш динамикасини тезкор кўриш ойнаси кўрсатилади.

Юриш динамикаси ишчи ойнаси ҳар бири датчик узели контроллери билан жиҳозланган экиш секцияси ҳақида экиш секциясининг юриш сифати маълумотини акс эттиради. Ҳар бир датчик узелидаги акселерометр экиш секцияси ҳаракатининг жиддийлигини ўлчайди.

Экиш секциясининг юриш маълумоти фоизда кўрсатилади. 100 % ижобий юриш экиш секциясининг юриш сифати оптимал эканлигини ва 0 % юриш сифати энг паст эканлигини кўрсатади. Юриш сифатини тезкор кўриш сатрлари баландлиги экиш секцияси юриши ёмонлашиши билан пасаяди.

Экиш секциясининг ортиқча ҳаракатланиши ва сакраши дозатор самарадорлиги, қаторларда экиш оралиғи ва уруғ чуқурлиги кетма-кетлигига таъсир қилиши мумкин.

Юриш сифатини яхшилаш учун юриш тезлигини камайтиринг ёки экиш секцияси сиқувчи кучини оширинг.

Юриш сифати огоҳлантириш сифати огоҳлантиришлар ва чекловларни ўрнатиш саҳифасида созланиши мумкин. Одатий созлама кўрсаткичи 90 фоиз.




A67885—UN—28JUN10

**A—Юриш динамикаси белгиси**
**B—Ижобий юриш фоизи жадвали**
**C—Юриш динамикаси тафсилотлари ойнаси**
**D—Минимум ижобий юриш қатори**
**E—Максимум ижобий юриш қатори**
**F—Минимум ижобий юриш қаторини сканерлаш**
**G—Сеялкнинг ўртача ижобий юриш кўрсаткичи**

## Юриш динамикасини тезкор кўриш

(A) Юриш динамикаси белгиси

(B) Ижобий юриш фоизи жадвали

(C) Юриш динамикаси тафсилотлари жорий гистограмманинг маълумотларини ўз ичига олади.

(D) Минимум ижобий юриш қатори

(E) Максимум ижобий юриш қатори

(F) Минимум ижобий юриш қаторини сканерлаш

(G) Сеялкнинг ўртача ижобий юриш кўрсаткичи

Экраннинг маълумот майдони

**QS аслига қайтариш**—QS аслига қайтариш
**Барча бўлимларни фаоллаштириш**—Барча бўлимларни фаоллаштириш

**Қатор**—Қатор

OUO6064,0000194-UZ-20JUL10



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*

## Қатор тафсилоти



A59325—UN—19FEB07

*Меню*




A67004—UN—30APR10

*Қатор тафсилоти тугмаси*

**A—Қатор тафсилоти тугмаси**

**Меню** >> **Сеялка** тугмаси >> **Қатор маълумоти** тугмасини танланг.




A109652—UN—23APR21

**A—Олд қатор**
**B—Қатор киритиш катаги**
**C—Зичлик**
**D—Доналаб ажратиш**
**E—Ортиқча уруғ ташлаш**
**F—Ташлаб кетишлар**

**G—Экиш оралиғининг ўзгариш коэффициенти**
**H—Ўртача оралиқ**
**I—Ҳаракатланиш сифати**

Бу экран танланган қаторда фаол экиш маълумотини кўрсатади. Ҳар бир қатор бўйлаб ўтиш учун олд қатор (A) тугмасини танланг. Аниқ қаторни кўриш учун қаторни киритиш катагини (B) танланг ва қатор рақамини киритинг.

Зичлик (C) кило дон (1000 дон) бирлигида кўрсатилади. 32 500 дон даражаси дисплейда 32,5 кило донда кўринади.

Доналаб ажратиш (D) якка донларнинг фоизини кўрсатади. Мукаммал доналаб ажратиш (100%) билдиради.

Ортиқча ташлаш (E) кўп донларнинг фоизини кўрсатади.

Тушириб қолдиришлар (F) ўтказиб юборилган донларнинг фоизини кўрсатади.

Экиш оралиғи ўзгариш коэффициенти (G) оралиқ изчиллигини ифодалайди.

Ўртача оралиқ (H) донлар орасидаги ўртача масофани кўрсатади.

Ҳаракатланиш сифати (I) равон секция ҳаракати фоизини кўрсатади.

Сиқиш кучи (J) қўлланган кучнинг дастурланган қийматини кўрсатади.

Сиқиш кучи чегараси (K) тўғри дон чуқурлигини таъминлаш учун қўлланган ортиқча кучнинг дастурланган қийматини кўрсатади.

OUO6064,00005F0-UZ-22APR21

**J—Сиқиш кучи майдони**
**K—Сиқиш кучи чегараси майдони**
**L—Бош ойнага қайтиш**

## Сеялка тафсилоти



A59325—UN—19FEB07

*Меню*



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*




A67003—UN—30APR10

**A—Сеялка тафсилотлари саҳифаси тугмаси**

**Меню** >> **Сеялка** тугмаси >> **Сеялка тафсилоти саҳифаси** тугмасини танланг.




A109650—UN—23APR21

**A—Рўйхат катаклари**
**B—Ўртача зичлик**
**C—Экиш зичлиги**
**D—Қатор танловини киритиш катакчаси**
**E—Сиқиш кучи майдони**
**F—Фаол сиқиш кучи**
**G—Секция назорати**
**H—Қўл бошқаруви**
**I—Пневматик сиқиш кучи**
**J—Босқичли ошириш**
**K—Босқичли камайтириш**
**L—Белгиланган пневматик сиқиш кучи чегараси**
**M—Қайтиш тугмаси**
**N—Юриш динамикаси**
**O—Доналаб ажратиб экиш**
**P—Экиш оралиғининг ўзгариш коэффициенти**

Сеялка тафсилоти экрани жорий экиш маълумотларини кўрсатади. Ойналардаги маълумотлар сеялка тўхтатилганда янгиламайди. Сеялка ҳаракатланишни бошлаши билан ойна маълумотлари янгиланишни давом эттиради.

Сеялка тафсилотлари саҳифаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

Рўйхат ойнаси (A) ва (B) қуйидаги маълумотлар ва вариантларни акс эттиради. Бирини танлаш учун катакни танланг.

- Дала майдони 0
- Дала майдони 1
- Дала майдони 2
- Майдон/соат
- Вакуум датчиги кўрсаткичлари
- Трактор тезлиги

Экиш зичлиги (C) майдони берилган қаторлар учун қуйидаги маълумотлар ва вариантларни акс эттиради.

- Энг кам зичлик билан қатор (минимум).
- Энг юқори зичлик билан қатор (максимум).
- Ҳар бир қаторнинг зичлиги (сканерлаш).
- Киритиш катагига (D) киритилган қаторнинг зичлиги.




A73037—UN—13OCT11

*Ягона нуқта (фаол параметр)*




A73038—UN—13OCT11

*Иккита нуқтали*




A73039—UN—13OCT11

*Фаол бошқариш (битта қатор)*




A73040—UN—13OCT11

*Фаол бошқариш (иккиталик қатор)*

**E—Сиқиш кучи майдони (ўзгаришлари)**

Сиқувчи куч (E) қуйидаги маълумотлар ва вариантларни акс эттиради:

- Умумий чегара
- Қуйи қатор чегараси
- Юқори қатор чегараси
- Ўртача сиқувчи куч чегараси

Киритиш катаги ёрдамида фаол сиқиш кучини (F) ёқинг ёки ўчиринг.

Секцияни бошқариш (G) қуйидаги маълумотлар ва вариантларни акс эттиради.

- Фаол ва ўчирилган қаторлар ёки бўлимлар.
- Секцияни қўлда бошқариш (H) тугмалари.




A72946—UN—06OCT11

*Ягона катталикли сиқиш кучи*




A72947—UN—06OCT11

*Иккита катталикли сиқиш кучи*




A72949—UN—06OCT11

*Битта қаторли фаол чегара*




A72948—UN—06OCT11

*Иккита қаторли фаол чегара*

**I—Пневматик сиқиш кучи (ўзгаришлари)**

Пневматик сиқувчи куч (I) қуйидаги маълумотлар ва вариантларни акс эттиради.

- Босқичли ошириш (J) тугмаси сиқиш кучи созламаси давомида сиқиш кучини киритилган қийматга оширади.
- Босқичли камайтириш (K) тугмаси сиқиш кучи созламаси давомида сиқиш кучини киритилган қийматга камайтиради.
- Белгиланган пневматик сиқувчи кучни киритиш катаги
- Жорий пневматик сиқувчи кучни чиқариш майдони

Тизим кузатиши учун киритиш катагини танланг ва махсус белгиланган чегара (L) босимини киритинг.

Қайтиш тугмаси (M) операторни асосий сеялка экранига қайтаради.

Ҳайдаш динамикаси (N) қуйидаги маълумотлар ва вариантларни акс эттиради.

- Қатор энг кам ҳаракатланиш сифати билан (минимум).
- Қатор энг юқори ҳаракатланиш сифати билан (максимум).
- Жорий сканерланган қаторнинг қатор сифати.
- Барча қаторлар учун ўртача ҳаракатланиш сифати.

Доналаб ажратиб экиш (O) майдони берилган қаторлар учун қуйидаги маълумотларни акс эттиради.

- Фоиз доналаб ажратиш барча қаторларнинг ўртачаси.
- Тушириб қолдириш фоизи барча қаторларнинг ўртачаси.
- Энг юқори тушириб қолдиришлар фоизи билан қатор рақами.
- Ортиқча ташлаш фоизи барча қаторларнинг ўртачаси.
- Энг юқори ортиқча ташлаш фоизи билан қатор рақами.

Экиш оралиғининг ўзгариш коэффициенти (P) барча қаторларнинг ўртачаси бўлади.

OUO6064,00005F1-UZ-23APR21

## Ярим экран схемаси

*ҚАЙД: Эрим экранга жойлаштириш ва бир нечталик бош саҳифалардан фақат John Deere™ SeedStar™ 2 монитори John Deere™ Greenstar™ дисплейи билан қўлланилгандагина фойдаланиш мумкин.*

*ҚАЙД: Ярим экран схемаси жойлаштириш менежеридан фойдаланиб ўрнатилиши керак.*




A72613—UN—19SEP11

*Сеялка билан тезкор танишиш (юриш динамикаси)*




A72614—UN—19SEP11

*Сеялка билан тезкор танишиш (битта нуқтали сиқувчи куч)*




A72618—UN—19SEP11

*Сеялка билан тезкор танишиш (иккита нуқтали сиқувчи куч)*




A72619—UN—19SEP11

*Сеялка билан тезкор танишиш (фаол сиқувчи куч (иккита датчикли))*

**A—Ярим экран**




A72615—UN—19SEP11

*Сеялка билан тезкор танишиш (экиш зичлиги)*



A72616—UN—19SEP11

*Сеялка билан тезкор танишиш (доналаб ажратиб экиш)*



A72617—UN—19SEP11

*Сеялка билан тезкор танишиш (экиш оралиғи ўзгариш коэффициенти)*

**А—Ярим экран**

Ярим экранга жойлаштириш танланганда (A), экран майдонида камроқ маълумот келтирилади. Хатоликлар ҳақида хабарлар ярим экранда чиқмайди. Овозли хавфсизлик сигнали хатолик ҳақида хабар берганда уни кўриш учун тўлиқ экран режимига қайтинг.

Экран схемасини ўрнатиш ҳақида Монитордан фойдаланиш бўлимидаги ЭКРАННИ ЖОЙЛАШТИРИШ МЕНЕЖЕРИГА қаранг.

Тўлиқ экран режимини киритиш ва конфигурациялар, жами ва диагностика клавишларидан фойдаланиш учун, **Меню** >> **Сеялка** иловаси тугмасини танланг.

Экраннинг маълумот майдони

**QC аслига қайтариш—**QC аслига қайтариш

OUO6064,00005F2-UZ-10NOV11

# Ҳисоблагичлар ва калькуляторлар

## Майдон ҳисоблагичлари, соатига уруғ миқдори, майдон бўйича уруғ миқдори ва бўшагунгача майдон ҳажми

1.



A59325—UN—19FEB07

*Меню*



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*




A59174—UN—29JAN07

*Жами клавиши*



A59547—UN—08MAR07

*Майдон ҳисоблагич*



A59553—UN—08MAR07

*Бўшагунгача майдон ҳажми*



A59548—UN—08MAR07

*Экиш соатлари*



A62922—UN—23JUL08

*Майдон бўйича ўртача сарфланадиган уруғ миқдори*



A59369—UN—20FEB07

*Нол тугмаси*

**Меню** >> **Сеялка** тугмаси >> **Жами** клавиши >> **Жами** варағини танланг.

Экран қисмлари:

- Иккита ростланадиган майдон ҳисоблагичлари
- Ростланмайдиган жами майдон ҳисоблагичи
- Ростланмайдиган экиш соатлари ҳисоблагичи
- Майдон бўйича ўртача уруғ миқдори ҳисоблагичи
- Огоҳлантириш сигнали чалинишидан олдин бошланғич кўрсаткичгача санайдиган ростланадиган ҳисоблагич

2. **Майдон ҳисоблагичнинг** битта ёки иккита киритиш катагини танланг ва ҳисоблагични тозалаш учун нолни киритинг ёки олдинги ҳисобни давом эттириш учун катталикни киритинг.

3. **Бўшагунча майдон** киритиш катагини танланг ва тескари санаш учун майдонни киритинг. Ҳисоб нолга тушганда, тўлиқ саҳифали огоҳлантириш пайдо бўлади ва овозли огоҳлантирувчи сигнал чалинади. Уруғ миқдори қоплайдиган майдонни ҳисоблаш учун УРУҒ БАҲОЛАГИЧ

КАЛЬКУЛЯТОРЛАРИ қисмига қаранг. Ушбу катталикни бўшагунча майдон киритиш катагига киритинг. Бункерлар бўшашидан олдин тизимни огоҳлантирувчи сигнал беришга тайёрлаш учун уруғ қоплагандан кўра бироз кичикроқ катталикни киритинг.

4. **Экиш соатлари** уруғ экиладиган вақтнинг умумий кўрсаткичини қайд этади. **Экиш соатлари** фақат уруғ датчиклари уруғ оқимини аниқласагина санайди.

5. Ҳар сафар янги далага кирилганда ёки экин тури ўзгартирилганда, майдон бўйича ўртача уруғни тозалаш учун **Нол** тугмасини танланг. Ушбу ҳисоблагич экилган тўлиқ жорий майдонда уруғ датчиклари орқали аниқланган уруғнинг жами сони ўртача миқдорини чиқариб беради.

Экраннинг маълумот майдони

**Сеялка жами—**Сеялка жами
**Жами—**Жами
**акр—**Акр
**га—**Гектар
**с—**Соат
**ўрт уруғ/акр—**Бир акрга ўртача уруғ миқдори
**ўрт уруғ/га—**Бир гектарга ўртача уруғ миқдори

OUO6064,00001D2-UZ-30JUN10

## Узатиш қутиси шестерняси калькулятори

**МУҲИМ: Калькуляторлар тўғри ишлаши учун монитор машина ва норма конфигурацияларига тўлиқ ростланиши керак.**

1.



A59325—UN—19FEB07

*Меню*



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*




A59174—UN—29JAN07

*Жами клавиши*

**Меню** >> **Сеялка** тугмаси >> **Жами** клавиши >> **Ҳисоблаш** варағи >> **Узатмалар қутиси** тушувчи менюсини танланг.

2. Киритиш катагига **Белгиланган зичликни** танланг.

3. Тушувчи менюдан фойдаланиб **Диск турини** танланг.

   Тавсия этилган узатма қутиси катталиклари пайдо бўлади.

OUO6064,00001D3-UZ-29JUN10

## Контейнер орқали уруғ баҳолагич

**МУҲИМ: Калькуляторлар тўғри ишлаши учун монитор машина ва норма конфигурацияларига тўлиқ ростланиши керак.**

1.



A59325—UN—19FEB07

*Меню*



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*



A59174—UN—29JAN07

*Жами клавиши*

**Меню** >> **Сеялка** тугмаси >> **Жами** клавиши >> **Ҳисоблаш** варағини танланг.

2. Юқори тушувчи ойнада **Уруғ баҳолагични** танланг.
3. **Ҳисоблаш воситаси** тушувчи ойнасини босинг ва **Контейнерни** танланг.
4. **Зичликни** киритиш катагини танланг ва белгиланган зичликни киритинг.
5. **Ҳар бир контейнер бўйича уруғ** киритиш катагини танланг ва ҳар бир контейнерда уруғлар миқдорини киритинг.
6. **Ҳар бир контейнер бўйича оғирлик** киритиш катагини танланг ва экранда кўрсатилган секциялардаги контейнер оғирлигини киритинг.
7. **Контейнерлар:** киритиш катагини танланг ва бункерларга бўшатилган уруғ контейнерлари сонини киритинг.
8. Тахминий майдон катталиги бўшагунча бўлган майдонни кўрсатиш учун автоматик ҳисобланади. Огоҳлантириш сигналини фаоллаштириш учун ушбу катталикни **Жами** варағи >> **Бўшагунча бўлган майдон** киритиш катагида киритинг. Бункерлар бўшашидан олдин огоҳлантириш сигналини ўрнатиш учун бироз кичикроқ катталикни киритинг.

Экраннинг қуйи қисми ҳам берилган майдон учун керакли уруғ контейнерлари сонини ҳисоблашда ишлатилади.

1. Олдиндаги барча маълумотларни аниқ киритинг.
2. **Майдон** киритиш катагини танланг ва экиш учун мўлжалланган майдонни киритинг.
3. Майдонни қоплаш учун керакли контейнерларнинг тахминий сони автоматик ҳисобланади ва **Контейнерлар:** катагида кўрсатилади.

Экраннинг маълумот майдони

**Сеялка ҳисоблашлари—**Сеялка ҳисоблашлари
**Кальк.—**Калькулятор
**Уруғ баҳолагич—**Уруғ баҳолагич
**Ҳисоблаш воситаси—**Ҳисоблаш воситаси
**Контейнер—**Контейнер
**Зичлик—**Зичлик
**уруғ/акр—**Бир акрга уруғ миқдори
**уруғ/га—**Бир гектарга уруғ миқдори
**Уруғ/контейнер—**Контейнер бўйича уруғ миқдори
**фунт/конт.—**Ҳар контейнерда уруғ миқдори
**кг/конт.—**Ҳар контейнерда кг
**Майдон—**Майдон
**Контейнерлар—**Контейнерлар
**акр—**Акр
**га—**Гектар
**дюйм/уруғ—**ҳар уруғда дюйм
**см/уруғ—**ҳар уруғ бўйича сантиметр
**уруғ/фут—**Ҳар фут бўйича уруғ миқдори
**уруғ/м—**Ҳар метрда уруғ миқдори
**дюйм қатор—**Дюймли қаторлар
**см қатор—**Сантиметрли қаторлар

OUO6064,00001D4-UZ-29JUN10

## Секция орқали қатор баҳолагич

**МУҲИМ: Калькуляторлар тўғри ишлаши учун монитор машина ва норма конфигурацияларига тўлиқ ростланиши керак.**

1.



A59325—UN—19FEB07

*Меню*



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*



A59174—UN—29JAN07

*Жами клавиши*

**Меню** >> **Сеялка** тугмаси >> **Жами** клавиши >> **Ҳисоблаш** варағини танланг.

2. Юқори тушувчи ойнада **Уруғ баҳолагични** танланг.
3. **Ҳисоблаш воситаси** тушувчи ойнасини босинг ва **Бирликни** танланг.
4. **Зичликни** киритиш катагини танланг ва белгиланган зичликни киритинг.
5. **Ҳар бир секция бўйича уруғ** киритиш катагини танланг ва ҳар бир секцияда уруғлар миқдорини киритинг.
6. **Ҳар бир секция бўйича оғирлик** киритиш катагини танланг ва экранда кўрсатилган секциялардаги уруғ контейнери оғирлигини киритинг.
7. **Секциялар:** киритиш катагини танланг ва бункерга бўшатиладиган уруғ контейнерлари сонини киритинг.
8. Тахминий майдон катталиги бўшагунча бўлган майдонни кўрсатиш учун автоматик ҳисобланади. Огоҳлантириш сигналини фаоллаштириш учун ушбу катталикни **Жами** варағи >> **Бўшагунча бўлган майдон** киритиш катагида киритинг. Бункерлар бўшашидан олдин огоҳлантириш сигналини ўрнатиш учун бироз кичикроқ катталикни киритинг.

Экраннинг қуйи қисми ҳам берилган майдон учун керакли секциялар сонини ҳисоблашда ишлатилади.

1. Олдиндаги барча маълумотларни аниқ киритинг.
2. **Майдон** киритиш катагини танланг ва экиш учун мўлжалланган майдонни киритинг.
3. Майдонни қоплаш учун керакли секцияларнинг тахминий сони автоматик ҳисобланади ва **Секциялар:** катагида кўрсатилади.

Экраннинг маълумот майдони

**Сеялка ҳисоблашлари—**Сеялка ҳисоблашлари
**Кальк.—**Калькулятор
**Уруғ баҳолагич—**Уруғ баҳолагич
**Ҳисоблаш воситаси—**Ҳисоблаш воситаси
**Секция—**Секция
**Зичлик—**Зичлик
**уруғ/акр—**Бир акрга уруғ миқдори
**уруғ/га—**Бир гектарга уруғ миқдори
**Уруғ/секция—**Ҳар секция бўйича уруғ
**фунт/секция—**Ҳар бир секция бўйича фунт
**кг/секция—**Ҳар бир секция бўйича килограмм
**Майдон—**Майдон
**Секциялар:—**Секциялар:
**акр—**Акр
**га—**Гектар
**дюйм/уруғ—**ҳар уруғда дюйм
**см/уруғ—**ҳар уруғ бўйича сантиметр
**уруғ/фут—**Ҳар фут бўйича уруғ миқдори
**уруғ/м—**Ҳар метрда уруғ миқдори
**дюйм қатор—**Дюймли қаторлар
**см қатор—**Сантиметрли қаторлар

OUO6064,00001D5-UZ-29JUN10

## Оғирлик орқали уруғ ҳисоблагич

**МУҲИМ: Калькуляторлар тўғри ишлаши учун монитор машина ва норма конфигурацияларига тўлиқ ростланиши керак.**

1.



A59325—UN—19FEB07

*Меню*



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*




A59174—UN—29JAN07

*Жами клавиши*

**Меню** >> **Сеялка** тугмаси >> **Жами** клавиши >> **Ҳисоблаш** варағини танланг.

2. Юқори тушувчи ойнада **Уруғ баҳолагични** танланг.
3. **Ҳисоблаш воситаси** тушувчи ойнасини босинг ва **Оғирликни** танланг.
4. **Зичликни** киритиш катагини танланг ва белгиланган зичликни киритинг.
5. **Уруғ ўлчами** киритиш катагини танланг ва ҳар килограммга (фунт) уруғлар сонини киритинг.
6. **Жами оғирлик** киритиш катагини танланг ва

бункерларда жойланадиган уруғнинг жами оғирлигини киритинг.

7. Тахминий майдон катталиги бўшагунча бўлган майдонни кўрсатиш учун автоматик ҳисобланади. Огоҳлантириш сигналини фаоллаштириш учун ушбу катталикни **Жами** варағи >> **Бўшагунча бўлган майдон** киритиш катагида киритинг. Бункерлар бўшашидан олдин огоҳлантириш сигналини ўрнатиш учун бироз кичикроқ катталикни киритинг.

Экраннинг қуйи қисми ҳам берилган майдон учун керакли оғирликни ҳисоблашда ишлатилади.

1. Олдиндаги барча маълумотларни аниқ киритинг.
2. **Майдон** киритиш катагини танланг ва экиш учун мўлжалланган майдонни киритинг.
3. Майдонни қоплаш учун керакли тахминий оғирлик автоматик ҳисобланади ва **Жами оғирлик:** катагида кўрсатилади.

Экраннинг маълумот майдони

**Сеялка ҳисоблашлари**—Сеялка ҳисоблашлари
**Кальк.**—Калькулятор
**Уруғ баҳолагич**—Уруғ баҳолагич
**Ҳисоблаш воситаси**—Ҳисоблаш воситаси
**Вазни**—Вазни
**Зичлик**—Зичлик
**уруғ/акр**—Бир акрга уруғ миқдори
**уруғ/га**—Бир гектарга уруғ миқдори
**Уруғ ўлчами**—Уруғ ўлчами
**уруғ/фунт**—Ҳар бир фунтда уруғ
**уруғ/кг**—Ҳар бир килограммга уруғ
**Майдон**—Майдон
**акр**—Акр
**га**—Гектар
**фунт**—Фунт
**кг**—Килограмм
**дюйм/уруғ**—ҳар уруғда дюйм
**см/уруғ**—ҳар уруғ бўйича сантиметр
**уруғ/фут**—Ҳар фут бўйича уруғ миқдори
**уруғ/м**—Ҳар метрда уруғ миқдори
**дюйм қатор**—Дюймли қаторлар
**см қатор**—Сантиметрли қаторлар
**фунт/акр**—Ҳар акрга фунт
**кг/га**—Ҳар гектарга уруғ
**Жами оғирлик**—Жами оғирлик

OUO6064,00001D6-UZ-29JUN10

## Вакуум калькулятор

**МУҲИМ: Калькуляторлар тўғри ишлаши учун монитор машина ва норма конфигурацияларига тўлиқ ростланиши керак.**

1.



A59325—UN—19FEB07

*Меню*



A59551—UN—08MAR07

*Сеялка тугмаси*




A59174—UN—29JAN07

*Жами клавиши*

**Меню** >> **Сеялка** тугмаси >> **Жами** клавиши >> **Ҳисоблаш** варағини танланг.

2. Юқори тушувчи менюда **Вакуумни** танланг.
3. **Ҳар кг(фунт)га уруғ миқдорини** танланг ва уруғ ўлчамини киритинг.
4. **Диск тури** тушувчи менюсини босинг ва дозаторда ўрнатилган диск турини танланг.
5. **Экиш диски** тушувчи менюсини босинг ва дозаторда ўрнатилган диск турини танланг.

**МУҲИМ: Таклиф этилган вакуум даражалари фақат бошланғич кўрсаткичлар саналади. Доналаб ажратишнинг керакли кўрсаткичига қўйиш учун вакуум даражасини пастга ёки тепага ростланг.**

Таклиф этилган вакуум ва жорий вакуум кўрсаткичлари экраннинг қуйи қисмида кўрсатилади.

Экраннинг маълумот майдони

**Сеялка ҳисоблашлари**—Сеялка ҳисоблашлари
**Кальк.**—Калькулятор
**Вакуум**—Вакуум
**уруғ/фунт**—Ҳар бир фунтда уруғ
**уруғ/кг**—Ҳар бир килограммга уруғ

**Диск тури—**Диск тури
**Маккажўхори—**Маккажўхори
**Соя—**Соя
**Пахта—**Пахта
**Жўхори—**Жўхори
**Кунгабоқар—**Кунгабоқар
**Ейиладиган ловия—**Ейиладиган ловия
**Ерёнғоқ—**Ерёнғоқ
**Қандлавлаги—**Қандлавлаги
**Экиш диски—**Экиш диски
**Таклиф этилган В—**Таклиф этилган вакуум
**Жорий вакуум—**Жорий вакуум

OUO6064,00001D7-UZ-29JUN10

# Суюқ ўғит нормасини бошқариш тизими

## Ўғит нормасини бошқариш тизими ҳақида



A61356—UN—13NOV07

*Намунавий GreenStar монитори тугмаси*

Ўғит нормасини бошқариш тизими (VRF) намунавийGreenStar™ дисплейи билан ёки GreenStar™ дисплейидаги Original GreenStar™ режими орқали назорат қилинади. Original GreenStar™ режимини киритиш учун **Меню** >> **Original GreenStar монитори** тугмасини танланг.

*ҚАЙД: Ўғит нормасини бошқариш тизими ISO 11783 стандартига мос дисплейларда ишламайди.*

Огоҳлантирувчи хабарлар Original GreenStar монитори экранида чиқмайди. Эшитиладиган огоҳлантирувчи сигналлар келганда, хабарларни кўриш учун SeedStar™ 2 экранларига қайтинг.

Ўғит нормасини бошқариш тизими учта асосий элементдан таркиб топган.

1. Намунавий GreenStar™ Original GreenStar™ режимида кўрсатилади.
2. Сеялка рамасига ўрнатилганSeedStar™ ўғит нормасини бошқариш тизими контроллери. Ушбу контроллер насоснинг айланиш тезлиги, поршень юриши, юриш тезлиги ва юрилган масофани назорат қилади. Юриш тезлиги ва масофа маълумотлари радар сигналларидан олинади.
3. Ўғитни бошқариш учун мўлжалланган поршень юриши силжиши

SeedStar™ ўғит нормасини бошқариш тизими операторга экиш жараёнида кабинадан туриб қўллаш нормасини ўзгартириш имконини беради.

- Ўғит нормалари тупроқнинг ҳар хил турлари ва суғориладиган ёки суғорилмайдиган қуруқ ерлар учун мосланади.
- Тизимга 5 хил ўғит нормаларини дастурлаш мумкин. Экиш жараёнида оператор қўллашни ўзгартириш учун дастурланган нормалардан бирор бирини танлайди.
- Ҳар хил нормаларга иккита алоҳида насосни дастурлаш мумкин.

*GreenStar - Deere & Companyнинг савдо белгиси*
*SeedStar - Deere & Companyнинг савдо белгиси*

Механик узатма механизми насосни айлантириш учун қувват билан таъминлайди. Бир марта ўрнатилгач, дастурланган қўллаш нормаси юриш тезлиги ўзгаришидан қатъий назар доимий қолади.

Насоснинг иккита чиқиш диапазонларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Юқори ва паст диапазонлар турли хил шестерня комбинацияларидан фойдаланиб аниқланади. Чиқиш нормаси ҳар бир диапазон учун фарқ қилади.

Сеялка насосингиз модели ва етказиб бериш тизими ҳақида керакли маълумот учун сеялкадан фойдаланиш қўлланмангизга қаранг.

Норма танланганда, қўлланилаётган жорий нормани ҳисоблаш учун контроллер насоснинг айланиш тезлиги, поршень юриши ва юрилган масофани назорат қилади. Ҳисобланган норма танланган нормадан фарқ қилса, контроллер танланган нормага мослаш учун поршень юришини ростлайди. Ҳақиқий юриш тезлиги CAN шинасидан келадиган радар ёки GPS юриш тезлиги сигнали орқали олинади. Агрегат тезлиги бевосита насоснинг айланиш тезлигидан олинади. Контроллер турли хил тезлик кўрсаткичларидан қисқариш фоизини ҳисоблайди ва қоплаш учун поршень юришини ўзгартиради. Қисқариш олдиндан белгиланган катталикдан ошса, огоҳлантириш хабари чиқади.

Тизим тўғри ишлаши учун қуйидаги компонентлар ёқилган ёки фаол бўлиши лозим:

- Туташма ёки ғилдиракнинг юриш узатмаси
- Юриш тезлигининг радар ёки GPS сигнали
- Насос RPM датчиги
- Поршень юриши ҳолати датчиги

Ўғит тизимларидан иккита конфигурация - оқим тақсимлагичи ва марказий манифолдда фойдаланилади.

- Оқим тақсимлагич қурилма бўлиб, у доимий босимни сақлашда маҳсулот оқимини назорат қилади. Тақсимлагич нормаларни қўллаш ўзгартирилганда максимум мосланувчанлик билан таъминлайди.
- Марказий манифолд тизими бутун босим чекловлари тизими доирасида айрим созламаларни амалга ошириш имконини беради. Ҳар бир маҳсулот оқими бошқариш қаторида жойлашган тирқишлар. Норма оширилса, босим тушади. Босим маълум бир даражага етгач оқим оширилса, тизимга шикаст етказиши мумкин.

Фойдаланувчини хабардор қилиш учун бир қанча

огоҳлантиришлар ва хавф сигналлари таъминланади: Айрим мисоллар:

- Узатма моторида қувват аниқланмади
- Илова мос эмас!
- Насос ҳолати датчиги аниқланмади
- 1 насосни бошқариб бўлмаяпти
- VRF тизимида носозлик аниқланди. 2 рақамли насосда ҳисобланган нормалар тўғри аниқ эмас
- VRF тизимида шестернясида ўзгариш аниқланди. 1 рақамли насос қайта калибрланди
- Мобил процессор билан алоқа йўқолди
- Аккумулятор кучланиши доирадан ташқарида

OUO6064,00001FA-UZ-09JUL10

## Қўллаш нормалари

1.




A65056—UN—30JUL09

**СОЗЛАШ** >> **V.R. ни танланг. Суюқ ўғит**.

2. **B** калитни танланг ва машинадаги насослар сонини киритинг.
3. Қўллаш нормалари вариантини танланг.

| Экраннинг маълумот майдони | | |
|---|---|---|
| **СОЗЛАШ** | Суюқ ўғит нормасини бошқариш тизими | |
| Қўллаш нормалари | | **A** |

| Экраннинг маълумот майдони | |
|---|---|
| Насослар сони | **B** |
| Сеялка кенглиги сеялкани созлашда ўзгартирилиши мумкин. | **C** |
| Насос рақами 1 720 (дюйм) | **D** |
| ИШ саҳифалари | **E** |
| | **F** |
| **СОЗЛАШ** | **G** |

*ҚАЙД: Иккита насос киритилса, насосларни бир хил ёки ҳар хил нормаларда ишлатиш учун созланг.*

4.




A65057—UN—30JUL09

Нормаларни созлаш учун **A—E** калитларини танланг.

| Экраннинг маълумот майдони | | |
|---|---|---|
| **СОЗЛАШ** | Ўғит нормалари | |
| 50.0 норма 1 (ҳар акрга галон миқдори) | | **A** |
| 10.0 норма 2 (ҳар акрга галон миқдори) | | **B** |
| 20.0 норма 3 (ҳар акрга галон миқдори) | | **C** |
| Сарф норма 4 (ҳар акрга галон миқдори) | | **D** |
| Сарф норма 5 (ҳар акрга галон миқдори) | | **E** |
| | | **F** |
| **СОЗЛАШ** Суюқ ўғит нормасини бошқариш тизими | | **G** |

5.




A65058—UN—30JUL09

Ўчиқ ёки ёниқ ҳолатга алмаштириш учун **A** калитни танланг. Ушбу нормадан фақат ИШ саҳифаси фаол бўлса унда вариант сифатида фойдаланиш мумкин.

6. Рақамли клавиатура билан нормани киритиш учун **B** калитни танланг.

| Экраннинг маълумот майдони | | |
|---|---|---|
| **СОЗЛАШ** | Норма 1 | |
| Норма 1 [ЁНИҚ] | | **A** |
| Белгиланган норма (ҳар акрга галон миқдори) **50.0** | | **B** |
| | | **C** |
| | | **D** |
| | | **E** |
| | | **F** |
| **СОЗЛАШ** Ўғит нормалари | | **G** |

OUO6074,0001077-UZ-30JUL09

## VRF сиғими жами




A65059—UN—30JUL09

**INFO** >> **V.R ни танланг. Суюқ ўғит** >> **Жами**.

Кўрсатилган катталик сўнгги марта нолга туширилган ҳолатдан тўпланган жами саналади. **A** калитни танланг ва кейин катталикни бошланғич ҳолатга келтириш учун **CLR** тозалаш калитини босинг.

| Экраннинг маълумот майдони | | |
|---|---|---|
| **INFO** | Жами | |
| Жами сиғим (галон) **79** | | **A** |
| | | **B** |
| | | **C** |
| | | **D** |
| | | **E** |
| | | **F** |
| **INFO** Суюқ ўғит нормасини бошқариш тизими | | **G** |

OUO6074,0001078-UZ-30JUL09

## VRF тизимни синаш




A65060—UN—30JUL09




A50532—UN—01OCT02

**A—Шестерня тиши**
**B—Датчик**

Ушбу синаш экиш нормасини бошқариш тизимида ҳолат датчиги ва RPM датчиги ишини текширади.

1. **INFO** >> **V.R ни танланг. Суюқ ўғитt** >> **Диагностика** >> **Тизимни синаш**.
2. **ОШИРИШ** ажратиб кўрсатилгунча, **Насос йўналиши** калитини босиб туринг.

*ҚАЙД: Секин узатма вақти миллисонияларда ўлчанади. 999 миллисония тахминан бир сонияга тенг.*

3. **Секин узатма вақти** калитини танланг ва 999 рақамини киритинг.

*ҚАЙД: Ҳар сафар секин узатма тугмаси босилганда, мотор бир сонияга фаоллашади.*

4. Мотор чегарадан ошмагунча ва тўхтамагунча, **Насос секин узатмаси** калитини такроран танланг. Насос секин узатмаси ҳолати фоизи юқори лимитда 100 фоизни ташкил этади.
5. **КАМАЙИШ** ажратиб кўрсатилгунча, **Насос йўналиши** калитини босиб туринг.
6. Мотор қуйи чегарага ошмагунча ва тўхтамагунча, **Насос секин узатмасини** такроран танланг. Насос секин узатмаси ҳолати фоизи қуйи чегарада нол фоизни ташкил этади.
7. Насос йўналиши ошириш учун ўрнатинг ва **RPM насоси датчиги** аслига қайтариш калитини танланг.
8. Шестерня тиши датчиги ҳолатини (A) ва насос корпусини маълумот учун белгиланг.
9. Насос 1 айланма ҳосил қилгунча (қора чизиқ), етакловчи ғилдирак шинаси туташувчи узатмасини айлантиринг. 35 уриш битта тўлиқ анланмага тенг.

   RPM датчиклари ҳар шестерня айланишига 35 уришни қайд этмаса, датчикни шестерня тишининг 2 мм (5/64 дюйм) доирасида ростланг. Синашни қайта амалша ооширинг. RPM датчиклари ҳар айланишига 35 уришни қайд этмаса, датчикни алмаштиринг.

| Экраннинг маълумот майдони | | |
|---|---|---|
| **INFO** | Тизимни синаш | |
| 1 рақамли насос секин узатмаси ҳолати (%) -5.18 | | **A** |
| 2 рақамли насос секин узатмаси ҳолати (%) -5.30 | | **B** |
| Насос йўналиши [ОШИРИШ] Камайтириш | | **C** |
| Секин узатма вақти (миллисония) **25** | | **D** |
| Насос 1 RPM датчиги **0** (уришлар) **АСЛИГА ТИКЛАШ** | | **E** |
| Насос 2 RPM датчиги **0** (уришлар) **АСЛИГА ТИКЛАШ** | | **F** |
| **INFO** Диагностика | | **G** |

OUO6074,0001079-UZ-30JUL09

## Огоҳлантириш хабарлари

**ОГОҲЛАНТИРИШлар** алоҳида модуллар орқали ва Green Star дисплейида ҳосил қилиниб, операторга у билиши лозим бўлган жиддий ҳолатлар ёки "вазиятлар" ҳақида хавф сигнали ёки хабарини беради. Одатда оператор ишда давом этишдан олдин ОГОҲЛАНТИРИШЛАРГА сабаб бўлган "ҳолат ёки вазиятни" тўхтатишива тўғрилаши керак бўлади. ОГОҲЛАНТИРИШЛАР тўлиқ саҳифали дисплейлар сифатида акс эттирилади. Дисплейнинг юқори

қисмида чиқадиган сарлавҳа "ОГОҲЛАНТИРИШ" деб номланади. Сеялка экишда давом этаётганда (юриш тезлиги датчигида носозликнинг аниқланиши) экмаётган сеялка қаторларининг кўрсатилиши ёки юриш тезлигининг нолга тушиб кетиши кабилар ОГОҲЛАНТИРИШЛАРга мисол бўла олади. ОГОҲЛАНТИРИШЛАР операторга тақдим этиладиган визуал хавф сигналларининг энг юқори даражаси саналади. ОГОҲЛАНТИРИШ унга сабаб бўлган "ҳолат ёки вазият" тўғриланмасдан бекор қилинса, у дисплейнинг пастки чизиғида "вазиятга "огоҳлантиришнинг давомий хавф белгиси сифатида кўрсатиб турилади. Бир вақтнинг ўзида бирдан ортиқ огоҳлантиришлар пайдо бўладигоан бўлса, G калити ёрдамида ОГОҲЛАТИРИШЛАРни бирма-бир кўриш мумкин.

**ДИҚҚАТ сўзлари** алоҳида модуллар орқали ва Green Star дисплейида ҳосил қилиниб, операторга меъёрда ишламаётган функция ёки содир бўлган ва у билиши лозим бўлган "вазият" ҳақида хавф сигнали ёки хабарини беради. Диққат хабарлари “G” чизиқда кўрсатилади. Белгиланган HI/LO диапазонидан чиқиб кетган сеялка қаторининг зичлигини кўрсатилиши, ёки бункер даражасининг пастлиги кўрсаткичи, шунингдек операторга аввал "ОГОҲЛАНТИРИШ" сифатида келган, кейин "ДИҚҚАТ"га айлантирилган ва “G” қаторда кўрсатилган хабарлар кабилар ДИҚҚАТ хабарларига мисол бўла олади.. ДИҚҚАТЛАР операторга тақдим этиладиган визуал хавф сигналларининг ўрта даражаси саналади.

**Маслаҳатлар** “G” чизиқда кўрсатиладиган оператор хатолари хабарлари бўлиб, операторга нотўғри "амал" содир бўлганлиги ҳақида хабар беради, масалан бирор бир ҳолатда диапазонга тўғри келмайдиган катталикнинг киритилиши бунга мисол бўла олади. Улар операторга тақдим этиладиган визуал хавф сигналларининг қуйи даражаси саналади.

OUO6074,0000688-UZ-01NOV07

## Ўғит нормасини бошқариш тизими огоҳлантиришлари

**ОГОҲЛАНТИРИШ: Меъёрдан ортиқ ишламоқда!**

*ҚАЙД: Ушбу огоҳлантириш "Меъёрдан ортиқ ишламоқда" ёзуви билан чиқади! Насос #1 мин. созламада.” G” чизиқда диққат.*




A65061—UN—30JUL09

Ушбу огоҳлантириш насос энг паст созламага қўйилган бўлса ва ортиқча ишлатилаётган бўлса берилади. Насос тезлиги диапазонини ўзгартириш учун катта шестерня ўрнатилиши ёки юқорироқ тезлик танланиши керак. Ушбу огоҳлантириш билан боғланган битта диққат хабари ҳам бор. Огоҳлантириш тозаланганда, диққат хабари берилади.

Экраннинг маълумот майдони

**Меъёрдан ортиқ ишламоқда! Насос #1 минимум созламада.—**Меъёрдан ортиқ ишламоқда! 1 насос минимумга созланган.

**Насос керакли тезликка эришиш учун жуда тез айланмоқда. Насосдаги шестерняни каттароғига алмаштиринг ёки юқорироқ тезликни танланг.—**Насос керакли тезликка эришиш учун жуда тез айланмоқда. Насосдаги шестерняни каттароғига алмаштиринг ёки юқорироқ тезликни танланг.

**Огоҳлантиришни бекор қилиш—**Огоҳлантиришни бекор қилиш

**ОГОҲЛАНТИРИШ: Меъёрдан кам ишлатилмоқда**

*ҚАЙД: Ушбу огоҳлантириш "Меъёрдан кам ишламоқда" ёзуви билан чиқади! Насос #1 макс. созламада.” G” чизиқда диққат.*




A65062—UN—30JUL09

Ушбу огоҳлантириш насос энг юқори созламага қўйилган бўлса ва кам ишлатилаётган бўлса берилади. Насос тезлиги диапазонини ўзгартириш учун кичик шестерня ўрнатилиши ёки пастроқ тезлик танланиши керак. Ушбу огоҳлантириш билан боғланган битта диққат хабари ҳам бор. Огоҳлантириш тозаланганда, диққат хабари берилади.

Экраннинг маълумот майдони

**Меъёрдан кам ишламоқда! Насос #1 максимум созламада.**—Меъёрдан кам ишламоқда! Насос 1 максимум созламада.

**Насос керакли тезликка эришиш учун жуда секин айланмоқда. Насосдаги шестерняни кичикроғиға алмаштиринг ёки пастроқ тезликни танланг.**—Насос керакли тезликка эришиш учун жуда секин айланмоқда. Насосдаги шестерняни кичикроғиға алмаштиринг ёки пастроқ тезликни танланг.

**Огоҳлантиришни бекор қилиш**—Огоҳлантиришни бекор қилиш

**ОГОҲЛАНТИРИШ: Насос ҳолати датчиги аниқланмади**

*ҚАЙД: Ушбу огоҳлантириш "Насос датчигида носозлик" ёзуви билан чиқади! G" чизиқда диққат.*




A65063—UN—30JUL09

Насос ҳолати датчигидан сигнал қабул қилинмаса, ушбу огоҳлантириш берилади. Ушбу огоҳлантириш билан боғланган битта диққат хабари ҳам бор. Огоҳлантириш тозаланганда, диққат хабари берилади.

Экраннинг маълумот майдони

**1 Насос ҳолати датчиги аниқланмади**—1 Насос ҳолати датчиги аниқланмади

**Ҳолат датчиги тўсилиб қолган-қолмаганлигини текширинг. Ҳолат датчигига боғланган барча симлар жгутини текширинг.**—Ҳолат датчиги тўсилиб қолган-қолмаганлигини текширинг. Ҳолат датчигига боғланган барча симлар жгутини текширинг.

**Огоҳлантиришни бекор қилиш**—Огоҳлантиришни бекор қилиш

**ОГОҲЛАНТИРИШ: Бошқариш буйруғига насос жавоб бермаяпти**

*ҚАЙД: Ушбу огоҳлантириш "Насос жавоб бермаяпти" ёзуви билан чиқади. Тизимни текширинг." G" чизиқда диққат.*




A65064—UN—30JUL09

Насосни мослаштириш моторидан сигнал қабул қилинмаса, ушбу огоҳлантириш берилади. Ушбу огоҳлантириш билан боғланган битта диққат хабари ҳам бор. Огоҳлантириш тозаланганда, диққат хабари берилади.

Экраннинг маълумот майдони

**Бошқариш буйруғига насос 1 жавоб бермаяпти—**Бошқариш буйруғига насос 1 жавоб бермаяпти

**Насос билан электр уланишни текширинг, моторни созланг. Моторнинг насосга ва насоснинг датчикка механик уланишларини текширинг.—**Насос билан электр уланишни текширинг, моторни созланг. Моторнинг насосга ва насоснинг датчикка механик уланишларини текширинг.

**Огоҳлантиришни бекор қилиш—**Огоҳлантиришни бекор қилиш

**ОГОҲЛАНТИРИШ: V.R. Ўғит тизими носозлиги. Ҳисобланган нормалар аниқ бўлмаслиги мумкин.**

*ҚАЙД: Ушбу огоҳлантириш “Насос #1 ҳисобланган нормаси белгилангандан 10 % га кўп" ёзуви билан чиқади. G” чизиқда диққат.*




A65065—UN—30JUL09

Агар ҳисобланган норма белгиланган нормадан 10 фоизга ортиқ бўлса ушбу огоҳлантириш берилади. Ушбу огоҳлантириш билан боғланган битта диққат хабари ҳам бор. Огоҳлантириш тозаланганда, диққат хабари берилади.

Экраннинг маълумот майдони

**V.R. Насос #1 нормасида аниқланган ўғит тизими носозлиги аниқ бўлмаслиги мумкин.—**Насос 1 нормасида аниқланган ўғит тизими носозлиги аниқ бўлмасли-ги мумкин.

**Трактор радари насоси RPM датчиги электр уланишлари ва ҳолатини текширинг.—**Трактор радари насоси RPM датчиги электр ула-нишлари ва ҳолатини текширинг.

**Огоҳлантиришни бекор қилиш—**Огоҳлантиришни бекор қилиш

**ОГОҲЛАНТИРИШ: V.R. Ўғит. VRF тизими шестернясида ўзгариш аниқланди.**

*ҚАЙД: Ушбу огоҳлантириш "1 рақамли насос шестернясида ўзгариш аниқланди" ёзуви билан чиқади!*




A65066—UN—30JUL09

Насосдан фойдаланиш мотор созламасини аниқловчи датчиксиз ўзгарса, ушбу огоҳлантириш берилади. Ушбу огоҳлантириш билан боғланган битта диққат хабари ҳам бор. Огоҳлантириш тозаланганда, диққат хабари берилади.

Экраннинг маълумот майдони

**V.R.Ўғит тизими шестернясида ўзгариш аниқланди. Насос #1 қайта калибрланди.—**Экиш нормасини бошқариш тизими шестернясида ўзгариш аниқланди. 1 рақамли насос қайта калибрланди.

**Шестернялар ўзгартирилмаган бўлса, RPM насос датчиги ва радар электр уламалари, шестернялар ва насос узатма механик қисмларини текширинг.—**Шестернялар ўзгартирилмаган бўлса, RPM насос датчиги ва радар электр уламалари, шестернялар ва насос узатма механик қисмларини текширинг.

**Огоҳлантиришни бекор қилиш—**Огоҳлантиришни бекор қилиш

**ДИҚҚАТ: V.R. Ўғитнинг юқори/паст кучланиши**




A65067—UN—30JUL09




A65068—UN—30JUL09

Экиш нормасини бошқариш тизими кучланиши жуда баланд ёки паст бўлса, ушбу диққат белгиси берилади.

| Экраннинг маълумот майдони | | | |
|---|---|---|---|
| **ИШ** | | **саҳифаси 1** | |
| Сканерлаш (ҚАТОР) минимум/максимум | | | A |
| **0** (ҳар акрга уруғ миқдори) қатор | | | B |
| **0** Ўртача зичлик (ҳар акрга уруғ миқдори) | | | C |
| Экиш нормаси 1 (ҳар акрга уруғ миқдори) 200000 | | | D |
| **20.0** норма B (ҳар акрга галон миқдори) | | | E |
| **5.0** тезлик (мил/соат) | | | F |
| Ўғит нормасини бошқариш тизими кучланиши юқори | | | G |

| Экраннинг маълумот майдони | | | |
|---|---|---|---|
| **ИШ** | | **саҳифаси 1** | |
| Сканерлаш (ҚАТОР) минимум/максимум | | | A |
| **0** (ҳар акрга уруғ миқдори) қатор | | | B |
| **0** Ўртача зичлик (ҳар акрга уруғ миқдори) | | | C |
| Экиш нормаси 1 (ҳар акрга уруғ миқдори) 200000 | | | D |
| **20.0** норма B (ҳар акрга галон миқдори) | | | E |
| **5.0** тезлик (мил/соат) | | | F |

| Экраннинг маълумот майдони | |
|---|---|
| Ўғит нормасини бошқариш тизими кучланиши паст | G |

OUO6074,000068C-UZ-30JUL09

## Ишлатилмаганда ўчириш

**МУҲИМ: 1770NT 24 қаторли сеялка каби қўш насосли тизимлар насос занжирлари қайта ўрнатилганда бир-бирига 90 градусда жойлаштирилган шпоннкаариқчаларига (A) эга бўлиши керак, акс ҳолда машина шикастланиши мумкин.**




A54239—UN—08APR04

*Олд насос*




A54240—UN—08APR04

*Орқа насос*

**A—Шпонка ариқчаси**

Ўғит тизими ишлатилмаётган бўлса, узатма занжирини насосдан ечиб қўйинг.

OUO6074,0000C1A-UZ-08APR04

## Қўлда тўғрилаш




A54226—UN—07APR04




A54227—UN—07APR04




A54228—UN—07APR04

**A—Ҳолат датчиги симлар жгути**
**B—Мотор симлар жгути**
**C—Қоплама**
**D—Контргайка**
**E—Кичик шестерня**
**F—Кронштейнни чеклаш**
**G—Катта трансмиссия**
**H—Кронштейн бурчаги**
**I—Қалпоқчали винт**

Электрон тизимда носозлик кузатилганда, насос қўлда созланиши ва барқарор қўллаш тезлиги билан таъминлаш учун сиқилиши мумкин. Ушбу параметр операторга маҳсулотни барқарор суратда ишлатишда давом этиш имконини беради.

1. Насос созламаларини агрегатдан фойдаланиш қўлланмасидаги ўғит нормаси жадвалидан аниқлаб олишингиз мумкин.
2. Датчик жойлашуви симлар жгути (A) ва мотор симлар жгутини (B) ажратинг.
3. Қопқоқни (C) олиб ташланг.
4. Контргайка (D) ва кичик шестерняни (E) олиб ташланг.
5. Таъмирлаш амалга оширилгунча ва қисмлар қайта ўрнатилгунча қоплама, контргайка ва кичик шестерняни хавфсиз жойда сақланг.

*ҚАЙД: Насос чеклаш режимида бўлса, кронштейнни чекланиши(Ф) бўшатилиш билан амалга оширилади.*

6. Катта шестерняни (G) тўлиқ соат милига қарши йўналишда айлантиринг. Тўлиқ соат милига қарши ҳолат "2" насос созламаси саналади.
7. Кронштейн бурчагига (H) қаранг ва тишни "2" билан энг яқин ҳолатга белгиланг.
8. Шестерня соат мили йўналишида айлантирилиши билан кронштейн бурчагидан ўтаётган (H) тишларни мананг. Насос созламаси рақамларини кўрсатувчи тишлар сони учун жадвалга қаран. Зарурият бўлса, кронштейнда рақамлар белгиланиши мумкин.
9. Бир марта созлангач, қулфлаш кронштейнидаги (F) қалпоқчали винтни (I) бўшатинг ва кронштейнни у шестерня тишларини қотирадиган ва шестерняни жойига қўядиган ҳолатга айлантиринг. Кронштейн чеклагичларини қотиринг.

| **Бошланғич ҳолатга келтирилгандан кейинги тишлар сони орқали кўрсатиладиган насос созламалари** | |
|---|---|
| **Насос созламалари рақами** | **Тишлар сони** |
| Насос созламаси 2 | 0 Тиш тўлиқ соат милига қарши йўналишда |
| Насос созламаси 3 | 7 тиш |
| Насос созламаси 4 | 14 тиш |
| Насос созламаси 5 | 21 тиш |
| Насос созламаси 6 | 28 тиш |
| Насос созламаси 7 | 36 тиш |
| Насос созламаси 8 | 45 тиш |
| Насос созламаси 9 | 56 тиш |
| Насос созламаси 10 | Тўлиқ соат йўналиши бўйлаб |

10. Чеклаш сақланаётганлиги ва тезлик исталганидек эканлигини текшириш учун чеклашдан кейинги ишлатишнинг илк ўн дақиқасида тезликни текширинг.

OUO6074,0000608-UZ-16SEP02

## Суюқ ўғит датчиги диагностикаси

1. Тракторни ўчиринг. Калитни аксессуар ҳолатига буранг.
2. Датчик кабели тўғри уланганлигини текширинг.

   Агар фақат битта датчикдан фойдаланилса, у LEFT FERT билан белгиланган симга уланиши керак.
3. Датчиклар сони тўғри танланганлигини текширинг.

   **Сеялкаг** тугмаси >> **Сеялка конфигурацияси** клавиши >> **Датчиклар** варағи >> **Ўғит** тушувчи менюси >> **Датчиклар** тушувчи менюсини танланг. Машинадаги датчиклар сонини киритинг.
4. Датчиклар калибрланганлигини ва бошланғич нуқтага тўғри қўйилганлигини текширинг.
   - Калибрлаш катталигини киритиш катагида 37.5 калибрлаш рақамини киритинг.
   - Ўғит манифолдида тўпланиб қолган босимни чиқариб юборинг, сўнгра ҳар бир датчик учун НОЛ тугмасини босинг.
5. Кучланишлар тўғри эканлигини текширинг.

   **Сеялка** тугмаси >> **Диагностика** клавиши >> **Кўрсаткичлар** варағи >> **Тизим кучланишлари** тушувчи менюсини танланг.
   - Контроллер кучланиши 11 В ёки ундан юқори бўлиши КЕРАК.
   - Датчик қувват таъминоти 8.0 В.
   - Кучланиш НОЛ бўлса, симларни текширинг.

OUO6074,000107A-UZ-29JUL08

# Огоҳлантириш ойналари

## Бир йўл охирида огоҳлантиришни тўхтатишни кўриб чиқиш




A62927—UN—24JUL08

**A—Йўл охирлари**
**B—Огоҳлантиришни тўхтатиш**
**C—Тўхташ 45 даражадан ошса бошланади**
**D—Тўхташ 13 даражадан кейин якунланади**

John Deere™ GreenStar™ дисплейи билан ишлаганда ва John Deere™ маҳсулотлар қўлланмасидан фойдаланилганда, тўлиқ экрандаги мониторидаги уруғ ҳақидаги огоҳлантиришлар йўл охирадаги бурилишларда (B) ўчирилиши мумкин (A).

Уруғни тўхтатиш ҳақидаги огоҳлантиришларни бурилишда кўриш параметрини фаоллаштириш учун, **Бурилишда кўриш** катаги Greenstar™2 Pro созлама қўлланмасида текширилиши керак.

Бурилишда кўриш фаоллаштирилганда, қуйидагилар содир бўлади:

- Уруғни тўхтатиш ҳақида огоҳлантириш ва бурилишда кўриш трактор тўғри йўлдан фойдаланиб, 45 даражага (45) бурилганда бошланади.
- Бурилишни кўриш трактор кейинги йўлнинг 13 даражаси доирасида (Д) якунланади.
- Уруғ ҳақида огоҳлантиришни тўхтатиш бурилишни кўриш экрандан йўқолганидан 3 сония ўтиб якунланади.
- Огоҳлантиришлар максимум 22 сонияда тўхтатилади.

OUO6064,00001FB-UZ-09JUL10

## Огоҳлантириш хабарлари




A61394—UN—19NOV07

**ОГОҲЛАНТИРИШЛАР** хавф сигналларининг энг юқори даражаси саналади. Огоҳлантиришлар операторга жиддий ҳолатлар ҳақида хабар беради. Ишлашда давом этишдан олдин огоҳлантиришга сабаб бўлган ҳолатни тўғрилаш тавсия этилади. Огоҳлантиришлар тўлиқ дисплейларда акс эттирилади. Экилмаётган қаторлар огоҳлантиришларга бир мисол. Огоҳлантириш ҳолат тўғриланмасдан бекор қилинса, у дисплейнинг пастки чизиғида давомий хавф белгиси сифатида кўрсатиб турилади. Бир вақтнинг ўзида бирдан ортиқ огоҳлантиришлар кузатилса, алмаштириш тугмаси пайдо бўлади ва у орқали оператор хавф сигналларини бирма-бир кўриши мумкин.

**МУҲИМ: Тўлиқ саҳифали огоҳлантиришларнинг сеялканинг ИШ саҳифасида бўлмаслиги оператор ундан хабардор эканлигини билдиради.**

**МУҲИМ: Сеялка иш саҳифаси дисплейда акс эттирилганда, огоҳлантириш ойналари экраннинг сеялка учун ажратилган қисмида кўрсатилади. Тўлиқ саҳифали огоҳлантиришлар сеялканинг ИШ саҳифасида бўлмаслиги оператор ундан хабардор эканлигини билдиради.**



A61395—UN—19NOV07

**ДИҚҚАТ хабарлари** ўрта даражали хавф хабарлари саналади. Диққатлар операторга ишлатиш чегарасидан чиқаан, аммо тўхтатиш учун етарлмча жиддий бўлмаган ҳолатлар ҳақида хабар беради. Зичликни чегарадан ортиқ ёки кам бўлиши диққатга мисол бўла олади. Тўғриланмасдан ўчирилган огоҳлантириш ҳам диққатга айланади. Тўлиқ саҳифали диққат хабари тозалангач, хабар тўғрилангунча экраннинг қуйи қисмидаги ягона қаторда қолади. Бир вақтнинг ўзида бирдан ортиқ огоҳлантиришлар кузатилса, алмаштириш тугмаси пайдо бўлади ва у орқали оператор хавф сигналларини бирма-бир кўриши мумкин.

**МУҲИМ: Сеялка иш саҳифаси дисплейда акс эттирилганда, диққат ойналари экраннинг сеялка учун ажратилган қисмида кўрсатилади. Тўлиқ саҳифали диққат хабарлари сеялканинг ИШ саҳифасида бўлмаслиги оператор ундан хабардор эканлигини билдиради.**



A61396—UN—19NOV07

**Маслаҳатлар** энг қуйи даражали хавф хабарларидир. Маслаҳатлар операторга ўта жиддий бўлмаган ёки чегарадан ташқари бўлган қимматли

маълумотлар ҳақида хабар беради. Кўрсатилган ҳолатга дуч келинганда, маслаҳат берилади. Бир вақтнинг ўзида бирдан ортиқ огоҳлантиришлар кузатилса, алмаштириш тугмаси пайдо бўлади ва у орқали оператор хавф сигналларини бирма-бир кўриши мумкин.

OUO6064,0000204-UZ-20JUL10

## SeedStar™ 2 учун огоҳлантириш ойналари




A67965—UN—01JUL10

Боғланиш хатолиги. Асосий сеялка 2 уланмаган. Симларни текширинг. Ушбу хавф сигналини ўчириш учун 111111 диагностика кодини киритинг.




A72620—UN—19SEP11

Боғланиш хатолиги. Асосий сеялка 2 уланган, аммо CAN шинаси хабарларига жавоб бермаяпти. Симларни текширинг.




A61406—UN—19NOV07

NOVRAM АСЛИГА ҚАЙТАРИШ КАТТАЛИГИ

Сақланган катталик унинг чегарасидан ташқарида ўрнатилган. Катталик стандарт катталик аслига қайтарилган. Экишдан олдин сеялка созламаларини тасдиқланг.




A61407—UN—19NOV07

СЕЯЛКА ЎЧИРИЛГАН, ҚУВВАТНИ ЎЧИРИБ ЁҚИШ

Сеялка ишламаяпти. Амални сақлаш учун, қувватни ўчириб ёқинг.




A61408—UN—19NOV07

Давом этиш тугмасини босиш тизим катталикларини одатий созламага қайтаради ва ушбу ҳолатда қувватни ўчириб ёқиш талаб этилади.

Қувват ўчириб ёқилганда катталикларни сақлашдан олдин кўрилган чораларга кўра тасдиқлайди.




A61409—UN—19NOV07

Аккумулятордан қувват келмаяпти.

12 В доимий токда 9 ISO коннекторнинг 1 тилча (ерга улаш) 3 тилчаси (12 В доимий ток) мавжуд эмас. Трактордан фойдаланиш қўлланмасига қаранг васақлагичларни текширинг.




A61410—UN—19NOV07

Сеялка модули 2 жавоб бермаяпти. 24 тадан ортиқ қаторли сеялкалар.

PA1 контроллери боғланмаяпти. Барча электр уламалари мустаҳкам қотирилганлигини ва симлар жгутлари шикастланмаганлигини текширинг.




A61411—UN—19NOV07

Сеялка модули 3 жавоб бермаяпти. 48 тадан ортиқ қаторли сеялкалар.

PA2 контроллери боғланмаяпти. Барча электр уламалари мустаҳкам қотирилганлигини ва симлар жгутлари шикастланмаганлигини текширинг.




A61412—UN—19NOV07

Уруғ мониторини аслига қайтариш. Носозлик давом этса, дилер билан боғланинг.

Боғланишга тегишли баъзида пайдо бўлувчи муаммолар мавжуд. Барча электр уламалари яхши ҳолатда эканлиги ва симлар жгутлари шикастланмаганлигини текширинг.




A61413—UN—19NOV07

Чиқариш трубаси тўлиб қолган. Контроллерни қайта ишга туширинг. Носозлик давом этса, дилер билан боғланинг.




A61414—UN—19NOV07

Тракторнинг тезлик манбаси мавжуд эмас.

Танланган тезлик манбасидан тракторнинг тезлик манбаси мавжуд эмас. Уламаларни текширинг ёки тезлик манбасини ўзгартиринг. Оператор қўланмасига қаранг.




A61415—UN—19NOV07

Трактор тезлиги аниқланмаяпти. Трактор тезлиги CAN шинасидан узатилмаяпти. Трактор тезлик уламаларини текширинг. Трактор ҳайдовчиси қўлланмасига қаранг.




A61416—UN—19NOV07

Юриш тезлиги манбасини текширинг.

Юриш тезлиги тракторнинг юриш тезлигига нисбатан фарқли тезликни кўрсатмоқда. Юриш тезлиги калибрлаш катталигини ёки трактор тезлиги маньасини текширинг. Оператор қўланмасига қаранг.




A61418—UN—19NOV07

Танланган юриш тезлиги манбаси ғилдирак.

VRD учун радардан ва энг яхши натижа олиш учун уруғ мониторингидан фойдаланинг.




A61419—UN—19NOV07

Танланган юриш тезлиги манбаси қўлланма.

VRD учун радардан ва энг яхши натижа олиш учун уруғ мониторингидан фойдаланинг.




A61420—UN—19NOV07

Ушбу қаторлар экмаяпти.

Юриш тезлиги 2 мил/соатдан ортиқ ва уруғ датчиги сониясига иккита уруғдан кам санаяпти.

Датчикларни бекор қилиш учун дисплейда ОК тугмасини босинг.




A61421—UN—19NOV07

Ушбу уруғ датчиклари ишламаяпти.

Уруғ датчигини синовини амалга oширинг ёки операцион датчик билан алмаштиринг.




A61422—UN—19NOV07

Белгиланган майдонга экилди.

Майдонни аслига қайтариш учун **Жами** ойнасида кезинг.




A61423—UN—19NOV07

Вакуум датчиги ёки блокида носозлик.

Тизимда датчикларнинг тўғри сони билан ўрнатилганлигини ва датчик уламаларини текширинг.




A61431—UN—19NOV07

Ўғит босими ўта юқори.

Датчик рақами:

Максимум босим оператор киритган катталикдан ошиб кетди.




A72622—UN—19SEP11

Сеялка маълумотлари ва/ёки ўлчам қийматлари янгиланди: Сеялка ўлчамларининг силжиши. GPS ўлчамларининг силжиши. Сеялка маълумотлари. Сеялка маълумотларини янгилаш бўйича огоҳлантириш товушини ёқинг.

Сеялкаr/GPS ўлчамларининг силжиши билан боғланган қийматда ёки сеялка маълумотлари ўзгартирилганда, операторга огоҳлантириш берилади.

OUO6064,00005F3-UZ-10NOV11

## SeedStar™ 2 учун огоҳлантириш ойналари (битта нуқтали пневматик сиқувчи куч тизимли машиналар)




A68146—UN—13JUL10

Пневматик сиқувчи куч соленоид блокида хатолик. Тизим бошқаруви ўчирилган. Электр улагичларни текширинг. Пневматик сиқувчи куч соленоид блокида блокни ёки қисқа туташувни очинг. Симлар жгутлари ва улагичларнинг шикастланган ёки

шикастланмаганлигини текширинг. Соленоидларнинг давомийлигини текширинг.




A68147—UN—13JUL10

Пневматик сиқувчи куч босим датчиги блокида хатолик.

Пневматик сиқувчи куч босим датчиги блокида блокни ёки қисқа туташувни очинг. Симлар жгутлари ва улагичларнинг шикастланган ёки шикастланмаганлигини текширинг.




A68148—UN—13JUL10

Пневматик сиқувчи куч босим датчигини калибрлашда хатолик.

Нол кучланиш датчиги меъёрда эмас. Пневматик пружина блокидан барча босимни чиқаринг ва калибрлашга уриниб кўринг. John Deere™ дилерига мурожаат қилинг.




A68149—UN—13JUL10

PM2 датчиги кучланиш таъминлагчи #1 меъёрда ишламаяпти.

PM2 даги 5 VDC датчиги кучланиш таъминоти меъёрдан юқори ёки паст. Симлар жгутлари ва улагичларнинг шикастланган ёки шикастланмаганлигини текширинг.




A68150—UN—13JUL10

Ҳаво компрессори ишлаш вақти чегарасидан ошиб кетди. Ҳаво тирқишларини текширинг.

Ҳаво компрессори 30 дақиқадан бери давомий ишламоқда.. Бак ва компрессор ўртасидаги ҳаво йўлларида тирқишлар бор-йўқлигини текширинг. Бакнинг сақловчи клапани ва компрессор босими релесида тирқишлар йўқлигига ишонч ҳосил қилинг.




A72621—UN—19SEP11

Пневматик сиқувчи тизими босими паст. Дам чиқариш клапани ёки ҳаво тирқишларини текширинг.

Экиш секцияси сиқувчи куч босими PDF ҳаво босими датчигини созлаш саҳифасида меъёрда ўрнатилмаган. Бак ва компрессор ўртасидаги ҳаво йўлларида тирқишлар бор-йўқлигини текширинг. Бакнинг сақловчи клапани ва компрессор босими релесида тирқишлар йўқлигига ишонч ҳосил қилинг.




A68151—UN—13JUL10

Чап CAN шинаси субтармоқ блокида хатолик. Электр уланишларини текширинг.

Симлар жгутлари ва улагичларнинг шикастланган ёки шикастланмаганлигини текширинг. John Deere™ дилерингизга мурожаат қилинг.




A68152—UN—13JUL10

Ўнг CAN шинаси субтармоқ блокида хатолик. Электр уланишларини текширинг.

Симлар жгутлари ва улагичларнинг шикастланган ёки шикастланмаганлигини текширинг. John Deere™ дилерингизга мурожаат қилинг.




A68153—UN—13JUL10

Боғланиш хатолиги. Уруғ монитори уланмаган.

PM2 контроллери уланган, аммо CAN шинасидаги PM1 контроллерни аниқламаяпти. Ишга тушириш тунмасин ўчириб қайта ёқинг ва тизим юклангунгача кутинг. John Deere™ дилерингизга мурожаат қилинг.




A68154—UN—13JUL10

Боғланиш хатолиги. Уруғ монитори уланган, аммо CAN шинаси хабарларига жавоб бермаяпти.

PM2 CAN шинасидаги PM1 контроллерни аниқлаяпти, амм PM1 контроллер жавоб бермаяпти. Ишга тушириш тунмасин ўчириб қайта ёқинг ва тизим юклангунгача кутинг. John Deere™ дилерингизга мурожаат қилинг.




A68155—UN—13JUL10

9 штифт улагичи кучланиши меъёрда эмас. 1 ва 3 штифтларни текширинг.

9 штифт ISO коннекторнинг 1 штифти (ерга улаш) ва 3 штифтида (12 В доимий ток) кучланиш меъёрдан ортиқ ёки паст. Симлар жгути ва аккумулятор уланишларини текширинг.




A68156—UN—13JUL10

9 штифт улагичида кучланиш аниқланмади. 1 ва 3 штифтларни текширинг.

9 штифт ISO коннекторнинг 1 штифти (ерга улаш) ва 3 штифтида (12 В доимий ток) кучланиш йўқ. Трактордан фойдаланиш қўлланмасига қаранг ва сақлагичларни текширинг.




A68161—UN—13JUL10

PM2 контроллери ECU кучланиши меъёрда эмас. Электр симларни текширинг.

PM2 контроллери учун 12 В доимий кучланиш меъёрдан паст ёки юқори. John Deere™ дилерингизга мурожаат қилинг.

OUO6064,00005D4-UZ-10NOV11

## RowCommand™ учун огоҳлантириш ойналари




A61426—UN—19NOV07

Баландлик датчиги калибрланмаган.

Тизим тўғри ишга тушиши учун баландлик датчиги калибрланиши керак.

Ушбу қўлланманинг АСОСИЙ СЕЯЛКА КОНФИГУРАЦИЯЛАРИНИ ЎРНАТИШ бўлимидаги баландлик датчигини калибрлаш амалиётларига қаранг.




A61427—UN—19NOV07

20 дан ортиқ тўхташ нуқтаси тавсия этилмайди.

Тўхташ нуқтаси жуда паст бўлса, нотекис жойлардан юрилганда узатмалар ўчиб қолиши мумкин.




A63767—UN—07NOV08




A63768—UN—07NOV08

Электр қуввати модуллари билан CAN шинасида боғланиш йўқ. Бир нечта қатор муфталари ишламаяпти.

Уланишларни текширинг. ЕРМлар билан боғланишга қайта уриниб кўриш учун қайта ишга тушириш талаб этилади.

Огоҳлантириш ойнаси айни пайтда уланмаган ЕРМлар рўйхатини кўрсатади. Уланмаган ЕРМлар билан боғланган бошқариш бўлими ҳолати катаклари асосий иш саҳифасидан йўқолган ва ярим иш саҳифаси чиқиб қолган.




A63769—UN—07NOV08

Электрон қувват модуллари CAN шинаси буйруқларига жавоб бермаяпти. Бир нечта қатор муфталари ишламаяпти.

Уланишларни текширинг. ЕРМлар билан боғланишга қайта уриниб кўриш учун қайта ишга тушириш талаб этилади.

Огоҳлантириш ойнаси айни пайтда боғланмаган ЕРМлар рўйхатини кўрсатади.




A63770—UN—07NOV08

Электрон қувват модулларида қувват кучланиши паст. Муфта тизимининг ўз-ўзини синаш функциясидан фойдаланиб бўлмаяпти.

Огоҳлантириш ойнасида 10.5 В дан кам қувват кучланишига эга ЕРМлар келтирилган.




A63771—UN—07NOV08

Электрон қувват модулларида қувват кучланиши меъёрда эмас. Муфта тизимининг ўз-ўзини синаш функциясидан фойдаланиб бўлмаяпти.

Огоҳлантириш ойнасида 9.0 В дан кам қувват кучланишига эга ЕРМлар келтирилган.




A63776—UN—11NOV08

Ишга туширишда қатор муфтасининг ўз-ўзини синаш диагностикаси.

ЕРМ ёқилганлиги ва уланганлиги аниқлангач, тизим

синашни амалга оширади ва "Ушбу қатор муфталари ишламаяпти" хабарини кўрсатади.




A63778—UN—10NOV08

Назорат бўлими ўчирилган, аммо айрим қаторлар экишда давом этмоқда. Уруғ датчиги ёки қатор муфтасини текширинг.

OUO6064,0000208-UZ-21JUL10

## Экиш нормасини бошқариш тизими учун огоҳлантириш ойналари




A61417—UN—19NOV07

Трактор ёки сеялка тезлигида хатолик.

Тракторнинг жорий тезлиги 0.0

Ҳаракатланиш датчигининг тахминий тезлиги 00

Дилерга мурожаат қилинг.




A61424—UN—24JUL08

Узатмалар нотўғри тезликда ишламоқда.

Тракторнинг SCV гидравлик оқим созламаларини текширинг. Механик боғламалар ва тўсиқларни текширинг. Узатмаларни ёқиш бекор қилиш тугмасини босинг.




A61425—UN—24JUL08

Узатмалар жавоб бермаяпти.

Барча узатмалар ўчирилган. Гидравлик қувват ва VRD датчиги уланишларини текширинг. Фойдаланиш қўлланмаси бўйича текширинг. Узатмаларни ёқиш бекор қилиш тугмасини босинг.




A61426—UN—19NOV07

Баландлик датчиги калибрланмаган.

Тизим тўғри ишга тушиши учун баландлик датчиги калибрланиши керак.

Ушбу қўлланманинг АСОСИЙ СЕЯЛКА КОНФИГУРАЦИЯЛАРИНИ ЎРНАТИШ бўлимидаги

баландлик датчигини калибрлаш амалиётларига қаранг.




A61427—UN—19NOV07

20 дан ортиқ тўхташ нуқтаси тавсия этилмайди.

Тўхташ нуқтаси жуда паст бўлса, нотекис жойлардан юрилганда узатмалар ўчиб қолиши мумкин.




A61428—UN—19NOV07

Трактор тезлиги йўқ ва сеялка ишламаяпти. Экиш тўлиқ тўхтаган.

Юриш тезлиги датчиги ҳолатини текширинг.




A61429—UN—19NOV07

Сеялка ҳаракатланмоқда. Сеялка туширилган.

Сеялканинг тўхташини ва кўтарилишини талаб қилувчи "Уруғ дозаторини айлантириш" функциясидан фойдаланилганда, огоҳлантириш чиқади. Тракторни ва сеялка ҳаракатланишини тўхтатинг ва сеялкани кўтаринг.




A61430—UN—19NOV07

Тезкор ишга тушириш талаблари қониқарли эмас.

Минимум юриш тезлигига эришиб бўлмаяпти.

Трактор тезлигини оширинг ёки текширинг.

OUO6064,0000209-UZ-21JUL10

## SeedStar™ XP учун огоҳлантириш ойналари




A68149—UN—13JUL10

PM2 датчиги кучланиш таъминлагчи #1 меъёрда ишламаяпти.

PM2 даги 5 VDC датчиги кучланиш қуввати меъёрдан юқори ёки паст. Симлар жгутлари ва улагичларнинг шикастланган ёки шикастланмаганлигини текширинг.




A68151—UN—13JUL10

Чап CAN шинаси субтармоқ манзили блокида хатолик. Электр уланишларини текширинг.

Симлар жгутлари ва улагичларнинг шикастланган ёки шикастланмаганлигини текширинг. John Deere™ дилерингизга мурожаат қилинг.




A68152—UN—13JUL10

Ўнг CAN шинаси субтармоқ манзили блокида хатолик. Электр уланишларини текширинг.

Симлар жгутлари ва улагичларнинг шикастланган ёки шикастланмаганлигини текширинг. John Deere™ дилерингизга мурожаат қилинг.




A68153—UN—13JUL10

Боғланиш хатолиги. Уруғ монитори уланмаган.

PM2 контроллери уланган, аммо CAN шинасидаги PM1 контроллерни аниқламаяпти. Ишга тушириш тунмасин ўчириб қайта ёқинг ва тизим юклангунгача кутинг. John Deere™ дилерингизга мурожаат қилинг.




A68154—UN—13JUL10

Боғланиш хатолиги. Уруғ монитори уланган, аммо CAN шинаси хабарларига жавоб бермаяпти.

PM2 CAN шинасидаги PM1 контроллерни аниқлаяпти, амм PM1 контроллер жавоб бермаяпти. Ишга тушириш тунмасин ўчириб қайта ёқинг ва тизим юклангунгача кутинг. John Deere™ дилерингизга мурожаат қилинг.




A68155—UN—13JUL10

9 штифт улагичи кучланиши меъёрда эмас. 1 ва 3 штифтларни текширинг.

9 штифт ISO коннекторнинг 1 штифти (ерга улаш) ва 3 штифтида (12 В доимий ток) кучланиш меъёрдан ортиқ ёки паст. Симлар жгути ва аккумулятор уланишларини текширинг.




A68156—UN—13JUL10

9 штифт улагичида кучланиш аниқланмади. 1 ва 3 штифтларни текширинг.

9 штифт ISO коннекторнинг 1 штифти (ерга улаш) ва 3 штифтида (12 В доимий ток) кучланиш йўқ. Трактордан фойдаланиш қўлланмасига қаранг ва сақлагичларни текширинг.




A68157—UN—13JUL10

CAN шинаси субтармоғи боғланиш хатолиги. Ушбу датчик узеллари ўчирилган:

1,2,3,4,5,6,7

Келтирилган датчик узели контроллерлари ўчирилган. Симлар жгутлари ва улагичларнинг шикастланган ёки шикастланмаганлигини текширинг. John Deere™ дилерингизга мурожаат қилинг.




A68158—UN—13JUL10

CAN шинаси субтармоғи боғланиш хатолиги. Ушуб датчик узеллари уланган, аммо CAN шинаси хабарларига жавоб бермаяпти:

1,2,3,4,5,6,7

Келтирилган датчикнинг узел контроллерлари ёқилган, аммо PM2 контроллери билан боғланмаган. John Deere™ дилерингизга мурожаат қилинг.




A68159—UN—13JUL10

Қуйидаги датчик узелларида экиш секцияси динамик датчиги хатолиги:

1,2,3,4,5,6,7

Келтирилган датчик узеллари контроллерлари ичида динамик датчик билан боғлиқ носозлик мавжуд. John Deere™ дилерингизга мурожаат қилинг.




A68160—UN—13JUL10

Нусхаловчи ғилдиракнинг юклаш датчиги блокида хатолик. Электр симларни текширинг.

Ушбу юклаш датчиклари қуйидаги хатоликлар бўйича жавоб беради:

1,2,3,4,5,6,7

Келтирилган датчик узели контроллерлари нусхаловчи ғилдиракни юклаш датчиги билан носозликни аниқлайди. Юклаш датчиги сим жгутларини шикастланганлигини текширинг.




A68161—UN—13JUL10

PM2 контроллери ECU кучланиши меъёрда эмас. Электр симларни текширинг.

PM2 контроллери учун 12 В доимий кучланиш меъёрдан паст ёки юқори. John Deere™ дилерингизга мурожаат қилинг.

OUO6064,000020A-UZ-29JUL10

## SeedStar™ XP учун огоҳлантириш ойналари (иккита нуқтали пневматик сиқувчи куч тизимли машиналар)




A68150—UN—13JUL10

Ҳаво компрессори ишлаш вақти чегарасидан ошиб кетди. Ҳаво тирқишларини текширинг.

Ҳаво компрессори 30 дақиқадан бери давомий ишламоқда.. Бак ва компрессор ўртасидаги ҳаво йўлларида тирқишлар бор-йўқлигини текширинг. Бакнинг сақловчи клапани ва компрессор босими релесида тирқишлар йўқлигига ишонч ҳосил қилинг.




A72621—UN—19SEP11

Пневматик сиқувчи тизими босими паст. Дам чиқариш клапани ёки ҳаво тирқишларини текширинг.

Экиш секцияси сиқувчи куч босими PDF ҳаво босими датчигини созлаш саҳифасида меъёрда ўрнатилмаган. Бак ва компрессор ўртасидаги ҳаво йўлларида тирқишлар бор-йўқлигини текширинг. Бакнинг сақловчи клапани ва компрессор босими релесида тирқишлар йўқлигига ишонч ҳосил қилинг.

OUO6064,00005D6-UZ-10NOV11

# Бирлаштирилган пневматик сиқувчи куч

## Техник хизмат кўрсатиш амалиётларини хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда бажаринг.



TS230—UN—24MAY89

Машинанинг тўсатдан қўзғалиши оқибатида сизнинг жароҳат олишингизни олдини олиш мақсадида машинага техник хизмат кўрсатиш амалиётларини текис юзада амалга оширинг.

Агар машина тракторга уланган бўлса, тўхтаб туриш тормозини босинг, трансмиссияни "тўхташ" ҳолатига келтиринг, моторни ўчиринг ва калитни чиқариб олинг.

Агар машина трактордан узилган бўлса, ғилдиракларни блокка қўйинг ва ҳаракатнинг олдини олиш учун хавфсизлик тиргакларидан фойдаланинг.

OM63945A,05F-UZ-20OCT98

## Пневматик сиқиш кучи

**ДИҚҚАТ: Қисмларнинг портлаб кетиши оқибатида жиддий жароҳат олишдан эҳтиёт бўлинг. Тизимнинг босимини меъёридан ошириб юборманг. Қисман йиғилган тизимни ишлатишга уринманг.**




A78181—UN—27JUN13

- Пневматик сиқиш кучи тизимга 827 кПадан (8.2 бар) (120 фунт/дюйм квадрат) юқори бўлган ҳаво босими ёки 1779 N (400 фунт) дан зиёд сиқиш кучини ишлатманг.
- Босим клапанини олиб ташламанг.
- Тизимга барча компонентлар ўрнатилгандан сўнг босим юборинг.



A86003—UN—02APR15

*Пневматик пружина пастки маҳкамлагичга тўғри ўралган.*



A86004—UN—02APR15

*Ёйилган пневматик пружина*

**МУҲИМ: Пневматик пружинага зиён етишидан эҳтиёт бўлинг. Буралиб қолган ёки ёйилмаган пневматик пружина ишлатманг. Агар пневматик пружина буралиб қолса ёки ёйилиб кетса, рамани кўтаринг ва пружинанинг шаклини қўлда ўзгартиринг. Пневматик пружинанинг шаклини текшириб турган ҳолда пружина тўғри шаклда ўралгунча рамани секин туширинг.**

Рама кўтарилганда тизимдаги ҳаво босими тушиши ва пасайтирилганда босим кўтарилиши нормал ҳолат.

**МУҲИМ: Пневматик пружинага зиён етишидан эҳтиёт бўлинг. Пружина буралиб қолишининг олдини олиш учун босимни 34-55 кПа (0.3-0.5 бар) (5-8 фунт/кв дюйм) даражасида ушлаб туринг.**

Агар пружина ўралиб қолса, агрегатни кўтаринг ва пневматик пружина тўғриланмагунга қадар тизимга босим юборинг.

*ҚАЙД: Агар трактор шиналари орқасидаги экиш секцияларига кўпроқ сиқиш кучи керак бўлса, уларга бир бурамли пружина қўшинг. Қўшимча маълумот учун John Deere дилери ёки малакали техник хизмат кўрсатиш марказига мурожаат қилинг.*




A85641—UN—12MAR15

*Гидравлик компрессор сурати келтирилган.*




A85642—UN—12MAR15

*Қўлда тўғрилаш*

**A—Иккиталик қатор клапани**
**B—Клапанни тўлдириш (ҳар бир блокка битта)**
**C—Қўлда бошқарув, (ҳар блокка иккита)**
**D—Бак ўлчагичи**

1. Агар ўрнатилган бўлса: иккиталик қатор секцияларига босим бериш учун клапанни (A) ҳаво шланги билан мослаштиринг. Иккиталик қатор секциялари босимини чиқариш учун клапанни ҳаво шлангига перпендикуляр буранг.
2. Компрессор тизими ишламаса, тўлдириш клапанларидаги (B) пневматик пружина блокини сиқилган ҳаво билан тўлдиринг.
3. Бошқарув тизими ишламаса, пневматик пружина босимини ошириш ёки камайтириш учун қўлда бошқарувдан (C) фойдаланинг. Тўлдириш клапанида (B) ғилдирак босимини ўлчагич билан пневматик пружина босимини текширинг.

Бак ўлчагич (D) пневматик пружиналардаги босимни эмас, бакдаги босимни кўрсатади. Бак босими учун меъёрий ишлаш диапазони 790-1000 кПа (7.9-10 бар) (115-145 фунт/кв.дюйм)

Қўшимча маълумот учун SeedStar™ монитори оператор қўлланмасига қаранг.

**Электр ҳаво компрессорида ҳаво фильтрини тозалаш ва алмаштириш**




A103729—UN—13FEB19

**A—Қулоқли гайка**
**B—Зичловчи шайба**
**C—Соябон**
**D—Фильтр элементи**
**E—Фильтр асоси**

**МУҲИМ: Компрессорга зиён етишидан эҳтиёт бўлинг. Ҳаво фильтри элементини ҳар йили ёки ҳар мавсумнинг бошланишида тозаланг ёки алмаштиринг. Фильтрнинг тозалиги ҳаво компрессорининг самарадорлиги ва эксплуатация ресурсини сақлаш учун жуда муҳим.**

1. Қулоқли гайка (A) ва зичловчи шайбани (B) олиб ташланг.
2. Соябонни (C) ечинг ва сақлаб қўйинг.
3. Фильтр элементини (D) олинг.

**МУҲИМ: Фильтр ва компрессорга зиён етишидан эҳтиёт бўлинг. Тозалаш пайтида фильтр элементига зиён етказманг. Фильтрни тозалаш учун уни қаттиқ юзага секин қоқинг.**

4. Ҳаво фильтрини тозаланг ёки янги ҳаво фильтри сотиб олинг. Қўшимча маълумот учун John Deere дилери ёки малакали техник хизмат кўрсатиш марказига мурожаат қилинг.

**МУҲИМ: Компрессорга зиён етишидан эҳтиёт бўлинг. Фильтрни ўрнатишдан олдин фильтр асосидан (E) барча ортиқча материалларни тозаланг.**

5. Тозаланган ёки янги фильтрни ўрнатинг.
6. Аввал олиб ташланган соябон, қулоқли гайка ва зичловчи шайбани ўрнатинг.
7. Қулоқли гайкани қотиринг.

### Гидравлик ҳаво компрессорида ҳаво фильтрини тозалаш ва алмаштириш




A103728—UN—13FEB19

A—Қулоқли гайка
B—Зичловчи шайба
C—Соябон
D—Фильтр элементи
E—Фильтр асоси

**ДИҚҚАТ: Компрессорнинг қўққисдан ишлаб кетиб жароҳатлашидан сақланинг. Хизмат кўрсатишдан олдин тракторни ўчиринг.**

**МУҲИМ: Компрессорга зиён етишидан эҳтиёт бўлинг. Ҳар 50 ишлаш соатида фильтр элементини тозаланг. Ҳаво фильтри элементини ҳар 100 ишлаш соатида ёки ҳар мавсумнинг бошланишида алмаштиринг. Фильтрнинг тозалиги ҳаво компрессорининг самарадорлиги ва эксплуатация ресурсини сақлаш учун жуда муҳим.**

1. Компрессорнинг ҳаво фильтри атрофидаги чангни тозаланг.
2. Қулоқли гайка (A) ва зичловчи шайбани (B) олиб ташланг.
3. Соябонни (C) ечиб олинг.
4. Фильтр элементини (D) олинг.

**МУҲИМ: Фильтр ва компрессорга зиён етишидан эҳтиёт бўлинг. Тозалаш пайтида фильтр элементига зиён етказманг. Фильтрни тозалаш учун уни қаттиқ юзага секин қоқинг.**

5. Ҳаво фильтрини тозаланг ёки янги ҳаво фильтри сотиб олинг. Қўшимча маълумот учун John Deere дилери ёки малакали техник хизмат кўрсатиш марказига мурожаат қилинг.

**МУҲИМ: Компрессорга зиён етишидан эҳтиёт бўлинг. Фильтрни ўрнатишдан олдин фильтр асосидан (E) барча ортиқча материалларни тозаланг.**

6. Тозаланган ёки янги фильтрни ўрнатинг.
7. Аввал олиб ташланган соябон, қулоқли гайка ва зичловчи шайбани ўрнатинг.
8. Қулоқли гайкани қотиринг.

WP29706,00008C5-UZ-15APR19

## Пневматик сиқувчи куч тизимига босим бериш



A68216—UN—22JUL10

*Тўғри ўралган пневматик пружина*



A66834—UN—25MAR10

*Тўғри ўралган пневматик пружина (қўш қаторли сеялкалар)*



A68217—UN—22JUL10

*Нотўғри ўралган пневматик пружина*



A66835—UN—25MAR10

*Нотўғри ўралган пневматик пружина (қўш қаторли сеялкалар)*

- Омбордан олингандан кейин илк марта сеялканинг сиқувчи кучи пневматик пружиналарини тўлдириш учун:
  - Авто режимида, сеялка экиш ҳолатига пасайтирилганда тизим белгиланган чегарага етиш учун пневматик пружиналарни тўлдиришни бошлайди.
  - Нуқтали режимда, сеялка экиш ҳолатига пасайтирилганда тизим белгиланган сиқувчи кучга даражасига етиш учун пневматик пружиналарни тўлдиришни бошлайди.
- Тизимга монитор кўрсаткичлари асосида 16 кглик (35 фунт) ёки механик калибр кўрсаткичлари асосида тахминан 83 кПа (0.8 бар) (12 фунт/кв. дюйм) сиқиш кучи билан босим юборинг.
- Иш пайтидаги минимал сиқиш кучи монитор кўрсаткичлари асосида 16 кг (35 фунт) ёки механик калибр кўрсаткичлари асосида 103 кПа (1.08 бар) (15 фунт/кв.дюйм ) бўлади. Мазкур босим кўрсаткичларига риоя қилмаслик пневматик пружиналарга зиён етишига сабаб бўлиши мумкин.

OUO6064,0000612-UZ-10NOV11

## Битталик қаторли пневматик сиқувчи куч тизимининг босимини чиқариш

*ҚАЙД: Ҳаво резервуарининг жойлашуви ва мўлжали сеялка моделига қараб ўзгаради. Тартиб барча моделлар учун бир хил.*




A87674—UN—17SEP15

*Қўлда бошқарувдан чиқиш*

**A—Қўлда бошқарув тугмаси**

1. Сеялкани экиш ҳолатига туширинг.
2. SeedStar™ мониторида сиқув кучини 66 N (15 фут) га камайтиринг.
3. Клапан трубасининг чап чиқиши томони юқорисида, пневматик пружина занжиридан қолдиқ ҳаво босимини чиқариш учун қўлда бошқарув тугмасини (A) босинг.




A68065—UN—07JUL10

**A—Оқава клапани**

4. Бўшатиш клапанини очиш орқали (A) резервуар ҳаво босимини қўйиб юборинг.

OUO6064,00005D9-UZ-12OCT15

## Иккиталик қаторли пневматик сиқувчи куч тизимининг босимини чиқариш

*ҚАЙД: Ҳаво резервуарининг жойлашуви ва мўлжали сеялка моделига қараб ўзгаради. Тартиб барча моделлар учун бир хил.*

*SeedStar - Deere & Company савдо белгиси*




A87675—UN—17SEP15

*Қўлда бошқарувдан чиқиш*

**A—Қўлда бошқарув тугмаси**

1. Сеялкани экиш ҳолатига туширинг.
2. SeedStar™ мониторда сиқувчи кучни to 66 N (15 фунт) гача камайтиринг.
3. Клапан трубасининг чап чиқиши томони юқорисида, пневматик пружина занжиридан қолдиқ ҳаво босимини чиқариш учун қўлда бошқарув тугмасини (A) босинг.




A72714—UN—21SEP11

**A—Оқава клапани**

4. Бўшатиш клапанини очиш орқали (A) резервуар ҳаво босимини қўйиб юборинг.

OUO6064,00005DA-UZ-17SEP15

## Орқа қаторлар блоклanganда, орқа қатор пневматик сиқувчи кучини бўшатиш

1.




A86721—UN—09JUN15

**A—Ички клапан**

**Нуқтали сиқувчи куч тизимлари:** Босим қўйиб юборилгунгача орқа қаторларга босим берувчи ички клапанни (A) очинг.

2. **Фаол сиқувчи куч тизимлари:** Экиш созламаси якунланганда ва олд қаторлар танланганда, тизим автоматик равишда орқа қаторлардан ҳаво босимини чиқариб юборади. (Ушбу қўлланмадаги уруғ нормаси конфигурацияси бўлимига қаранг.)

WP29706,0000905-UZ-09JUN15

## Битта нуқтали компрессор релеси жойлашуви




A71681—UN—01JUN11

*Компрессор релеси*

**A—Реле**

OUO6064,00005DC-UZ-10NOV11

*SeedStar — Deere & Company савдо белгиси*

## Электр компрессор - қувват жгутлари учун реле ва сақлагич жойлашуви




*DB сериялардан бошқа барча сеялкалар*

**A—Компрессор батареяси жгути**
**B—40 А Реле**
**C—Аккумулятор клеммаси (+)**
**D—Аккумулятор клеммаси (-)**
**E—40А Сақлагич**
**F—Мослама (4 штифтли)**
**G—Туташтиргич улагич**
**H—9 талик туташтирувчи разъём**
**I—Аккумулятор қуввати**
**J—AMS разъёми (мавжуд бўлса)**
**K—Бирламчи занжир кучланиши**
**L—Ҳаво компрессори улагичи**
**M—CAN улагичи (сеялка туташтиргичи)**
**N—CAN улагичи (трактор)**

Компрессорнинг аккумулятор разъёми (A) трактор аккумуляторидан сеялканинг 9 талик туташтирувчи разъёмига (H) коннектор (F)ва (I) орқали қувватни таъминлайди.

Аккумулятор қуввати улагич (L) орқали компрессорга узатилади.




A68115—UN—19JUL10

*DB сериялар*

**A—Компрессор батареяси жгути**
**B—40 A Реле**
**C—Аккумулятор клеммаси (+)**
**D—Аккумулятор клеммаси (-)**
**E—40A Сақлагич**
**F—Мослама (4 штифтли)**
**G—Туташтиргич улагич**
**H—AMS ва компрессор қувват разъёми**
**I—Мослама (4 штифтли)**
**J—CIS разъём (мавжуд бўлса)**
**K—Мослама тиқини 2**
**L—Узиш катаги**
**M—Оёқ тугмаси**
**N—Мослама тиқини 1**
**O—Мослама (9 штифтли)**

Компрессор аккумулятори жгути (A) трактор аккумуляторидан пневматик сиқувчи куч компрессорига ва бошқа монитор функцияларига қувват узатади (масалан,GreenStar™ норма контроллери baiGuide™ ).

Аккумулятор қуввати улагич (O) орқали компрессорга узатилади.

Қуйидаги тасвирлар трактордаги сақлагич ва реле жойлашган жойларни кўрсатади.




A68180—UN—15JUL10

*Реле, тўрт ғилдирак узатмали трактор*

*GreenStar - Deere & Companyнинг савдо белгиси*
*iGuide - Deere & Companyнинг савдо белгиси*




A68181—UN—15JUL10

*Реле, экиш секцияли трактор*




A68182—UN—15JUL10

*Сақлагич, тўрт ғилдирак узатмали трактор*




A68183—UN—15JUL10

*Сақлагич, экиш секцияли трактор*

**A—Реле**
**B—Сақлагич**

WP29706,0000351-UZ-19SEP14

## Гидравлик ҳаво компрессори мойини текшириш



TS230—UN—24MAY89




A87494—UN—02SEP15

**A—Ўрта**
**B—Кўриш ойнаси**

**⚠ ДИҚҚАТ: Жароҳат олишдан эҳтиёт бўлинг. Тақсимлаш клапанлари (SCVs) тизимини ўчиринг, тракторни ўчиринг ва хизмат кўрсатишдан олдин тракторни тўхтатинг.**

**МУҲИМ: Мавсумнинг бошланишида мой миқдорини текширинг ва машинадан фойдаланишда ҳар куни ишлатинг.**

*ҚАЙД: Трактор ва машинани текис ерга тўхтатинг.*

Тўғри мой миқдори кўриш ойнасининг (B) ўртасида (A) бўлиши керак. Керак бўлса, мой қуйинг. (Ушбу бўлимдаги гидравлик ҳаво компрессори мойини тўлдириш ёки алмаштириш қисмига қаранг).

WP29706,00002F1-UZ-14JUN18

## Гидравлик ҳаво компрессори мойини тўлдириш ёки алмаштириш



TS230—UN—24MAY89




A87495—UN—02SEP15

**A—Қопқоқ**
**B—Резервуар**
**C—Кўриш ойнаси**

**⚠ ДИҚҚАТ: Жароҳат олишдан эҳтиёт бўлинг. Тақсимлаш клапанлари (SCVs) тизимини ўчиринг, тракторни ўчиринг ва хизмат кўрсатишдан олдин тракторни тўхтатинг.**

**МУҲИМ: Детергент бўлмаган 30 Вт синтетик ҳаво компрессори мойи — ISO 100 (John Deere™ TY27029 ёки муқобили) дан фойдаланинг.**

*ҚАЙД: Машина ва тракторни текис ерга тўхтатинг.*

*Тўлдиришга ёрдам бериши учун воронкадан фойдаланинг.*

*John Deere — Deere & Company савдо белгиси*

### Компрессор мойини алмаштириш




A87496—UN—02SEP15

**A—Қопқоқ**
**B—Резервуар**
**C—Оқава шланги**
**D—Оқава клапани**
**E—Кўриш ойнаси**

1. Чиқаришда чиқариш резервуарига (B) ёрдам бўлиши учун қопқоқни (A) олиб қўйинг.
2. Оқава шланги (C) тагига контейнерни жойлаштиринг.
3. Оқава клапанини (D) очинг ва мойни тўпланг.
4. Оқава клапанини ёпинг.
5. Кўриш ойнаси (E) ўртасида мой кўрингунча резервуарга (B) белгиланган мой миқдорини қўшинг.

**Характеристика**

Компрессор
резервуари—Сиғими. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 0,5 л
(16,6 унция)

6. Қопқоқни (A) қайта ёпинг.

### Компрессорни мой билан тўлдириш

1. Қопқоқни (A) очинг.
